

Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Андижон давлат тиллар педагогика институти



**БОБУР ВА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ
МАДАНИЯТИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ
АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ**

(Бобур таваллудининг 510 йиллиги муносабати билан
Андижонда ўтказилган республика илмий анжумани
материаллари)

Telegram adress:

@turkiston_kutubxonasi

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИИ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИСТИТУТИ

БОБУР ВА ЎЗБЕК ҚИЛИИ МАДАНИЯТИ

ТАРАҚҚИЯТИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

(Бобур таваллудининг 510 йиллиги муносабати

билан Андижонда ўтказилган республика

идий анжумани материаллари)

Telegram adres:

@turkiston_kutubxonasi

Мухаррир – проф. Ф.ИСХОҚОВ. ◦

Техрир ҳайъатида:

Мухтор Умархужа – фил. фанл. доктори, профессор.

А.Нурманов – фил. фанл. доктори, профессор.

Ҳожи Сайфилиқ Жалил – профессор.

А.Абдулхамидов – фил.фанл. номзоди, доцент.

А.Ш.Собиров – фил.фанл. номзоди.

Telegram adress:

@turkiston_kutubxonasi

Мухтор Умархўжа
(Андижон Давлат тиллар педагогика
инст-ти. Фил. фанл. доктори,
профессор)

БУҲЖЛАР БИСОТИГА ЭДИМЕК

"Ҳар бир халқнинг тарихи ундан етишиб чиққан буюк кишиларга қараб баҳоланади" — деган эди Француз адиби Виктор Гюго. Демак, тарих ҳар бир халқнинг маънавий ойнасидир. Бу ойнада халқнинг кийлиги ақс этади, маданияти, илму урғони намоён бўлади, кунингдек, келмаги зухурланиб туради. Бу борада Тенгрининг ўзи бизга кўп ва хўб саҳоват кўрсатган: ўзбек тупроғидан ўнлаб жаҳон алломалари, эзлаб шоиру фозиллар ва кутаракхирлар етишиб чиқди. Тарих ойнасидаги бу сиймолар ҳар бир ўзбек қалбига фахрланиш туйғусини кўзгайди, ўзбекнинг жаҳон халқлари ўртасидаги ўрнини, мақеини белгилаб беради. Халқимизнинг маънавий, руҳий имкониятлари бөҳадлигини кўрсатиб туради. Биз жаҳонга машҳур алломаларимиз билан фахрланамиз, бироқ элда эъзозланаётган улугларнинггина яхши биламиз, номин асарлари унча таниш бўлмаганлар қанчадан-қанча, кунингдек, тарих қатларида номалум бўлиб келаётганлари қанчадан-қанча. Уларни ёд этиб, руҳларини шод қилиш — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз. Мана шу бурчни англашнинг натижаси улароқ ҳар йили олиму фозилларимиз, шоиру саркардаларимизни ёдга олиб туй — маъракалар ўтказмоқдамиз, уларга бағишлаб илмий анжуманлар, кечалар ташкил қилаялмиз.

Кейинги икки йилда Алишер Навоий, Амир Темури, Баҳовиддин Нақшбанд, Нозира, Хувайдо каби буюкларимиз тантаналари бўлиб ўтди. Шу ерда бир қарашда соғда ва жўн, лекин моҳиятан анча чуқурроқ бўлган бир савол туғилади: улкан бу тадбирларни ўтказишдан нурад нима? Улардан қандай мақсадлар кўзда тутилади? Ҳаволи ҳам тайёрдай; иқорида тавкидларанимиздек, ёд этиб, руҳларини шод қилиш. Лекин бу дегани уларнинг бизга муҳтожлиги эмас, аксинча, биз уларга муҳтожмиз. Бу муҳтожлик бизнинг авлодларимиз меросига маънавий эҳтишманчилигимиз билан изоҳланади. Эҳтишмларнинг қондирилиши эса миллатнинг руҳий кўтаринчилиги, ёш авлоднинг муқамал маънавий тарбиясига олиб келади.

Соғатда ота-боболаримиз ҳаёти, қилган ишлари ва ёкиб қолдирган асарларини ёшларга ибрат қилиш кўрсатамиз. Уларда ўзимизга — мураббий, устозлар, ота-оналар, олиму давлат арбобларигача

дан ибрат буладиган кўп қирралар мавжуд. Биз, аввало, улар тарбияланган оилавий ҳанда ижтимоий муҳитни, улардаги муносабатларни, уларни камолга етказган таълим, ўқув тизимини муфассал урганмоғимиз керак. Шундагина кўзлаган мақсадга эришамиз: халқимиздан яна мутафаккирлар етишиб чиқади, у ўзлигини англайди. Ўзлигини англаган халқ дунёда энг қудратли, эркин ва ҳурдир. Сир эмаски, ўтмишда босқинчилар ўз қўли остидаги мустамлакаларни узокроқ асоратда ушлаб туриш учун уларни жаҳолатга, асоратга маҳкум қилганлар. Бунда улар машъум, аммо ўзлари учун оддий йулдан борганлар: мазкур халқларни тарихидан жудо этиб, улардан етишиб чиққан алломалар номини, меросларини йўқ қилишга ҳаракат қилганлар, миллий ўзликни йўқотиб, оммавий манкуртлик ружиятини сингдиришга уринганлар. Ўртимизда етмиш йилдан ортиқ ҳукм сурган манкур тузум ҳам ана шундай йул тутди. Кимларгадир босқинчи, золим дея қора чизиқ тўртилди, кимлардир диндорлик тамғаси билан эзига қора чапланди, яна бошқалар халқ душмани номи билан қатоғон қилинди. Истиқлол неъматини туфайлигини тарихимизни қайта идрок этиш, йўқолган қадриятларимизни тиклаш, назардан четда қолган маънавиятимиз қирраларини эзага чиқариш имкониятига эга бўлмоқдамиз. Ҳамэртимиз, шоир ва саркарда, олим ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд! 510 йиллигининг элимизда кенг миқёсда нишонланиши ана шу неъматнинг меваларидан биридир.

Темур ва темурийлар тарихини синчковлик билан ўрганган одам бу сулола вакилларининг аксарияти учун тўрт фазилат: шоирона табиат, саркардалик, давлат арбоби ва олимлик хос эканлигига амин бўлади.

Бошқаларида у ёки бу хусусият юқорироқ ёки камроқ бўлиши мумкин, лекин Бобурда мазкур тўрт фазилат ўзининг олий мақомига эришган. Уларнинг узаро уйғунлиги қатор Шарқ халқлари, жумладан, ўзбек халқи тарихи, маданияти ва санъатида бетакрор ва учмас из қолдирди.

Бобур шеърляти, "Бобурнома" (БН)си¹ илмий асарлари, яқин-

1. "Бобурнома" шу мақолада ва ундан кейинги саҳифаларда ўрни билан БН шаклида берилади.

лари билан ўзаро ёзишмалари, у қурдирган меъморчилик обидалари бу буюк одамнинг қимлигини бизга баланд овоз билан айтиб турибди. Бу борада, айниқса, БН асари жуда қимматлидир. Мазкур асар фаннинг жуда кўп соҳалари учун маълумотлар беради. Масалан, тарихий нуқтаи назардан қараб баҳо берадиган бўлсак, БН биргина Бобур ёки Бобур иштирок этган воқеалар тарихи эмас, балки у Темур ва теурийлар даври тарихидир десак янглишмаймиз. Муаллиф ўз кечмиш-кечирмишлари билан бирва бу сулолага мансуб ҳукмдор ва шаҳзодалар ҳақида ҳам батафсил тўхталади. Тўхталганда ҳам ғалобати (туғилган йили) ва насабига, шакл ва шайиши, ахлоқ ва атери, масофлари (урушлари), вилоети (унга қарашли ҳудуд), авлоди, хавотин ва сарори (хотинлари) умароси ҳақида муфассал тўхталиб ўтадики, бундай маълумотларни бошқа бирон тарихий китоблардан топиш қийин. Бобур элни обод, мамлакатни маъмур қилган ва маъриратга машғул бўлган теурийларни алоҳида ҳурмат билан тилга олади.

Думладан, Султон Хусайн Мирзо даври ҳақида шундай ёзади: "Султон Хусайн Мирзонинг замони ажаб замоне эди, аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, батаҳсиб Ҳирий шаҳри мамлу эди. Ҳар кишининг - қим бир ишга машғуллиги бор эди, қиммати ва ғарази ул эдиким, ул ишни қамолга теғургай". Шунинг учун Бобур уни "...салтанат бида улуг подшоҳ эди", дейди. Бобурнинг адабиёт илми билимдони экани ҳам қуриниб туради. Унинг "табъи назми бор" теурийларни эътироф этиши, Алишер Навоий, Абдураҳмон Ҳомий, Султон Хусайн ва унинг замонидаги қатор шоирларга ўз ҳолига мувофиқ таъриф бериб бериши ҳам шундан гувоҳлик беради.

У қим ёки нималар ҳақида ёзиасин - тарихий шахслар тўғрисида гапирадими, кечмиш воқеаларни изоҳлайдими - ҳам мартаба, ҳам олимлик жиҳатидан ҳаммадан юқори туриб баҳолайди, таърифлайди. Ҳеч нарсани орттирмадан ёки қамситмасдан ҳақиқатни ёзади. Миқдолларга муурожаат қиламиз. Алишер Навоий ҳақида "Алишербек назирини йўқ қили эди. Туркий тил бида те шезр айтиб-дурлар, ҳеч қим анча кўп ва ҳуб айтқон эмас" деб унинг ёзган асарларини ва бошқа фазилатларини эътиром билан айтган, орада "Ина баъзи мусаннафоти борқим, бу мазкур бўлгонларга боға пастрок ва сустрок воқе бўлдурут" ёки "Дорсий назива баъзи абёти ёқон эмастур, вале ақсар суст ва фурудтур" деб айтиб

32

утади. Султон Лусайн Мирзонинг фазилатларини мақташ билан бирга унинг камчиликларини, заиф томонларини ҳам эътироф қилади. Чунинчи, диротни қўлга киритган, шоҳ ҳам, унинг атрофидагилар ҳам айшу ишратга берилишиб, натижада "боргон сайин навкар ва вилояти кам булди ва ортмади" дейди. Шунингдек, ўзининг муваррақияти, мағлубияти, йўқотишлари ҳақида ҳам рўйи-рост ёзади.

Тилшунослик борасида ҳам БН ни кўп қизиқарли тадқиқотлар кутмоқда. Асарда учрайдиган топонимик номлар, адабий тил муаммоси, ўша давр адабий тил нормаси, жуда катта ҳудудда баробар ёнма-ён қўлланилган араб, форс ва туркий тилларнинг ўзаро лексик, морфологик, синтактик таъсири масалаларини чуқур ўрганмоқ лозим.

Бобур асарларида қайси соҳа бўйича фикр крйтмасин, ўзининг шу соҳа бўйича билимдонлигини, олимлигини намоён қилади. Ақлга нэ хайратки, Бобур бирон жойда муқим таҳсил олмаган, Шарқнинг бошқа мутафаккирлари каби мадрасаларда ўқимаган, ҳаёти доимо сафарда, жангу жадалда кечди, Шунга қарамай, у қомусий ақл эгалари қаторидан жой олди. Чунки бундай қомусийлик унинг наслида бор эди, мазкур наслий фазилат эса Ўзбекнинг қонида бор хусусиятдир. Зеро Бобур - ўзбекнинг тимсоли бўлиб жаҳон маданияти сахнасида катта из қолдирган буюк сиймодир.

Telegram adress:

@turkiston_kutubxonasi

Ҳожи Сайфиқдин Ҳалил
(Андижон ДУ)

БОБУР ДАВРИДА АНДИЖОН

Андижон - Фарғона vodiysidaги энг қадимий шаҳарлардан биридир. Улуғ инсон Заҳриқдин Муҳаммад Бобур таваллуд топгунга қалар бу шаҳар уртача 1500 йиллик тарихга эга эди. Бобур даврида эса шаҳарни ураб турган девори ва арки пойтахт Андижон учун ҳимоя воситаси бўлиб хизмат қилган эди.

I. АНДИЖОННИНГ ҚАЛЪА ДЕВОРИ

Заҳриқдин Муҳаммад Бобур ўз мулкнинг пойтахти - Андижон шаҳрини қисқача таърифлар экан, уни ураб турган қалъа девор ҳақида ҳам тухталиб ўтади. Чунинчи, бу тўғрида қуйидагиларни ёзади: "Қалъанинг гирдо-гирди хандақнинг тош ёни сангрезалик шоҳроҳ тушубдур". (БН, 6-бет). Демак, Бобур таърифида, қалъани унинг бутун айланаси бўйлаб катта хандақ ураб туради ва қирғоқидан майда тош ётқизилган йул ўтган. Яна "БН"да қуйидагиларни ўқиймиз: "Қалъанинг гирдо-гирди тамом маҳаллотдур. Бу маҳалла бида қалъага фосола ушбу хандақ ёқасидаги шоҳроҳтур". (Уша жойда).

Мовароуннаҳрдаги ўрта аср шаҳарларининг маҳаллалари тарихда "шаҳристон" деб аталиб, қалъа деворининг ташқарисида жойлашгандир. Бобур таърифидан шу нарса маълум бўлмоқдаки, Андижон маҳаллалари ҳам шаҳар деворининг ташқарисида жойлашган бўлиб, бутун атрофдан қалъани ураб туради, девор ташқарисидаги хандақ бўйлаб кетган йул эса, маҳалла билан қалъани ажратиб туради.

Тарихий манбаларни, ўзимиз тўплаб урганган топономик (журофий номлар ҳақидаги) маълумотларни ҳамда, муттасил бўлмаса-да, олиб борилган археологик текширишлар хулосаларини таққослаб, шунингдек, Андижоннинг эски шаҳар қисмини бир неча йиллар давомида синчковлик билан ўрганиб тўплаган маълумотларимиз бизга шаҳар тарихи бўйича баъзи хулосаларни чиқаришга имкон беради.

Дамдуллоҳ Қазвинийнинг "Нузҳат-ул-қулуб" асарида баён қилинишича, Андижон XIV асрдан Фарғона вилоятининг пойтахтига айланган, уни ураб турган ва мўғуллар истилоси натижасида вайрон бўлган қалъа деворлари қайта тикланади. Текширишлар кўрсатадики, шаҳарнинг асосий қисми шимоли-шарқда собиқ Чувалачи

Telegram adress:

@turkiston_kutubxonasi

маҳалласидан (ҳозирги Куйбишев кўчаси бошидан), шимоли-ғарбда ҳозирги Қора Бура маҳалласигача, бундан жануби-ғарбда ҳозирги Қизил Шарқ кўчасининг Ташкилот кўчаси билан туташган жойигача, жануб томонда Ташкилот кўчаси бўйлаб собиқ Оқ масжид мавзесигача (ҳозирги Навоий номи парк дарвозасининг шимол томони) масофалар бир-бирига туташтирилганда атрофлари ўртача бир километрга тенг бўлган турт бурчакли майдонга жойлашгандир. БН да ишора қилинган шаҳар қалъа деворининг шимол томони ҳозирги Куйбишев кўчаси бўйлаб, ғарб томони Қора Бурадан Умарбек гузарига чиққач Қизил Шарқ кўчасига параллель ҳолда, жанубий томони эса, Ташкилот кўчаси бўйлаб утган бўлади. Деворнинг шарқий томони ҳозирги Чулпон шоҳ кўчаси бўйлаб утиб шимоли-шарқда, яъни Куйбишев кўчаси бошида шимолий деворнинг буржи билан туташган чиқади.

Биз эски шаҳарнинг ушбу қисмида қадимий қалъа девор қолдиқларини излаб бир неча марта айландик, ўша, ёқорида тилга олинган, кўчалар бўйлаб деярли барча хонадонларда бўлдиқ ва эски харита-схемаларни ҳам кўриб чиқдик. Ҳозир жуда ҳам кичрайиб оқайтган Далварзин ариғи ўрта асрда шимолий девор ташқарисидеги хандақ вазиғасини ўтаган.

Қалъа девори шаҳар ғарбидан Умарбек гузарига келгач ҳозирги Олтинкўл кўчасини кесиб ўтади ва Қизил Шарқ кўчасига параллель ҳолда яна жанубга йўналади.

Қалъанинг жанубий томони эса ҳозирги Ташкилот кўчасига параллель ҳолда шарққа йўналади ва собиқ Оқ масжид мавзесига (Навоий номи паркиннинг ҳозирги дарвозасидан шимол томон) чиқиб Шарқий девор билан туташади. Қалъа деворининг жануб томонидаги қисми шаҳар аркини бу томондан ўраб турган (бу ҳақда-кейинроқ).

Шу тарзда, биз Бобир давридаги Андижоннинг шаҳар қалъа деворини аниқлаб айланиб чиқдик ва уни схемага олдик. Ҳозирги текширишларимиз натижаси шуни курсатадики, муғуллар ҳукмронлиги даврида Андижонни Қашғар томондан келадиган Ипак йўлига боғлаш учун шаҳар жануб томонга анча кенгайган ва бу томонда Хокан ариғи бўйлаб янги қалъа девори олдирилган. (Шаҳарнинг Хокан дарвозаси ҳақида БН да маълумот бор).

Бироқ ХУІ аср бошидан Шайбонийхон бошлиқ кучманчи ўзбеклар Андижонни ҳам эгаллагач, шаҳарни бутунлай вайрон қилишган.

Темурийлар қароргоҳи бўлмиш шаҳар арки ва ундаги хонадонлар тамоман бузиб ташланган. Шайбоний ҳокимлари учун эса, шаҳарнинг шерқ томонида янгидан махсус хон ўрдаси барпо қилинган. (Бу томонда ҳозиргача "Ўрда маҳалла" номи билан аталувчи кичик бир мавзеъ бор). Темурийлар давридаги шаҳар арки эса, касдан бузиб ташланган, ammo ҳамон "Арк ичи" номи маҳалласи мавжуд. (Бу ҳақда махсус тўхталамиз).

2. АНДИХОННИНГ АРКИ ҲАҚИДА

Аввало шуни айтиш керакки, Ўзбекистоннинг, умуман, Шарқнинг қадимий шаҳарлари ичида унинг арк қисми бўлиб, у шаҳар, вилоят ҳукумати жойлашган ўрда ҳисобланарди. Қўпинча манбаъларда "куҳандиз", "коҳ", "қаср" ва "арк" атамалари билан тилга олинади. Одатда арк шаҳар тўрисида, табиий думлик ёки махсус қутарилган баландлик устига қурилган ва атрофи мустаҳкам девор билан ўралган бўлади. Қўпинча арkning бир томондан дарвозаси бўлиб, унга қия қилиб ишланган йўлак билан кирилган. Арк ичида шаҳар, вилоят ҳокими, унинг амалдорлари ва лашкарбозиларнинг саройлари ва уйлари, шунингдек, девон, пул зарбхонаси ва зиндон жойлашган бўлади. Аркда махсус тайинланган қутвол (комсндант) бўлиб, арк девори ва иморатларининг таъмири ва уни қўриқлаш учун соқчилар тайинлаш билан шуғулланган.

Шаҳримиз Андиҳон урта асрларда Фарғона Мулкининг пойтахти бўлгани сабабли унинг арки ҳам анчагина катта бўлган; бироқ, вқорида ёзганимиздек, Шайбоний қўшинларининг 1504 йилги ҳужуми натижасида бутунлай вайрон қилинган.

БН нинг Андиҳон ҳақидаги саҳифасида "арки жануб тарафида воқеъ бўлибтур" (б-бет) деган жумла бор. Биз эски шаҳар маҳаллаларини бир неча бор айланиб унинг жануб томонида арк девори қолдиқларини изладик, майдонини аниқладик ва қадимий арк деворидан айрим қолдиқларни хонадонларда учратдик. Ўзбекистон фанлар Академияси археология институти ташкил қилган Андиҳон археологик отряди Арк ичи маҳалласида айрим қазил ишлари ўтказди (ушбу сатрлар муаллифи илмий маслаҳатчи сиратида иштирок қилган). Ҳақиқат кўчасининг I-тор кучаси ва Трактор кўчасининг I-берк кўчасидаги иккита ҳолидан арк девори вайронасининг ости қовланганида бир метр чуқурликда яна қадимий девор остоналари ва сопол парчалари учради. Текширишда улар-

Telegram adress:

нинг мелодий IУ асрга доирлиги аниқланди. Бу - бизнинг олдинги хулосаларимизни яна тасдиқлайди, яъни Андижон қалъаси ва арки қадимий иншоот, XII асрда эса, Ҳамдуллоҳ Ҳазвиний ёзганидек, қайтадан таъмир қилинган.

Арк шимолий деворининг шарқий бурчаги ҳозирги "Пойтуғ" кўчаси, 3-хона атрофидаги баландликка тўғри келади, девор шу нуқтадан ғарбга йўналди ва шимолий деворни ташкил қилади.

Ҳақиқат кўчаси бодидан унинг I-тор кўчаси бўйлаб девор ғарб томонга давом этиб, "Трактор" кўчасининг I-берк кўчаси (тупик) остидан кетади. Зотан, бу берк кўча айнан девор устидадир. Кўчанинг унғ бетидagi барча ҳовлиларга зинапоялар билан тушилади. Ҳовлилар ҳозир ҳам кўчадан 2-3 метргача пастдадир.

Арkning ушбу шимолий девори ғарбда "Қизил Шарқ" кўчасининг 23-хонадонидан жанубга бурилган. Шу ердан бошлаб ғарб томонда арк девори шаҳар қалъа деворига тўғри келади (арк учун алоҳида девор олдирилмаган кўринади). Ушбу девор "Қизил Шарқ" кўчасига параллель ҳолда жанубга йўналган.

"Қизил Шарқ" кўчаси жанубда Ташкилот кўчасига туташмасдан 30 метрча икорида, яъни 5-ҳовли этагида девор шарқ томонга бурилади ва аркни жанубдан ўраб туради. Шу тарзда, арkning жанубий девори шарққа томон Ташкилот кўчасига параллель ҳолда боради. Ушбу кўчанинг 37-, 41-, 43-, 45-хоналари этакларига шоти билан чиқилади.

Ўзбекистон Ҳанлар Академияси Археология институтининг ёрдами билан Арк деворининг ушбу қисмидан қабристон остида қолиб кетган пойдеворини қовлаб очдик. Пойдевор ер ёзасидан 4 метр пастда, эни ҳам 4 метрга тенг. Девор остки қисмининг эни шунча бўлгач, деворнинг нақадар баланд бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас. Ушбу пойдевор устки қатламлари очилганда, одамларнинг қўлаб суяклари топилди. Бу - 1504 йил июнь ойида Шайбоний қўшинлари билан андижонликлар уртасида бўлиб ўтган шиддатли жанглар оқибатидир.¹ Афсуски, ушбу жанг тафсилоти БН дан тушиб қолган. Бу ҳақда бошқа тарихий асар - "Муслатнома" - Тарихи гузи-

1. Ушбу ишлар яқуни ҳақида қаранг: С.Залилов, Бобир ватанида, "Ҳан ва турмуш", 1983. 3-сон.

Telegram adress:

@turkiston_kutubxonasi

да" манбаида қисқа маълумот келтирилган (Тошкент, "Фан" нашриёти, 1967 йил. Нашрга тайёрловчи - А.М.Акрамов). Бу жой тарихий-археологик ёдгорлик сифатида ҳисобга олиниб, бундан кейин ҳам сақланиши керак деган таклифни киритганмиз. Девор шарқда Пойтуғ кучасигача давом этиб, "Ташкилот" кучасининг 21-хонадони ўрнидан Пойтуғ кучаси бўйлаб шимолга бурилади.

Пойтуғ кучасининг шарқи бир оз пастлик бўлиб, халқ оғзида бу томон "Четкилик маҳалла" деб юритилади. Демак, арkning ташқи, четки томони ҳисобланади. Агарда мана шу урам бир-бирига туташтирилса, шарқдан ғарбга чузиқроқ тўрт бурчак ҳосил бўлади. Биз ушбу урам томонларини ўлчганимизда маълум бўлдики, Арkning узун (шарқдан ғарбга) 450-460 метрга, эни (шимолдан жанубга) 215-220 метрга тенг келади. Шу кўчалардан айланиб юрган киши ушбу урам ичи ҳозир ҳам атроф ерларга нисбатан баландликда эканини сезади.

Бизнинг текширишимиз натижаларига қараганда, арк девори анча қадимий замин устида қурилган.

XIV аср тарихчиси ҳамдуллоҳ Қазвиний "Нузҳат-ул-Аудуб" асарида "Андижон шаҳрини Хайду (Хайду) ва Лувахонлар қайтадан обод қилдилар" деб таъкидлагани мутлақо тўғридир.

Энди Андижон Арkning дарвозаси қаерда бўлган? - деган савол туғилади. Текширишимиз натижалари шуни кўрсатадики, арк дарвозаси ҳозирги "Трактор" кучаси билан "Ҳақиқат"нинг биринчи тор кучаси туташган жойда бўлган ва арkning қадимий йулаги "Трактор" куча остида қолиб келган. Арк девори шимолида - "Трактор" кучасидан ғарбга томон кетган "Тўқлик" кучасининг бошланиш қисмида ҳозир ҳам катта майдон бор. Ушбу майдон қадимий ҳовуз ўрнидир. Ҳовузнинг аркка муносабати шуки, арк йули ўша ҳовуз ёқалаб ўтиб жанубга томон - тепага, аркка чиқиб кетган. Фикримизча, ҳовузга қаердандир сув келиб турган, лекин ҳозирча бундай ариқ ўрнини аниқлай олмадик, бу ҳам текширишлар рўйхатида турибди.

Шундай қилиб, 15 йил давомида олиб борилган текширишларимиз натижаси шу бўлдики, Фарғона мулкининг пойтахти Андижоннинг энг қадимий ўрни - шаҳарнинг девори, Арк ичи ва унинг атроф деворларини аниқлаб чиқдик. Андижон Фарғона мулкига пойтахт бўлганидан бошлаб подшоҳ хонадони ушбу Арк саройида турган. Фақат ёз ойларидагина подшоҳ ўз оиласи билан XIII асрдаги эл-зида натижасида вайрон бўлиб кетган собиқ Аҳсиқатга кўчиб келиб

Сирдарё буйидаги ёзги қароргоҳда вақтни ўтказар, кузда эса, яна Андижонга – пойтахт Архига қайтарди.

Бу айтилганлардан умумий хулоса шуки, шаҳарнинг ўрта асрдаги Арк ичи қисми, иложи бўлса, бир маҳалла ёки ақалли унинг бир томони Андижоннинг Бобур давридан тарихий ёдгорлик тарзида сақланиши керак. Бу – собиқ СССР маданият камгармасининг фақат тарихий ёдгорликларнигина эмас, балки айрим тарихий жойларни ҳам келажак учун сақлаб қолиш ҳақидаги иш режасига мос тушади. Бу мулоҳазани 1991 йили ЮНЕСКО томонидан ташкил қилинган "Буюк ипак йули бўйлаб" халқаро экспедицияда қатнашган чоғимизда унинг якунига бағишлаб Олма-Отада ўтказилган илмий симпозиуми раҳбарларига ҳам айтдик ва улар ҳам маъқуллашди. Қалаверса, Она эртимиз, ўлкамиз тарихини чуқурроқ ўрганиш жиҳатидан ҳозир қўйилаётган талабларга ҳам бу таклиф айтиш мос тушади.

1. 1989 йил ноябрь ойида Симферополда СССР Маданият камгармасининг худди шу масалага бағишланган илмий конференцияси чақирилиб, ушбу сатрлар муаллифи қатнашган ва "Бобир арк майдонини ёдгорлик сифатида сақлаб қолиш масаласи" деган мавзуда илмий маъруза қилган эди.

Telegram adress:

@turkiston_kutubxonasi

А. Абдуғафуров - Москва
(УзФА, Адабиётшунослик
институтини)

БОБУР ҒАЗАЛИЕТИ

Улуғ Алишер Навоий билан бир даврда яшаб қалам тебратган ёки
инга кичик замондош бўлган ижодкорлар меросларини баҳолашда
тадқиқотчи мушқил бир аҳволга тушади. Гап шундаки, Навоий
ахлоқи, унинг бадиий ижодда кўтарилган юксаклиги, асарларининг
дуқур мазмундорлиги ва ҳайратомуз нафосати, ранг-баранг турлар-
да битилган шеърятининг кенг уфқлари ва чексиз сарҳадлари, у
қаршидан ғоявий-бадиий баркамоллик ва адабиёт мухлислари уртаси-
да қозонган шон-шухрат тадқиқотчи кўзи олдида бутун салобати
ва доврўғи билан мана-ман деб турадики, у истар-истамас бошқа
ижодкорлар меросига ҳам уша баркамоллик ва юксаклик ўлчов-мезо-
ни билан, уша олий савия ва даража билан ёндашиши лозим бўлади.

Ҳе, улуғ Навоий ижодий фаолияти адабиётнинг кадрини бенихо-
т даражада кўтарди, шеърятга бўлган муносабат ва талабини ошир-
ди, ғоявийлик ва бадиийлик мезонига янада аниқ ва салмоқли маъ-
нун беғишлади. Бундай шароитда фақат ноёб иқтидор соҳибларигина,
шаҳо ижодкорларгина адабиёт осмонига кўтарилиши мумкин эди.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур ана шу катта ўлчов, жиддий ғоя-
вий-бадиий мезон-талаблар имтиҳонидан ёқори баҳо билан ўта ол-
ган ижодкорлардан биридир.

Бобур Навоий асарларининг шуҳрати Хуросон ва Мовероуннаҳр-
ан ташқари ҳам кенг ёйилган, "этти иқлим элин ўзига харидор
этган" бир шароитда адабиётга қўл уриш, шеърятда қалам тебра-
ш нақадар масъулиятли эканлигини тўла ҳис этган, дейишга тўла
сос бор. Бобурнинг бутун ижодий фаолияти, у қолдирган бебаҳо
адбий ва илмий-тарихий мерос худди шундан аниқ дарак беради.
У улкан маънавий мерос халқпарварлик ва ватанпарварлик, адолат
ва покдемонлик, дустлик ва тотувлик, меҳр-шафқат ва инсои-диё-
нат, эзгулик тасдиқи ва ёвузлик инқори, шахс эрки-ҳуқуқи ва
тевғи-садоқат каби умуминсоний қадрият ва туйғуларни фаол тат-
виқ этиши билан ҳам, тур ва бадиий воситалар ранг-баранглиги
жиҳатидан ҳам асрлар давомида барча маданий халқлар мутахассис-
ларининг диққат-эътиборини ўзига тортиб келимоқда. Бой ва чуқур
хаётий мазмуни, илм-фаннинг кўпгина соҳалари бўйича қамраб

олган кенг ва турли-туман маълумотларига кура чин маънода қому-
сий бўлган "Бобурнома" ўзбек, афғон ва ҳинд халқлари тарихи
буйича энг муътабар манбалардан бири сифатида муаллиф донгини
бутун дунёга таратди. Бугина эмас, "Бобурнома" ўзбек бадиий
наsrининг гўзал бир обидаси эканлиги билан ҳам адабиётимиз
тарихида янги бир босқич бўлди.

Бобурнинг "Рисолаи аруз" илмий асари эса Шарқ шеърятининг
энг муҳим ва ўта мураккаб масалаларига бағишланган бўлиб, ада-
биётшунос олимларнинг юксак баҳоларига сазовор бўлган. Буларда
ташқари Бобур қолдирган ижодий меросда ахлоқий-дидактик ва
диний йўналишдаги, шунингдек, ҳарбий иш ва муסיқа илмига бағиш
ланган бир неча рисодалар ҳам мавжуд.

Бобур кўп асрлик адабиётимиз тарихидан юксак иқтидорли
ижодкор, соҳиби девон шоир сифатида ҳам ҳақли равишда энг кўр-
кам ўринлардан бирини эгаллайди. Унинг жўшқин ва ниҳоятда
нафис, ижобий маънодаги одда ва ўта сāmимий ғазаллари, чуқур
фалсафий мазмундор қитъа ва пурҳикмат рубоийлари гўзал тунқ ва
ҳаётий маснавийлари ҳар бир таъби баланд шеърят мухлисини
ўзига ром қилади, юксак бадиийлиги ва завқбахшлиги билан унинг
қалбини мафтун этади. Она прт эъзози, ватанни улуглаш, инсон-
дустлик, ҳаётсеварлик, ўзгаларга меҳр ва хайрихоҳлик Бобур
ғазалларининг ғоявий-бадиий мундарижасини ташкил этувчи хос
белгилар даражасига кўтарилган. Шоир ўзлигини, ҳаётнинг гашти-
ни диёр қучоғини нозу неъматларисиз, дўстлар меҳр-муҳаббатини
жонбахш суҳбатларисиз, ёр гўзаллигини севги-садоқатисиз тасав-
вур қила олмайдики, бу юксак инсоний фазилатлар унинг гўзал
мисралари жисмига моҳирлик билан сингдириб юборилган. Бобур
шеърятимиздаги ранг-баранг бадиий санъатлардан нозик дид ва
катта маҳорат билан фойдаланди, мисраларнинг жарангдор ва маз-
мунан тулақонли бўлишига эришди, ҳар бир мисра, ҳар бир ташбиҳ
ва муболағанинг мантиқан уринли, ҳаётий ва завқбахш бўлиши
устида заҳмат чекди. Бобур ўз нафис шеърятини кенг оммага
лаган бўлиб, ўз ўқувчилари билан у раvқулодда раvон ва тушунар-
ли тилда сўзлашади, фикр-мулоҳазаларини, хулоса-баҳоларини,
панд-ўғитларини ҳайрон қоларлик даражада халқчил ва табиий бир
тарзда ифодалайдики, бу унинг асарларига қўшимча фойз ва шаз
бағишлайди.

Ф.Исҳоқов, А.Абдулхамидов
(Андижон Давлат тиллар пединституту)

"БОБУР"МИ Ё "БОБИР"?

Заҳириддин Муҳаммад Бобурга ва унинг беназир адабий-тарихий меросига халқимизнинг, жаҳон халқларининг қанчалик чуқур ҳурмати ва муҳаббати борлигини кўриб туриб бу буюк шахснинг бошидан кечганлари ва унинг хотираси устида бўлиб ўтган ноҳақликлар кўз олдимизда намоён бўлади-да, афсусланамиз.

Халқнинг дилида бўлса, куни келиб у тилига, рўёбга ҳам чиқар экан. Миллий мустақиллик сиёоати миллий кадриятларни тиклади, халққа катта маънавий қувват бағишлади. Бобургина эмас, Аҳмад Нисавий, Сулаймон Боқирғоний, Суфи Оллоёр, А.Қодирий, Усмон Носир, Чулпон, Фитрат сингари элни суйган ва эл-суйган унлаб бошқа адибларимиз ҳам миллий маданиятимиз тарихидаги ўз ўринларига қайтарилди.

"Бобурнома"нинг 460 йиллиги муносабати билан ва Бобур таваллудининг 510 йиллиги олдиан Бобур хотирасига атаб республикамизда анчайин хайрли ишлар амалга ошириляпти.

Бобурнинг адабий-тарихий меросини урганиш ва ўргатиш масалалари устида ҳам олимлар, мураббийлар жиддий фикр яритмоқдалар.

- Бобокалонимизнинг бой ва серқирра меросини урганишга астойдил киришар эканмиз, бу улуг зотга эҳтиромимизни у кишининг муборак номларини тўғри айтиш ва ёзишдан бошлашимиз керак, - дедилар Андижонда бўлиб ўтган бири: илмий анжуман иштирокчилари. - Асрлар буйи "Бобир" бўлиб келган ном нима учун энди "Бобур"га айланиб қолади?! Ахир илгари "Бобир" деб айтар ва "Бобир" деб ёзар эдик. Ҳозир эса "Бобир", "Бобирнома" деб айтамыз-у, "Бобур", "Бобурнома" деб ёзамиз?! Нима учун "Бобур"ни халқона, миллий талаффуз буйича аввалги шаклида - "Бобир" деб ёзиш мумкин эмас?!

- 1983 йилгача чиққан дарсликларда шоир ва олим бобомизнинг номи "Бобир" деб берилган. Кейинги йилларда у "Бобур"га айланиб қолди. Бунинг сабабини ўқувчи сўрайди, биз эса асосли жавоб бера олмаймиз. Аслида бу ном қандай: "Бобир"ми ёки "Бобур"ми? - аниқлик киритишни сўрайди муаллима Холида Ваҳобова.

Telegram adress:

форсча "Ғиёс-ул-лугат"да Заҳириддин Муҳаммаднинг таҳаллуси "Бобур" шаклида ёзилгани уқариб ўтиладида, ҳудоса ўрнида Заҳириддин Муҳаммаднинг алабия таҳаллуси арабча "шер" маъносигаги "Бобур" сўзи бўлган, демак, бу ном шундай ёзилиши ва талаффуз этилиши шарт" /?/ деган фикр илгари сурилади.

Бобур номининг арабча "бабр" (бабар/ сўзига боғланиши аниқ. Араб ва эроний /форс, афғон, тожик/ тилларга оид эски ва янги лугатларда "бабр" сўзи "йулбарс", "йулбарсга ухшаш вахший ҳайвон", "шер", "шерга яқин дарранда" деб изоҳ қилинади. Абу Носир Ҳароҳийнинг араб тилига оид "Нисоб-у-сибён" номи қўлланмасида "Ғазанфару асаду бабру зайғум - шер" дейилган изоҳ бор. Демак, бу тилда ғазанфар, асад, бабр, зайғум сўзлари шернинг турлича номлари экан.

"Ғиёс-ул лугат"нинг 69-саҳифасида "Бабр" сўзига "сабр" баънидаги сўз, "йулбарс ёки шер" деб изоҳ берилгани ҳолда "Бобир" номи "Акбаршоҳнинг бобоси, Темур соҳибқиронга туртинчи авлод бўлиб боғланувчи набира" /64-сах./ деб тушунтирилади. Бироқ бу лугатда номнинг "Бобур" тарзида ёзилишига бирор ишора йўқ.

Арабча лугатларда "бабр" сўзи бўлгани ҳолда "бобир" сўзи учрамайди. Форсча лугатларда эса "Бобир" сўзи Заҳириддин Муҳаммад шахсига боғлаб унинг таҳаллуси сифатида изоҳ қилинади. "Сабр"дан Собир, "жабр"дан Добир, "пуур"дан шоир сўзлари ясалгани ва лугатга киритилгани ҳолда нима учун "бабр"дан "бобир" ясалмаган ва лугатга олинмаган? Бунинг сабаби шундаки, сабр, жабр, пуур типигаги сўзлар белги-хусусият отлари бўлиб, удардан арабчада "исми фойл" /ҳаракатли бақарувчи шахс номи/ қолипига собир /сабр қилувчи/, жобир/жабр қилувчи/, шоқр /пуур ироқаловчи/ сўзлари ҳосил қилинади. "Бабр" сўзи эса белги-хусусият оти эмас, ҳайвон номидир. Уни лақаб ёки исмга кучирганда, "Асад" /шер/ сўзи сингари, "бабр"ни ҳам ўзича қўллаш лозим бўлган. Эроний ва туркий халқлар, кўринишдан, бу номни дастлаб шу шаклда қўллаганлар ҳам. Бироқ туркий тилларда бир бўғин ичида ёнма-ён келган икки ундовни талаффуз қилиш қийин: "гушт"-ни "гўш" деб айтганимиз каби, ё бўғин таркибигаги кўп ундовнинг бири тутирилади, ёки ундовлар орасига бир унли қўшиб бўғин орттирилади "Бабр" сўзи - бир бўғинли сўз. "Мавқ"ни "мавиқ" деганимиздек, туркча-ўзбекчада "бабр"ни ҳам "Бабир" деб бўғин

орттириш йули билан қўллаганлар. Бироқ бунда биринчи бугиндаги унли лаблабмаган унли бўлгани сабабли иккинчи бугиндаги унлининг "у" бўлиши, яъни "Бабир"нинг "Бабур" деб айтилиши мумкин бўлмаган. "Бабир" номи илгари кам қўлланган номлардан бўлса ҳам, кейинроқ, айниқса, Заҳириддин Муҳаммаднинг номи туфайли оммалашиб кетган ва жобир, шоир, Қодир шаклидаги исми фойл номлари қолипида /аналогия йули билан/ "Бобир" тусини олган, шу номлар билан бир тизимга кириб қолган.

Тилимиздаги арабча сўзларнинг кўпчилиги бизга форс-тожик адабий аънаналари орқали ўтиб ўзлашган, аммо "бабр"нинг "Бобир" шаклига келганда, биз аксинча ҳолатни курамиз. Ном сиватида сўзнинг Бобир шакли эрон тилларига туркий /ўзбек/ тилдан ўтган, у тилларнинг ўз талаффуз нормаларига кўра "Бобур" /Бубур/ бўлиб ўзлашган. "Бобир" сўзининг арабча луғатларда учрамаслигининг сабаби ҳам - ана шундан, форсча луғатларда бу сўзнинг Заҳириддин Муҳаммад номига боғлаб изоҳ қилиниши ҳам - ана шундан.

"Бобир"ни "Бобур"га айлантиришда сўзнинг бирор адабий-тарихий ҳолати бузилганлиги асос қилиб ҳукм юритилганида ҳам, майли эди. Ундай эмас. Биз эслатиб ўтган мақолада ва даврда бу ном адиб мемуарларининг Оврупа тилларига қилинган таржималарида ва "афғонча-русча луғат"ларда "Бобур" шаклида берилгани учун уни ўзгартириш шарт қилиб қўйиладики, бунга ажабланмай бўлмайди.

Оврупа тилларига "бегона тил"дан сўз қабул қилиш асоси /принципи/ бошқа, бизнинг тил асоси /принципи/ бошқа. Оврупа тилларининг кўпчилигида бошқа тилларга хос айтим ва атамалар фонетик асосга кўра /ўз тилларида қандай талаффуз қилинса, шу шаклда/ қабул қилинади. Бизнинг тилимизда эса янги сўз қўллашда ўша сўзнинг этимологик ҳолати /асли, зоти қандай бўлиб келгани ва ёзувдаги шакли/ ҳисобга олинади. Ўзгаларнинг сўзига эҳтиром билан қараш, уни эъзозлаш одати халқимизнинг табиатига хос ҳурматноклик белгисидир. "Бабр" сўзи исрлар буйи "Бобир" қолипида айтиб ва ёзиб келинган экан, эндиликда уни бошқа халқлар тилларида бузиб айтилган шаклга мослаштиришнинг нима зарурияти бор?! Ахир, бу йулдан борадиган бўлсак, яқин келажакда "Андижон"ни "Андижан", "Аҳмад"ни "Аҳмед", "Қалил"ни "Джалил" ёзиш керак деган талабга йул очилиб қолмайдими?!

Орадан яқин 10 йил вақт утди. "Бобир"ни "Бобур"га айлантириб туғри иш қилдикми? Аниқки, бундай қилиш мантиқий жиҳатдан ҳам, илмий-амалий жиҳатлардан ҳам туғри иш бўлиб чиқмади. Мажбурий суратда Бобур деб ёзямиз-у, ҳеч бир ўзбек "Бобур" деб айтмайди. Ўзбекча миллий талаффузга мос шакл "Бобир" дир. Андижон шаҳридаги собиқ А.Жданов проспекти Заҳириддин Муҳаммад номига ўзгартирилганидан кейин бу куча бўйида яшовчилар ўз дарвозаларига "Бобир проспекти", "Бобир шоҳ кучаси"/"шоҳ кучаси" ҳам бор/ деб ёзиб қўйибди - ўзгартиришга ҳеч ким рози бўлмади. Албатта, бу ерда гап халқнинг тарихий шаклга урганиб қолганида ҳам эмас. "Бобир" - тарихий шахс номининг миллий тил қолипидagi кўриниши. "Бобур" - унинг бошқа тил оиласига мансуб қўшни халқлар талаффузига мослашган шакли. Бу номи "Бобир" деб айтиш /ва ёзиш/ эроний тилда сўзлашувчилар учун қанчалик оғир ва гайритабiiй бўлса, уни "Бобур" шаклида айтиш ва ёзиш ўзбек тили нормалари нуқтаи назаридан ҳам шунчалик ғализ ва гайритабiiй-дир. Ўзбек тилида сўзлашувчилар иккинчи бугини "у" билан чўзилган арабча Маҳмуд, Маъруф, Маъмур номларини ҳам чўзиқлик билан талаффуз қилолмайдилар, уни қисқартириб /"у"ни "и"га айлантириб/ Маҳмид, Маъмир, Маъриф тарзида айтадилар. Ҳар икки бугини лабданган, чўзиқ "Бобур"ни айтиш, бу тил эгаси учун янада оғир ва мушкикроқдир. Бундан ҳам муҳимроғи "Бобур"нинг тил қолипига тушмаслигида, тил тизимининг бузилишидадир. "Бобир"ни "Бобур" деб ўзгартирган эдик, бир томондан бу сўзнинг "шериклари" /Собир, Қодир, шоир типидagi сўзлар/ четда қолиб кетди. Иккинчидан, "Бобур"га тилимиздан қонуний урин топиб бера олмаямиз. Тилимизнинг миллий мезонида "Бобур"нинг урни йўқ. Заҳириддин Муҳаммаднинг инсоний фазилатларини қадрлаб, унга ҳавас қилиб, ўз фарзандига Бобир номини қўйган қанчадан-қанча оилалар бор. - Бу ўзгаришдан кейин улар ҳам ҳайрон. Нима қилиш керак?

Тилнинг миллий колорити, сўзнинг талаффуздаги ўзига хос жарангосунни айтиш: "Бобир, "Бобирнома" "хатти Бобирий" қаёқда-э, "Бобур", "Бобурнома", хатти Бобурий" қаёқда?! Товуш ва таркиби ўз урнига қўйиб айтилган ҳар бир сўздан, айниқса, тарихий номдан аждоқлар овози янграгандай, она тупроқнинг ҳиди ўфургандай туюлмайdimи?!

Проф. А.Абдуғафуровнинг мақоласида Бобурнинг ўз таҳаллу-сига муносабати ҳақида ҳам гаплар бор. Мақола муаллири Бобир-

нинг бир рубоийсини ва маснавий мактубларидан яна бир парчани мисолга олиб уларда адибнинг номи "тасаввур", "пурдур" каби сўзларга қофия бўлиб келгани қайд этилади ва бундан Бобир ўз номининг "Бобур" шаклини назарда тутган деган хулоса чиқарилади.

Аввало шуки, қофия ва вазнга асосланиб сўзнинг қурилиши ва маъносини изоҳлашга уриниш ҳамавақт ҳам ишончли самара бераверган эмас. Адабиётимиз тарихининг чуқур билимдони Порсоҳон домла ҳам Алишер Навоий "Сабаъи Сайёра"сини "Сабаъи сайёр" деб эълон қилганларида асарнинг хотима қисмида келтирилган:

Бўлди чу бу рақам иши тайёр -

Қўйдим отини Сабаъи сайёр -

байтининг қофиясига таянган эдилар. Кейинчалик арабчада мавсуф сифати формаси "-а" билан тугалланишини /"Сабаъи сайёра" бўлиши кераклигини/ англаганларидан сўнг олим ўзининг қофияга ишониб янглишганига иқдор бўлган ва бу хато туфайли умрининг охирига қадр изтироб чеккан эдилар.

Демоқчимизки, бу уринда ҳам Бобир, Собир сингари номларнинг қофия таркибида Бобур, Собур бўлиб келишига асосланиб уларнинг аслий ҳолати шундай бўлган экан-да, деган хулосага келиш қийин.

Классик адабиётимизда сўз шаклини қофия талабига мослаштириб узгартириб қўллаш қоида тусида бўлган, бу ҳодиса, ҳатто, санъат даражасига кўтарилган. Тағйир санъати деб номланган бу санъатга кўра, ўқувчи газал қофиясида келтирилган сўзни таниб, унинг асли бошқача эканини билиб турса ҳам, уни онгли суратда "бузиб", қофия қолипига солиб ўқиши лозим бўлади. Масалан, Алишер Навоий газалларига кўз ташласак, "Наводуру-ш-шабоб"нинг 89-газалида ҳаводис, мокис, боис, боҳис, хорис сўзларига қофия қилиб "Ефис" сўзи ҳам келтирилганки, китобхон унинг "Ефас" эканини билиб турса ҳам, шу уринда уни "Ефис" ўқимай иложи йўқ. "Соқиё" қофиясининг талабига кўра /105-газалда/ "туло", "менго" сўз формаларининг ишлатилиши ҳам шу санъат буйичадир.

Ушга мақолада қайд этилганидек, Бобирнинг ўзи ҳам ўз номининг манбаини яхши билган, аммо у, шу билан бирга, номнинг халқ тилига ўзлашиш йули, имкониятларини ҳам тўғри тасаввур қила олган.

Бобурнинг ўз номига муносабатини намойён қилувчи оқинроқ далил борми? Бор.

Адибнинг шеърий асарларини кузатар эканмиз, унинг ўз номини яширган бир муаммосига дуч келамиз. Муаммо қуйидагича:

Эшигинг остонига қўлбон икки юзумни,

Ўпай гоҳе, тавозуъ бирла суртай гоҳ кузумни.

/“Бобир шеърияти”, Тошкент, 1982, 130-бет/

Муаммони, бизнингча, икки усул билан ечим мумкин. Биринчи усул бўйича биринчи мисра маънунига эътибор қилинади: “эшик” - араб тилида “боб” демакдир. Эшик /“боб”/ остонига /остонасига/ “икки юз” қўйиладиган бўлса, /абжод ҳисобига кўра, “икки юз” рақами “Р”га тенг. /“боб” ва унинг остонига/остон - ҳам кирил жойи, ҳам чиқиш жойи/ “Р” қўшилади: “боб”+р” “Боб+р”

Иккинчи усул бўйича ийҳом санъати қўлланган биринчи мисрадан эшик сўзи назарга олинади. “Эшик” - “ббб” бўлса, унинг икки юзи “Бо-”дир. “Ўпай гоҳе тавозуъ бирла суртай гоҳ кузумни” - мисрасидаги “бирла”ни ишора деб қабул қилиб ва “бир - ла” /“бир” билан/ деб тушуниб ундаги “бир”ни оламиз ва “Бо-”га олиб бориб қўшамиз: “бо+”бир” /Бобир/ юзага келади. Ҳар икки усул билан ечилганда ҳам муаммодан Бобирнинг ўз номини ўз тилида “Бобир” деб қўллагани ва ёзгани аниқ маълум бўлади.

Хулоса шў: тарихимизда ҳар хил сабаб ва асослар билан янглиш шаклда бўлиб кетган номлар-ку анчагина бор. Чуқур тадқиқ этмасдан ва ишонарли илмий далилларга эга бўлмасдан туриб уларни дарров ўзгартириб юбориш тарафдори эмасмиз. Заҳридин Муҳаммаднинг ёшликдаги лақаби, кейинчалик унга адабий тахаллус ва умумий ном бўлиб келган “Бобур”га келганда, юқорида қайд этилган ва қайд этилмаган мулоҳазаларга асосланиб биз бобокало-нимизнинг муборак номини /ўзлари ёзиб кетганларидек/ оддий ва халқона шаклда, миллий талаффуз меъёрлари бўйича “Бобир” деб ёзавериш лозим, деган қатъий фикрдамиз.

Telegram adres:

@turkiston_kutubxonasi

проф. А. Нурманов
(Андижон ДУ)

ЗАХИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР - ТИЛШУНОС ОЛИМ

Мен аждодларимиз қолдирган маънавий мерос ҳақида ўйлаганимда, доимо қалбим фахр ва иртихор ҳиссига тўлади. Шарқ илмий мактабининг ўзига ҳос анъанаси ҳар бир или соҳибини қомусий билим эгаллашга чорлар эди. Шунинг учун ҳам шарқ мактаби ҳаёнда Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Ал-Беруний, Ал-Фаробий, Ал-Фарғоний, Алишер Навоий каби ким осмонининг ёруғ ялдузларини етказиб берди.

Захириддин Муҳаммад Бобур ана шундай мактабда таълим олди ва устозлар анъанасини давом эттирди. Шунинг учун ҳам унинг ижоди чексиз бир уммон бўлиб, ундан деярли ҳозирги барча фан соҳиблари баҳраманд бўлади. У ажойиб саркарда, давлат арбоби, талантили шоир бўлиши билан бирга, муаррих, географ, этнограф, тилшунос, адабиётшунос, музикашунос, исломшунос, ҳарбшунос ҳам эди.

Бобур тилшуносликка доир махсус асар ёзмаган бўлса ҳам, лекин унинг ижодий меросида тилшунослик масалалари муҳим ўрин эгаллайди.

Бобур Алишер Навоийнинг ўзбек адабий тилининг истиқболи йўлидаги куралини давом эттирди. У нутқ маданиятига, нутқнинг содда, раван, тушунарли бўлишига алоҳида аҳамият берди. Ижодий фаолиятида доимо бунга амал қилди. Бошқаларни ҳам ана шунга даъват этди.

Бобурнинг ўз ўғли Ҳумоonga ёзган мактуби фикримизнинг далилидир: "Хатингни худ ташвиш билан уқуса бўладур, вале асру муғлақдур /жуда чалқашдир/. Насри муаммо ҳеч киши кўрган эмас. Илмонг ёмон эмас, агарчи хили рост эмас. Илтифотни то била битибсен, қулунгни ё била битибсен. Хатингни худ ҳар тавр қилиб уқуса бўладур, вале бу муғлақ алфозинг /чалқал сўзлар/дин мақсуд-тамом мафҳум бўлмайдур /тушунилмайди/. Голибо хат битарда коҳиллигинг /бушлигинг/ ҳам ушбу жиҳаттиндир. Такаллуф /ҳашамат, безак/ қилай дейсан, ул жиҳатдин муғлақ бўладур. Мундин нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз /тил/ била бити, ҳам сенга ташвиш озроқ булур ва ҳам ўқиғувчига".

Бобур ҳаётини филологиясининг бешиги бўлган ҳинд ва дунёга шуҳрат қозонган араб филологияси анъаналаридан баҳраманд бўлган. Эрадан олдинги ҳинд тилшунослиги ва ўрта асрдаги араб тилшунос-

лигининг фонетика соҳасида жуда катта ытуқларга эришганлиги купчиликка аён. Ҳали Оврупа тилшунослигида фонема тушунчаси пайдо булмасдан бир неча ыз йиллар олдин хинд ва араб тилшунослари тил тизимидаги бу энг кичик бирликни пайқаган ва тил бирлиги сифатида ажратган эдилар.

Шарқ тилшунослик анъанаси билан тарбияланган Бобур у ёки бу сўзни изоҳлаётганда унинг фонетик томонига ҳам катта эътибор беради. Маълум бир тилнинг шевалари уртасидаги ёки турли тиллардаги фонетик қонуниятлар ҳақида фикр ыритади.

Маълумки, фонографик босқичдаги ёзувда ҳарфлар маълум бир тилнинг фонологик тизимига асосланади. Ҳар бир ҳарф фонологик қимматга эга булган маълум бир фонемани ифодалайди. Агар ҳарф шу тилдаги бирон бир фонемани ифодаламаса, у табиийки, ортиқча булиб қолади. Араб алифбоси тизимида ана шундай ортиқча ҳарфларнинг мавжудлигини XI асрдаёқ машҳур туркшунос олим Маҳмуд Қошгарий пайқаган эди. Бу ҳолат Бобурнинг диққатини ҳам жалб этганлиги табиий. Шунинг учун ҳам у, ўзбек тили фонологик тизимига мувофиқ келадиган ва ёзилиш шакли бир мунча осон будган "Ҳатти Бобурий"ни ишлаб чиқди.

Бобур ўзбек тилидан ташқари араб, форс, хинд тилларини мукамал билган куп тил соҳибидир. Бир неча тил соҳиб булганлиги сабабли куп ҳолларда бу тилларнинг лугавий бирликлари бир-бирига қиёслаб изоҳланади. Масалан, ҳиндистон хайдонот, наботот оламини тасвирлар экан, ўзбек, хинд, араб, тилларида бу нарсаларнинг қандай номланиши кўрсатилади: маймуни хиндистоний дондор, сичқонни килохирий, тўтини жангилий, ҳакка /акка/ни мато; кайлани араб мавз деб номлаши таъкидланади.

Араб, хинд тилларининг узига хос товуш тизими, ўзбек тили товуш тизимидан фарқланиши, шунингдек, ҳар қайси тилнинг шевалараро фонетик қонуниятига мувофиқлаштири ҳақида фикр ыритади. Масалан, "Уш мунча дейдурларким, бу тоғ элини кас дерлар. Хотирга еттиким Ҳиндистон эли "шин"ни "син" талаффуз қилур". Ана шу фонетик қонуният асосида Кашмир топоними кас этноним асосида вуқудга келган этнотопоним эканлиги изоҳланади.

Ламгон топонимининг Ламгон ва Ламкон ҳолидаги икки фонетик варианты мавжудлигини таъкидлаб, унинг сабаби ҳақида ёзади: "Ҳазрати Нух пайгамбарнинг отаси Меҳтар Ломнинг қабри Алишанг туманидадир. Баъзи тарихда Меҳтар Ломни Ламак Ламкон деб тур-

лар. Ул элни хили мулоҳаза қилибтурким, баъзи маҳал "қор" урни-
га "гайн" тарафруз қилурлар, бу жиҳаттин голибб бу вилоятни
Дамғон дебтурлар". /БН, 191-б./ Бундан кўринадики, Бодуэн де
Куртенедан анча олдин Бобур алтернатив ва корреспонденция деб
номланган ҳодиса ҳақида фикр юритади.

Шунингдек, араб тилида "р" товушининг йўқлиги, бу товуш
интирок этган сўзлар араб тилига ўзлаштирилганда "ж" товуши
билан алмаштирилиши баён қилинади. Масалан, "Норгияни араб
муарраб қилиб норжил дер", - дейди.

Бобур қаерга бормасин, у ернинг узига хос барча хусусиятла-
рини синчковлик билан кузатади. Жой номларининг нима учун шундай
номланганининг илдишларини илмий равишда очишга ҳаракат қилади.
Ўздан ортиқ топонимларнинг илмий этимологиясини беради. Масалан,
Хотийпулни шундай изоҳлайди: "...филни /ҳинцлар - А.Н./ "хотий"
дерлар, дарвозани "пул". Бу дарвозанинг чиқишида бир филнинг
суратини мужассам қилибтурлар, устида икки филбон ҳам қилибтур-
лар. Бу жиҳаттин Хотийпул дерлар" /БН, 403-б./

Ёки Такасекретку топоними ҳақида шундай дейди: "... бу
жиҳатдин ул мавзуъ бу исмга мавсумдурким, тоғ доманаси жиҳатдин
бу дарё андоқ тор оқарким, ривоят қилурларким, ул ердин тақа
секригандур..." /БН, - 65 б./

Саволак парбат/ҳимолай тоғи/ этимологияси ҳақида ёзади:
"Бу тоғни Ҳинд эли Саволак парбат дерлар. Ҳинд тили била "Саво"
- рубъ /яъни чорак - А.Н./, "лак" - өз минг, "парбат"- тоғ;
яъни рубъ ва өз минг тоғким, өз йигирма беш минг тоғ бўлғай".
/БН.-348/.

Қонибодом, Ҳодарвеш, Шаҳрисабз, Қарли, Кашмир, Қонигил, Масжи-
ди муқаттаъ сингари жой номларининг номланиш сабаблари ҳақида
ҳам шундай изоҳли маълумотлар беради.

Бобур маълум лақаб ёки тахаллус билан изоҳланувчи атоқли
отлар ҳақида фикр юритади экан, бундай лақаб ва тахаллусларнинг
этимологияси ҳақида ҳам қизиқарли маълумот беради. Масалан,
олача лақабининг этимологияси ҳақида ёзади: "Султон Маҳмудхон-
дин кичик Султон Аҳмадхон эдиким, Олчахонга машҳурдир, Олчахон-
нинг ваҳҳи тасмияси муни дерларким, қалмоқ ва муғул тили била
ўлтургучини "олачи" дерлар. Қалмоқни неча қатла босиб қалин
кишисин қирғон учун Олачи деде қасрати истеъмол била Олача
булубтур". /БН. -69/.

Telegram adress:

Қобул вилоятининг тоғлари; тоғларидаги ўсимликлар ҳақида тухталар экан, бутака Утининг номи ҳақида ёзади: "Ути тоғининг ва пуштасининг ва жулғасининг бирдек бўлур ва хуб бўлур, аксар бутака ути бўлур, отга бисёр сазвор ўттур. Андижон вилотида бу утни бутака ути дерлар, ваҳҳи тасмияси маълум эмас эрди, бу вилотларда маълум бўлди. Бу ўт "бута-бута чиқар учун бутака дерлар эмиш", /БН. - 198/.

Ҳозирги тилшуносликда мазмуний йунелишнинг кучайиши натижасида эътибор кўпроқ тушунча категорияларига, мазмуний категорияларга қартилмоқда. Маълум бир умумий белгиси билан бирлашган ва ўзаро маълум муносабатда бўлган олам элементларининг умумлашган образларининг онгда акс этиши тушунча категориясини, уларнинг маълум лисоний воситалар ёрдамида ифодаланиши эса мазмуний категорияни ҳосил қилади.

Мазмуний категориялар мазмуний майдонни ташкил этади. Мазмуний майдон назарияси ғарб тилшунослигида XIX асрда ёзага келди. Мазмуний майдон асосида тузишган тезаурус луғатлар пайдо бўла бошлади. Ана шундай луғат Европада 1852 йилда инглиз тилшуноси П.М.Роже томонидан яратилди. Шунинг учун ҳам шу вақтга қадар тилшуносликда тезаурус луғат тузишнинг асосчиси П.М.Роже ҳисобланади. Аслида мазмуний майдон тушунчаси, гарчи шу термин билан номланган бўлса ҳам, урта аср шарқ тилшунослигида мавжуд эди ва бундан Бобур яхши хабардор бўлган. Шунинг учун ҳам у "Воқеанома"да сўзларни маълум мазмуний майдонга бирлаштирган ҳолда изоҳлайди ва тезаурус луғат тузишнинг ажойиб намунасини кўрсатади.

Ҳиндистон воқеалари ҳақида фикр юритар экан, Ҳиндистоннинг ҳайвон, парранда, ўсимлик номлари, фасл номлари, ўлчов номларини батафсил изоҳлайди. Ўрни билан бошқа тилларда уларнинг қандай номланиши ҳақида чоғиштирма маълумот беради.

Хусусан, номларни қуйидагича тематик гуруҳларга бўлади. Ҳайвонот номлари: фил, қарқ, саҳройи, говиш, нилагов, кўтаҳлой, гулаҳра, аслида гулаҳрон экандур, яъни қора кийик, таҳрир қилиб "гулаҳра" деб турлар. Модаси оқдур /БН, 341-б./ Маймун /Ҳиндистоний "бондар" дейдилар /нул, сичқон/ килоҳирий дерлар/;

Парранда номлари: товус, тўти/жангалий дерзар/, шорак, лўча, дуррож, пул-пақор, саҳройи товук, чалсий, шом, бўдана, харчал, туғдоқ, чарз.

Сув ва сув Иқаларида юрадиган қушлар: динг, сора, маник, лаклак, уқор, улуг бузак, урдак /шаҳмурғ дерлар/, зумаж, сор, яна бир қушдур қарға била аскага мушобаҳати бор. Дамғонотта иурғи жангал дерлар, шапшара /чаматдор дерлар/, ҳиндистон аккоса /мато дерлар/, қарча, куйил;

Сув ҳайвоноти номлари: шери обий, сенсор, хуки обий, карёл, ҳакка балиқ...

Наботот номлари: анбар, яна бир қайладур, араб мавз дер. Анбуля, маҳва кирни, жоман, камрак, қандил, бадхил, карунда, панёла, гула, омил, чирунчи, хурмо, норғил, араб муарраб қилиб норғил дер. Тор, норунж, лиму, чаңбирий, садоғил, амрақпал, қарна, амалбед.

Гул номлари: жосун, қанир, қиора, жамбулий.

Ҳасл номлари: уч ғасл бўлур: тўрт ойи ёз, тўрт ойи пашкал, тўрт ойи қиш. Читор, бийсоқ, жит, асор-табистон. Булар хут, ҳамал, савр, жаъзо ойларига тўғри келади;

Сован, бодун, қувор, котик-пашкол; Булар саратон, асад, сунбула, мезон ойларига тўғри келади; Ағхан, пўс, мох, погун-зимистон. Мувофиқи: ақраб, қавс, жади, даяв.

Кун номлари: соничар-шанба, айтвор-яқланба, сумвор-душанба, монғалвар-сешанба, будвор-чаҳоршанба, бриспотвор-панжшанба, суқр-вородина.

Улчов номлари: рати, мопа, мисқол, тўла, сер, ботмон, мони, минос, лак, курур, арб, қарб, нил, падам, сонг ва бошқа.

Шундай қилиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур умуумўзбек лафзининг барча имкониятларини ишга солган ва устози Алишер Навоий анъанасини давом эттирган ҳолда, ўзбек тилининг сайқалланувида, бадий, публицистик, расмий ва илмий услубининг шаклланишида катта из қолдирган улкан сўз санъаткори бўлиши билан бирга, тилшуносликнинг графика, ономастика, этимология, лексикография соҳаларининг ривожига муносиб улушини қўшган тилшунос олим ҳамдир.

Telegram adress:

@turkiston_kutubxonasi

Миррортиқ Мирабдулла ўғли

(Тошк. пединститути профессори)

ЗАХИРИДДИН МУХАММАД БОБУР - ЖУГРОФИОН

"Биз Осиёдаги ҳукмдорлар ичида Бобур сингари улуг ва талантили кишиларни камдан-кам учратамиз... Ақлининг фаолияти, хушчақчақлиги, созуқ-қонлиги ва бевафо тақдирнинг найрангларига қарамай, руҳининг тетиклиги, подшоҳлар орасида камдан-кам учрайдиган сахийлиги, истеълоқчилиги, фанга, санъатга мухаббати ва улар билан муваффақиятли шуғулланиши жиҳатидан олиб қараганда, Осиёдаги подшоҳлар ичидан Бобурга тенг келадиган биронта ҳам подшоҳ тополмаймиз"

З р с к и н

Бобур жаҳонгапта сайёҳ, жуғрофион ва улкашунос, табиатшунос ва атамашунос олими бўлган.

Захириддин ёшлигиданоқ саёҳатларни севган, сафарларда чиниққан. У 21 ёшида Фарғона, Самарқанд ва Тошкент атрофларини, Фарғонадан Бухорогача, Тошкентдан ҳисор ва ҳиротгача деярлик барча шаҳар ва қишлоқларни, воҳа ва тоғларни кезган, дара ва сойларни кечган. Тақдир тақозоси билан Афғонистон ва Ҳиндистоннинг жуда кўп жойларида бўлган. Бобур синчков кузатувчан бўлганлигидан Афғонистон, Ҳиндистонни бевосита билган.

Захириддин Муҳаммад Бобур ўз улкаси Фарғона водийси ва унинг ҳудудларини, шаҳар ораликларини шу қадар аниқ тасаввур этганки, улар ҳақида шу қадар аниқ маълумотлар берганки, у маълумотлардан ҳамон билим манбаи сифатида фойдаланиш мумкин.

Бобур турли манбаълар асосида Хоразм, Мугулистон, Қашқар, Чин, Тибот, Хуросон, Озарбайжон, Рум, Крок, Шом, Арабистон ва Миср ҳақида етарли маълумотларга эга бўлган.

Бобур - жуғрофион сифатида ҳар бир ҳудуд жуғрофиясини муайян тартиб - қонуният асосида тасвирлайди. Амвало жуғрофий урни бериллади, сўнгра иқлими ва қишлоқ ҳўжалиги, ўсимликлари, фойдали қазилмалари, ҳайвонот дунёси ва аҳолиси ҳақида маълумот бериллади. Ундан кейин эса, жуғрофий ўлиаларга тавсиф бериб, охирида яқун исалади. Бунингдек йирик шаҳарлар тархияси баён этилади, широбахт жойлар тилга олинади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг жойларга қиёсий тавсиф берганлиги эътиборга сазовор: турли жойлар табиати, иқлими, ер эъсаси хусусияти, аҳолиси жиҳатдан қиёсланади. Бу ҳозирги замон жўррофиясининг энг мақбул усулидир. Бобур Ушни Қосонсой билан, Самарқандни Қобул билан, Туркистонни Диндистон билан қиёслайди.

Чунончи: "Диндистон бизнинг вилоятларга боқа узга оламе дур. Тоғ ва дарёси, жингал ва саҳроси, мавозий ва вилояти, ҳайвонот ва наботати, эли ва тили, ёмғири ва ели барча ўзгача воқеъ бўлубдур".

Бобур жўррофий маълумотларни қисқа ва лунда, таъсирли қилиб иродалаган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақиқий атамашунос олима бўлган. Унинг БН асари эса – муҳим атамашунослик манбаидир. Унда Туркистон халқларининг муайян жўррофий атамалари ўз ифодасини топган:

Ўзар – кечик, дарёдан ўтадиган жой. Ёлға – кичик сой, дарёча; Найшакар – шакарқамис; Пушта – тепа, баландлик; Тангидара, тоғ оралиғидаги йўл; Учма – чуқур жар ёқаси, тик ёнбағир; Чоқор – тошқурғон; Ёйлоқ – яйлов; Ўланг – ўтлоқ ер.

БН да "Ҳили яхши ўлангни қуриқ қилурлар", "Тоғлардаги гөр ва ковокларни ҳавол дерлар" каби ифодалар кенг қўлланилган.

Бобур атамаларни синчковлик билан ўрганган. У ҳар бир тилни ҳурият қилган, тил бойликларидан унумли фойдаланган. Баъзан турли халқ атамаларини бир бирига қиёслаган, изоҳлар берган.

БН да бир қанча номларнинг келиб чиқиши /этимологияси/га изоҳ берилгани Бобурнинг бу соҳага ниҳоятда чуқур эътибор билан қараганини курсатади.

"Ахси... китобларда Ахсикат битирлар".

"Тошкент вилояти... китобларда Шош битирлар, баъзи Чоч битирлар".

"Кеш шаҳрини баҳорлар саҳроси ва шаҳри, боми ва томи хўб сабз бўлур учун Шаҳрисабз ҳам дерлар".

Фарғона vodiysининг шимолидаги тоғлар /Талас/ни Бобур Ёттикент тоғлари дейди. У тоғларнинг нариги ёғи /шимоли томони/да еттита машҳур қишлоқ ва еттита дарё булган.

БН да айрим /топонимик/ номларга изоҳ берилган:

"Қандибодомда бодом яхши булур. Бу жиҳатдан бу исмга маъсуидир".

"Андижоннинг шимоли тарафида Сайхун дарёсининг ёқасида Тажа -

секретку деган ерда... бу жиҳатдин ул-мавзуъ бу исмига мавсум-
дирким, тоғ домонаси жиҳатидан бу дарё андоқ тор оқарким,
ривоят қилурларким, ул ердин така секригандур"...

Афғонистонда бир тепа ер устига боғ яратиб, ундан теварак-
ка назар ташлаб туриш мумкин бўлгандан, бу жойга Назаргоҳ деб
ном берган.

"Ҳиндистоний ғайри Ҳиндистонни Хуросон дер. Нечукким араб
ғайри Арабни Ажам дер". Бу тушунчалар тарихий жиҳатдан жуда
муҳим. Чунки уша даврда Хуросон ва Ажам номлари анча кенг маъно-
да, катта ҳудудга нисбатан қўлланилган.

Бобур Ҳимолайни "Сиволак парбат" деб атайди. "Сиволак пар-
бат" - маҳаллий тилда "Мингдан зиёд тор" деган маънони билдира-
ди. Дарҳақиқат Ҳимолай бир неча юз тоғлар тизимидан иборатдир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур усимлик ва ҳайвонот дунёсига
жуда қизиққан, уларни кунт билан ўрганган. Олимнинг ҳайвонот ва
усимликлар дунёсига оид соҳаларда қўллаган вэлаб атамалари фан
тарихи нуқтаи назаридан жуда қимматлидир.

Telegram adress:

@turkiston_kutubxonasi

Ғ.Исҳоқов,

(Анд.Давл. тиллар пединститутти)

БОБУР ВА БОБУР АДАБИЙ МЕРОСИ ТИЛИНИНГ

АНДИЖОН ШЕВАСИГА МУНОСАБАТИ
/масаланинг қўйилишига доир/

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг адабий-тарихий меросини урганганда бу мероснинг тил жиҳатдан бўлган хусусиятларини ҳисобга олиш ва илмий изоҳлаш иши алоҳида аҳамиятга эгадир.

Тил тарихи фани учун насрий асарларнинг қадр қиммати баланд эканини яхши биламиз. Бобурнинг адабий-тарихий мероси, айниқса, унинг БН асари улкан ҳажми, жанр хусусияти билангина эмас, тарихий воқеаларни Бобурнинг ўз тили ва ўз қўли билан жонли, табиий тарзда ва содда бир услубда баён қилиб берилганлиги жиҳатидан ҳам алоҳида қимматга эгадир. Бироқ бир ёки бир неча тадқиқотчи гуруҳлар кучи билан амалга оширилиши лозим бўлган бу хайрли иш ҳали чуқур илмий асосда /ёски қўлёзмаларни қийёслаб урганиш йули билан/ бошлангани йук.

Бобур меросини тил тарихи нуқтаи назаридан урганиш иши бизга энг аввал Бобурнинг она тили соҳасида Алишер Навоий қарашлари ва курашларига издошлик даражасини билиб олишга ёрдам бериши, иккинчи томондан, Андижон шеvasининг тарихий ҳолатини, бу шеvasининг умумадабий тил доирасида тутган юксак мавқеини очиқроқ тасаввур қилишга ва бу билан Бобурнинг Андижон шеvasи ҳақида айтган гаплари қанчалик тўғри эканини тасдиқлаб айтишга имкон бериши лозим. Аслини олганда, Навоий ҳам, Бобур ҳам ўз асарларини ўзбек тилининг ўзлари мансуб бўлган у ёки бу шеvasида эмас, адабий тилда, адабий тил меъёрлари асосида ёзганлар. Бу адабий тил икки буюк адиб ижод қилган давргача ҳам мавжуд эди ва бир неча асрлик тарихий анъаналар йулини босиб ўтган эди. Олим ва адиб сиратида Бобур Алишер Навоий бошлаб берган янги адабий анъаналарни юксак қадрлади, унга илмий муносабатда бўлди, шу тилда ижод қилди. Навоий ва Бобур ижод қилган адабий тилнинг шаклланиши ва рифожида Андижон шеvasининг етакчилиги мавқеи бор эди. Тарихий хабарлар тасдиқлаб турган бу ҳақиқатни лисоний жиҳатдан исботлаш зарур. Бироқ Навоий ва Бобур яшаган давр билан бизнинг замонамиз орасида 500 йиллик катта ва мураккаб тарихий давр ётади. Бу давр ичида Андижон шеvasининг Бобур асарларида акс этган анча-мунча хусусиятлари учиб, ўзгариб кет-

ган бўлиши шубҳасиз.

Масаланинг ана шу мураккаб жиҳатларини назарда тутганда Бобур асарлари тилининг Андижон шевасига муносабати устида сўз юритишга журъат қилиш оғир, ammo бу масалада Бобурнинг ўзи қўзғаб қўйган маълум фикрлар борки, бу фикрлар қўз ўнгимиздан ва қўлогимиздан нари кетмайди, масалага қайта-қайта мурожаат қилишга туртки бериб туради. Бу уринда биз Бобурнинг Андижон эли ва унинг тили ҳақидаги тавсирларини назарда тутамиз.

Маълумки, БН нинг бош саҳифаларидан бирида Ҳарғона қасаба-лари ҳақида умумий маълумот бериб Бобур Андижон бевасида: "Эли турктур, шаҳр ва бозорасида турки билмас кили йўқтур, элининг лафзи қалам бирла росттур" - деб ёзади ва давом этиб: "Ани учун ким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти бовуқудим Дирида нашъу намо топибдур, бу тил билладур" дея қўшиб қўяди (БН, I 360, 60-б.)

Биз бу ўринда Бобурнинг қарашига шарқшунос олимларнинг муносабатлари устида тўхталиб ўтирмаймиз, зотан улар ниҳоятда кўп ва хилма-хил.^{1/} Шунигина тазкидлаб ўтамизки, келтирилган парчада бири бири билан узвий боғлиқ бўлган уч муҳим маълумот жамлаб ирода қилинган:

- а) Андижоннинг этник хусусияти: элининг турклиги;
- б) Бу эл тилининг сифати: қалам бирла ростлиги /адабий тилга мувофиқлиги/;
- в) Алишер Навоий асарлари тилининг, айтайлик, диалектал асоси - Андижон эли тилига яқинлиги.

Андижон элининг туркий эл эканлиги ҳақидаги маълумот бу элнинг ҳозирги тарихи нуқтаи назаридан унча муҳим бўлиб кўринмаслиги мумкин, бироқ Бобур-даврида Ҳарғона мулкининг Маргинон, Кандибодом, Йсфара, Хўждан, Қосон сингари қасабаларида, Қоваро-уннаҳр ва Хуресоннинг кўп шаҳарларида аҳолининг бир қисми сартлар /форсча сўзлашувчилар/ бўлгани ёки сарту турклар аралаш ҳолда яшагани, шаҳар ва бозорларда икки тиллилик ҳукм сурганини

1. Бу тўғрида қаранг: А.К.Боровков, Алишер Навоий как основоположник узбекского литературного языка. "Алишер Навоий", М-Л., 1946, 97-с.

Telegram adress:

хисобга олганда Бобурнинг бу маълумотлари қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканини очиқ хис қиламиз. "Эли турктур, паҳр ва бозорасида туркий билмас киши йўқтур" дейиш билан Бобур Андижон элининг этник жиҳатдан ўзгача эканини, шаҳар ва бозорларида бир тиллилик, яъни туркигўйлик ҳукмрон эканини таъкидлайди. "Элининг лафзи қалам бирла росттур", "Хир Алишер Навоийнинг мусаннафоти... бу тил билладур" деган қайдлари ҳам, айтиш ҳолат билан боғланиб кетади.

Бобурнинг Андижон шеvasига муносабатини кўрсатувчи катта далил - шу!

Бобур асарлари тилининг Андижон шеvasига муносабати тўғрисида ҳам аниқ ва изчил фикр юритишнинг имконияти тор, негаки, эъвало, шеvанинг тарихий ҳолати бўйича бизга бирор даражада тасаввур бери олувчи маълумотлар йўқ, қолаверса, яна эслатганимиз, орадаги давр ичида шеvанинг умумий йуналишида ҳам, унинг таркибида ҳам маълум ўзгаришлар юз берган бўлиши табиий.

Қанчалик мураккаб бўлишидан қатъий назар, олимлар Бобур адабий-тарихий мероси тилининг Андижон шеvasига муносабати масаласида ўз мулоҳазаларини ўртага қўйиб, келадилар.

Проф. С.Иброҳимов узининг "Ўзбек тилининг Андижон шеvasи" китоби /1967/да бу шеvанинг тарихий шаклланиши йули /унинг қадимги чигил лаҳжасига боғланиши/ устида сўз юртиб Бобурнинг шева ҳақида айтган юқоридагича фикрини тилга олади ва бу фикр Бобур томонидан бежиз айтилмаганини уқтириш билан бирга Андижон шеvasининг ўзбек адабий тили тарихида етакчи ўрин тутганини қайд этади.^{1/} Бироқ бу ерда олимнинг асосий мақсади шеvанинг ҳозирги ҳолатини тасвирлашга қаратилгани учун шева билан Бобур асарлари тилини қийёслашга ўрин берилмайди. Масаланинг С.Иброҳимов чуқурлаштиролмаган бу жиҳати Г.Ў.Благова томонидан давом эттирилди.

Олима Бобур асарлари тилидан Андижон шеvasига хос хусусиятларни ажратишга бел боғлар экан, Бобур асарларидаги турланиш тартиби билан Андижон шеvasининг проф. С.Иброҳимов китобида тав-

1. С.Иброҳимов. Ўзбек тилининг Андижон шеvasи, Тошкент. "Фан" нашриёти, 1967.

Telegram adress:

@turkiston_kutubxonasi

сиф этилган хусусиятларини - отларнинг турланиш тартибини қис-
лаш йулидан бориб иш кўради.^{I/}

Муқоясада қуйидагилар назарда тутилган: турланиш тартибо-
тиниң ўғуз тиллерига хос кўринишида от, олмошларнинг ҳаммаси
эгаллик ва келишик қўшимчалари олиб турланганда ҳар хил фонетик
ўзгаришларга дуч келади. Қипчоқ тилларида эса бу ўзгариш эгаллик
қўшимчаси олган отларда ва қисман олмошларда эз беради. Қорлуқ-
ча турланиш тартибида бундай ўзгаришлар сезиларли эмас. Навоий,
Бобур асарлари тилида қорлуқча турланиш тартиби ҳукмрон бўлиб
келишик қўшимчаларининг ўзгариши асосан жарангли ва жарангсиз-
лик бўйича эз беради.

Анджон шеvasидаги турланиш тартиботи ҳам қорлуқчага муво-
фиқ, лекин қаратқич ва тушум келишиги шакллари Анджон шеvasида
/фарғона шаҳар шеваларида/ қорлуқчадан бир оз узоқлашади. Бу
ерда /шевада/ икки келишик маъносининг бир шакл /-ни/ да ифодала-
нишидан ташқари келишик қўшимчасининг унли билан ифода қилинувчи
шаклига /вокал кўринишига/ ҳам дуч келамизки, Бобур асарлари
тилида буниси учрамайди.

Қиёсланг:

Адабий тилда ва Бобур асарларида	Ш е в а д а
От - имиз - ни	: ат - имиз - ди, ат - имиз - и /атимизи билвопти/
от - ингиз - ни	: ат - ийиз - ди, ат - ийиз - и /атийизи айтинг/
биз - ни	: биз - ди, биз - и
сиз - ни	: сиз - ди, сиз - и
улар - ни	аммо Ш шахса : ула - ни, улан - ни

I. Г.Ф.Благова. Анджанский говор по материалам "Бабурнаме"
/рубеж XV-XVI вв/ и современным диалектологическим описаниям.
"Советская тюркология", журн. 1977, 3-сон, 57-76-с.

уз - ум - нинг-ки
/уз - ум - ники/
уз - умиз - нинг - ки
/уз - умиз - ники/
биз - нинг - ки
/биз - ники/
сиз - нинг - ки
/сиз - ники/

уз - им - и - ки
уз - имиз - и - ки
биз - ди - ки, биз - и - ки
сиз - ди - ки, сиз - и - ки

Феъл туркуми доирасида ҳам Навоий, Бобур асарлари тили билан ҳозирги Андижон шеvasи орасида яқинлик ва фарқ қилувчи томонлар анчагина бор. "Муҳокаматул лугатайн" асарида Алишер Навоий сарт /форс/ тили билан туркий тилнинг ироца имкониятларини қиёс қилар экан, араб тилида мавжуд бўлган бир сарфий /морфологик/ боб туркий тилда бор, лафз бир мазкур булур, аммо икки киши феълига муштамулдур, андоқки, топивмоқ, чолишмоқ, кучушмоқ..." деб ғаҳр билан қайд этиб ўтади. Навоий асарида феълнинг ҳозирги кунда биргалик нисбати /биргалик даражаси/ деб номланаётган шакли ҳақида гап борган. Навоий, Бобур асарлари тилида биргалик даражаси маъносини англатган бу шакл Андижон шеvasида III шахс куплигини билдириш учун ҳам кенг қулланилади.

Улар: бордилар ---- боришди
борадилар ---- боришади
борсалар ---- боришса

Урни келганда бу шаклнинг С.Иброҳимов китобида қайд этилмаган ва, бинобарин, Г.р.Благовага маълум булмаган яна бир маъноси борлигини ҳам эслатиб утамиз: -и /ш/ билан шаклланган феъл шевада II шахсга қаратилган буйруқнинг куплигини иродалаш учун ҳам жуда кенг қулланилади:

доч - қочинг /қочингиз --- қочини!
Жуна - жунаинг /жунаингиз --- жунаш!
Уқимаисиз/лар/ми? - уқимасе:ми?! Тошк.уқимай-
стилэ:ми?

Андижон шаҳар шеvasининг тадқиқотчиларидан бири А.Маматов буйруқнинг шу шакли катталар томонидан ёшларга қарата кенгроқ қулланилишини ва унда буйруқнинг кескин, катъий маъноси борлигини қайд этади.^{1/}

^{1/} А.Маматов. Андижанский городской говор Андижанского языка, АҚД, Тошкент, 1937, 22-с.

Г.Ф.Благова қараткич, тушум желишиклари кўрсаткичининг шевада унли билан учраши фактини ҳам, -/и/ш аффиксининг феълда II шахс кўплигини англатишга кўчганлиги фактини ҳам ареал ходиса деб, фарғона қипчоқлари тилининг, қўшни қирғиз тилининг шевага бевосита таъсири деб билади.

БН тили билан ҳозирги Андижон шевасини яқинлаштирувчи далил сифатида Г.Ф.Благова чама соннинг "қирқ-элликча", "беш-ун чоғлик" каби кўринишларини, -лик ясовчисининг "оталиқ-ўғуллик" сингари жуфт сўзларда ишлатилиши, сўроқ икнамасининг "борармидак" сингари тусланувчи қисмдан олдин ўринларуви каби фактларни ҳам тилга олади. Бироқ олима бу ерда тулик морфологик муқояса ўтказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эмас.

Агар бу иш морфологиянинг ҳамма боблари бўйича олиб бориладиган бўлса, унинг натижалари биз тилга олиб турган масалани ечиш учун ҳам, умуман, тарихий грамматика учун ҳам қизиқарли маълумотлар бериши мумкин буларди. Масалан, отлардаги кўплик кўрсаткичи /-лар/нинг БН ва шевадаги кўринишини олсак, бу кўрсаткич миқдорий кўпликни англатишдан ташқари, кучайтирув маъносинда ҳам анча хенг қўлланилади. БН: оқар сувлаои, сафолик боғчалари бор /61/; мулкигидлик лардагаси туфайли хили ярашлар урушқа ва дўстлуклар дусманликка мубаддал булур эди /65/; "Тўйлар қилиб, "дўстлар булуб" /67/. Пайт отларининг кўплик шаклида ишлатилиши ҳам муқояса қилинаётган ҳар икки томон учун умумийдек кўринади: ёзлар /64/ - ёзларда, бурунлар /65/ - илгарилари.

Алишер Навоий, Муҳаммад Солиқ асарлари қаторида Бобур асарлари тилининг умумий хусусиятлари устида, унинг диалектал асослари туғрисида фикр юритган яна бир олим Х.Дониёровдир. "Эски ўзбек адабий тили ва қипчоқ диалектлари" китоби /1976/да у эски ўзбекча ёдгорликлар тилини бир неча жиҳатлардан таҳлил қилиб уларнинг ҳаммасидан қипчоқ шеваларига хос унсурларни ажратиб кўрсатилга уринади.^{1/} Бироқ бу тадқиқотда қипчоқ шеваларининг бошқа шевалардан фарқ қилувчи ўзига хос белгилари, "қипчоқча элемент" деган тушунчанинг чегараси аниқланмайдиган, Навоий, Бобур асарлари тилидаги "мана бу -мана бу сўзлар ёки сўз шакллари қипчоқча унсурлардир" деган ҳукм айтилади. Х.Дониёров китобида БН тилидаги мен, сен, қалин /"мўл" маъносинда/, йиғоч, вурлар, қилилди, кўмак, овлик, отландик сингари сўз ва сўз

1. Х.Дониёров. Эски ўзбек адабий тили ва қипчоқ диалектлари. Тошкент, 1976, 55-56-б.

шакллари, Навоий асарларидаги қилғуси, қилгучи, еткурди, кўринур сингари феъл кўринишлари ҳам бирор изоҳсиз қипчоқ шевасига мансуб унсурлардир деб таъкидланади. Аслини олганда, эски ўзбек тилидаги қипчоқча унсурлар ҳам, уғузча қатламлар ҳам қорлуқчи-гил шевалари меъёрида шаклланган бўлиб, уларнинг аксарияти адабий тил учун бегона эмас эди.

Тарихда бу қабилалар ва улар ичидаги уруғлар аралаш ҳолда яшаб умумтуркий адабий тил меъёрларининг шаклланишига ҳисса қўшиб келганлар. Ўзбек адабий тилининг шаклланишига, бир томондан, шу хилма-хил уруғ ва қabila тилларининг адабий шакли - Қорахонийлар даври тили негиз бўлса, иккинчи томондан, қадимги уйғур тилининг адабий йўналиши, Олти Ўрда марказчилигида язага келган уғуз-қипчоқ адабий анъаналари ҳам кучли таъсир ўтказган. Араб тилининг ўз давридаги мавқеи, форс тилининг бу тил муҳитида эгаллаган кўп асрлик урни, ўзбек халқининг тожиқлар билан иқтисодий-сиёсий ва маданий ҳаётдаги бирдамлиги - буларнинг ҳаммаси Навоийгача бўлган адабий тилнинг таркибини ниҳоятда мураккаблаштириб ўборган эди. Навоий даврига келиб, унинг ижоди ва сайъи-ҳаракатлари билан тарқоқлик бирдамликка, хилма-хиллик бир хилликка кела бошлади. Адабий тил меъёрлари кўпроқ қорлуқ-чигил шевалари негизида қатъийлашди. Шу билан бирга, уғуз-қипчоқ шеваларининг адабий тилдан урин олган қатламлари ҳам, табиий, яшаб қолди ва кейинги тарихий жараёнларда бу таъсир анча-мунча янгиланиб, кучайиб борди.

Навоий, Бобур асарлари тилидан қипчоқча унсур ва қатламларни қидиришда аввало қипчоқ тили учун хос бўлган умумий тил қонуниятлари, меъёрлари ўлчов қилиб олинishi ва фақат шу асосдагина бу қатламлар ажратиб қиёсланиши лозим эди. Х. Дониёровнинг ишида бундай ўлчов асос қилиб олинмайди, натижада, қипчоқча деб ажратиб олинган сўз ва сўз шаклларининг қипчоқча эканлиги даъилланмай қолади.

Бобур асарлари тилининг Андижон шевасига муносабатини очиқ учун фақат морфология доирадагина эмас, умумграмматик, лексик-семантик ва кенг стилистик доираларда тадқиқотлар олиб бориш керак. "От - феъл" типдаги қўшма феъл қисмларининг узаро валентлиги соҳасини олайлик. Бобур "аркка туштим" деб ёзади, "аркка чиқдим" деб ишлатилиши ҳам мумкин эди, бироқ шевада қуйироқ, пастроқ томондаги жой ёки манзилга "тушмак" феъли, баланд, эқори манзилга нисбатан эса "чиқмоқ", "бормоқ" феълларидан бири ишлатилади. "Районга тушдим", "қишлоққа тушиб кел-

дин", "бозорга тушиб келдим" деб айтилади, ammo Андижонда туриб "Ушга тушдим" дейилмайди.

БН да "от - феъл" таркибли кўшма феълларнинг валентлигига эътибор қилсак ва уларни бозқа бирор ёдгорликнинг /масалан, "Байбоскийнома" асарининг/ тилига қиёс қилсак, БН тилида Андижон шеvasига яқинлик ортиқроқ эканига ишонч ҳосил қиламиз, "Отимни айттим", "Ўжра солдим", "яхшилик қилдим", "поятахт қилди" сингари юзлаб бирикувлар аввало ўзбек миллий адабий тилининг ҳозирги меъёрларига, қолаверса, шевага жуда яқин туплади.

Лексик-стилистик ва умумстилистик далиллардан ҳам баъзи намуналарни эслатиб ўтамиз. Маълумки, "эшик" сўзи Андижон шеvasида ҳовли, хонадон, турар жой маъносида қўлланилади. БН да бу атама подшоҳ хонадони, подшоҳ оиласининг яшаш жойи, ҳокимият идораси маъноларида келади: Султон Абу Саид Мирзо... Ғарғона вилоятини Умаршайх Мирзога бериб, эшикни бу Худойберди Темуртошга бошлашиб йибориб эрди /69/; Умаршайх Мирзо... икки мартаба қилич тегурди: бир мартаба Аҳси эшигида, яна бир мартаба Шаҳруҳия эшигида /65/; Умаршайх Мирзо воқеасидан сўнг менинг эшигинда соҳиб ихтиёр ул эрди. /70/ Бобурнинг ғазалларида эса бу сўз шевадаги маъноси билан ҳам келади:

Боре, бораи эшигига бу навбат, эй кўнгул,

Нечаки бориб эшигига бор топмадим.

Эйқрни ирода қилишнинг баъзи услубий белгилари, манераларидаги яқинлик: Андижондин етти йигоч йулдур /61/; сешанба кўни рамазон ойининг бетида бу хабар Андижонга келди /72/; Ёкусхонинг онаси... шайх Бурхониддиннинг қизи ё набираси булур /67/. Расм-одатлар, унга алоқадор иродаларнинг яқинлиги: Андижонда "қовун маҳалида полкз бошида қовун сотмоқ расм эмас /60/; яна бир жинс ўрук булур, ичига мағиз солиб қурутурлар, "субхоний" дерлар, бисёр лағиздир /61/; Хиёбон қилиб икки тарафига тераклар эқтурубдур /105/.

Наврий, Бобур асарлари тилида келаси замон маъноси билан кенг қўлланган борғусидур /борғай - феъл шакллари ҳозир шевада йўқ. "Борур" - феъли у давр тилида ҳозирги-келаси замонни аниқлатган, шевада эса "борар" - аниқ келаси замон ва келаси замон гумон феъли маъноларида қўлланади.

Шевада бор-у, Наврий, Бобур асарларида учрамайдиган феъл шаклларида боралти, борворди, бора: ТТД /борасиди кабиларни қайд этиш мумкин.

Навоий, Бобур асарлари тилида феълнинг борвлурдон/шай- турган шакли бор, шевада эса унинг тусланган *узринили* келис *узр- ланилади*: борадигоиман, келадигаиман.

Бобур асарлари тили билан ҳозирги Андижон шеvasи орасида фарқли уринларга қараганда ухшаш, яқин томонларининг орттиклиги шубҳасиз. Шунинг ўзи Андижон шеvasининг адабий тилимиз тарихида тутган ўрнини, бу ҳақда Бобур томонидан йитилган фикрининг ҳақиқатга яқинлигини тасдиқлайди. Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг ўзбек тили тараққиётига, бу тилдаги нутқ маданияти ривожига қушган ҳиссаси беқиёс даражада катта. Ўзбек миллий тилини, шу жумладан, Андижон эли ва тилини жаҳонга танитишда, бу элу мил- латнинг шаънини улуглаш ва шуҳратини таратишда Бобурнинг тарихий хизматлари беқиёс даражада катта. Вазира Бобур иеросида акс этган ва Бобур асарлари орқали бизгача етиб келган миллий кадри- ятларни, жумладан, Бобур асарлари тилини чуқур ўрганиш ва эъзо- лашдан иборатдир.

Telegram adres:

@turkiston_kutubxonasi

БОБУР - НОМШУНОС

1. З.М.Бобурнинг номшунослик мероси тарихий, жугрофий, лиссоний, рухий-маънавий йуналишда тадқиқ этилмаган. БН да 1406 та кили номи тилга олинган, 1100 дан ортиқ жой номи қайд қилинган, Кили исмлари ва жой номлари таркибида ҳамда апеллятив лексик бирлик сифатида 70 га яқин этноним мавжуд, БН мемуар асар мақомида Урта Осиё, Афғонистон, Һиндистон халқлари кечмишида қанчаллик қимматли манба саналса, асарда тилга олинган исмлар ва жой номлари, этнонимлар номшунослик учун ҳам ўзбек, тожик, афғон (пушту), форс, араб, Һинд ва бошқа тилларнинг утмиши ва ҳозирги ривожини тадқиқ этиш учун ҳам муҳим ашевий далил вазирасини ўтайди. Бобур асарларидаги исмлар ва номларни қиёсий, қиёсий-тарихий, этимологик, тарихий, ареал методлар йуригида тадқиқ этиш катта назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

2. Бобур халқ тилини, турли табақа ва тоғрадаги кишилар нутқи, сўз бойлигини теран билганлиги, форс, тожик, афғон (пушту), араб ва Һинд тилларини билганлиги туғайли БН да табиат ҳодисалари, ер ва табиат ҳодисалари, сувлоқлар, сиёсий-ижтимоий ҳодисалар ва бошқа нарсаларнинг турли тиллар ва шевалардаги номини, атамасини баён қилганки, унинг бу мулоҳазалари тарихий лексикологиянинг муҳим масалаларини ҳал қилишда алоҳида қимматга эга. "...ҳаволи қутий деган ҳаволга келдик...Ул эл тоғдаги гор ва ковокларни ҳавол дерлар". Пушту тилида тоғдаги гор ва ковок маъноси ҳавол атамаси билан аталган. Бу сўз Лехнонобод туманида жой номи таркибида сақланган: Қораховал - қишлоқ номи. Товуш таркиби ўзгарган: ҳ-х, а-о, о-а. "...бу йулни Гуспандлиёр дер эмишлар. Йулни афғон тили билдириш дерлар". "Ўзбек зўр кишини буқа дер эмиш". Буқа, буқа, бугу сўзлари бир ўзакдан урчиган. Ўзбек уруғларидан бирининг номи-буқа. Буқа райони номи этнонимдан ярайган. "Ул элонтларда куталарни банӣ дерлар". "Мугул эли жарроҳни ҳам баҳши дер". "Сингир лағзини Қобулга келганда эшитилди. Бу эл тоғни беркитканни сингир дерлар эмиш". Қашқадарё шеваларида сингир - ёнма-ён чўзиқ икки қир оралигидаги қундаланг баландлик. Туясингир, Қеттасингир, Аирисингир номлари шу сўз ва маъно билан боғлиқ". БН да бундай маълумотлар кўп. Жой номларини изоҳлашда, сўзларнинг маъносини белгилашда, номинация асосларини тайин қилишда Бобур изоҳлари бирламчи алимий манба бўлиб хизмат қилади.

3. Ҳой номлари тилдаги энг қадимий сўзлар бўлганлиги, улар маълум бир шеванинг сўз ва қўшимчаларидан ярадганлиги сабабли уларни изоҳлаш, лисоний асосларини белгилаш даврлар ўтган сари қийинлашиб боради. Ушандай ҳолатларда маҳаллий аҳоли изоҳ сифатида турли ривоятлар, ғараз ва тахминлар, шарҳловлар тўқийди. БН да ана шундай шарҳлар кўпилаб келтирилган: "Баҳорлар саҳроси ва шаҳри ва боми ва томи хўб сабз бўлур учун Шаҳрисабз ҳам дерлар". "Тўққуз руд ушбу тоғдин чиқар, бу тоғдин қор ҳаргиз ўқсумас. Бу жиҳаттин голибо Қўҳи Сафид дерлар". "Дерларким, бир неча дарвеш бу бодияда тунд елга йўлуқуб, бир-бирини тополмай, "до, дарвеш", "до, дарвеш" де-де ҳалок бўлубтурлар, андин бери бу бодияни додарвеш дерлар".

4. Аҳолиси турли тил ва шеваларда сўзлашадиган худудларда баъзи тоғлар, дарё ва водийлар, шаҳар ва қишлоқлар бир неча номлар билан аталиши жаҳон халқларининг номлар тизимига хос. Бобур Ўзбекистон, Тожикистон, Афғонистон, Ҳиндистонда ана шу ҳолатни кузатган, унга эътибор қилиб, хотираномасида ёзиб қолдирган: "Қорасувким, Обираҳмат ҳам дерлар". Ҳозир бу сув Сиёб, Обираҳмат номи билан машҳур. Ўзбекча Қорасув номи унутилган, унинг тожикча ўгирмаси Сиёб (сиёҳ об-қора сув, яъни ер ости сувлари) номи нутқда ўринлашиб қолган. "Эна Қарши вилоятидурким, Насаф ва Нахшаб ҳам дерлар, Қарши мўғулча оттур". "Работак ўрчинидинким, Ўкки сув ароси ҳам дерлар". "Ҳиндустоний ғайри Ҳиндустонни Ҳуросон дер, нечунким араб ғайри арабни Ажам дер". "...Тоҳруҳияким, Шом ва Банокат битирлар". Қўшномлилиқ-номшуносликнинг муҳим мавзуси. Номлашдаги бу ҳолат лисоний, тарихий, жуғрофий, тадрижий жиҳатдан тадқиқ этилса, халқ тарихи муҳим маълумотлар билан бойийди.

5. БН да қайд этилган этнонимларнинг айримлари ўзбек халқининг сўнгги даврлар насабномаларида зикр этилмаган. Дўғлат (Дўғлат), ўғлокчи, иторчи, дўлдой, тағойи, чопук, сори, тўқбой, тўғчи, чалма, қайтмас, бўға, қашқа, ҳазора каби уруғ-қабилалар вакиллари Бобур ҳарбийлари саналган, унинг хизматида бўлган.

Ўзбек этнонимларини БН сингари тарихий асарлар билан қиёслаб ўрганиш зарур. Давлат исми дўғлат қабиласи номи билан боғлиқ. Шу номдаги қишлоқ, маҳалла, гузар ва бошқа жой номлари дўғлат этнонимига дахлдор. Дўқчи, Дўқчи қишлоқ номлари замирида XI асрдаги тухси, XII асрдаги тўғчи қабиласи номи бўлиши тарихий ҳақиқатга яқинроқ. Айниқса этнонимларнинг киши исми таркибидаги маъноси ва бошқа лисоний фазилатларини таҳлил қилиш катта амалий қимматга эга.

6. Бобур назарига тушиб, унинг турли асарларида қайд этилган номлар ва исмларни, лақаб ва тахаллусларни, ана шулар билан узвдош бўлган турдош сўзлар мажмуини қиёсий-тарихий йусинда урганиш жуғрофия, тарих, тил илми учун беқиёс аҳамиятга эга.

Ўзбекистоннинг XV-XVI аср микротопонимиясини Бобур ёзиб қолдирган номлар асосида тадқиқ қилиш мумкин. Айниқса Ғарғона водийси, Олой тизмаси, Тожикистон ва Афғонистон ва Афғонистон минтақасидаги қишлоқ, яйлов, дашт, жилга, сой, сойлик, уланг, дара номларининг маълум қисми унутилган, айримлаги нутқда сақланган. Самарқанд таърифини бераркан, Бобур, унинг Ғарғона, Қошғар, Бухоро, Хоразм, Тошканд, Шохруҳия, Балх, Термиз каби вилоятлар билан чегарадош эканлигини таъкидлайди, шаҳар ичи ва атрофида Қуҳак (дарё, пушта), Дарғом (анҳор), Қуксарой, Оҳанин дарвоза, Масжили Лумъа, Боғи Булдурур, Боғи Дилқушо, Ғеруза дарвоза, Қонигул, Қорасув, Обираҳмат, Боғи Чинор, Боғи Шамоқ, Боғи Биҳишт, Масжили Муқаттаъ, Боғи Майдон, Чилсутун, Чинихона, Масжили Лақлақа, Қулба уланг, Сиёҳоб, Будана қуруқ, Қули Мағок каби номлар билан аталган жойлар борлигини қайд этади. Тасвирлар аниқ, ҳаққоний номлар билан исботланган. Номларнинг лисоний фазилати-тиллар (туркий ва эроний) ҳамкорлиги ва таъсирини кўрсатувчи манба.

7. Бобур қаламига мансуб номлар ва исмларни лисоний тадқиқ этишда БН да қайд этилган ер ўза тузилити, сувлоқ, аҳоли масканлари, турли тушунча ва нарсаларнинг ўзбек, тожик, араб, помир тиллари, пушту, ҳинд тилларидаги атамалари билан, бу атамаларнинг, манолари ҳақида ёзиб қолдирилган бошқа тарихий манбалар билан, лугатлар билан қиёслаб урганиш зарур.

Маҳаллот, тумонот, кент, уланг, обгир, қуруқ, қора сув, урду, мағок, пушта, учма, домана, бурж, чақар, фасил, канора, руд, боғот, эниш, қишлоқ, навоҳи, добон, тағоб, туман, яйлоқ, работ, туз, вилоят, обдузд, кучабог, чаңгал, обқан, улус, аймоқ, пох, танги, кўтал, қўл; шохқўй, парғана, урчин, сангтўда, қўлла, Қўҳистон, тумшук, банд, кўх, кўриз, булукот (булук) жулга, сингир, қасаба, камар каби сўзлар жуғрофий атамалардир. Уларнинг баъзилари эроний (сўғд, ғорс, тожик, афғон) тилларга мансуб, халқ шеваларида, маълум бир қисми ҳозир ҳам истеъмолда, тавуш қиёфаси ўзгарган, чаъноси қадимий ҳолатида, айримлари ҳой номларига айланган, эскирган. Қучабог-қарши шаҳрида маҳалла номи. Шаҳрисабз ва Қитоб туманларида қучабог - икки ёнида ариги бўлиб, ўртасида иули бўлган куча.

8. Бобурнинг номшунослик мероси-максус тадқиқ этилиши зарур мавзу. Бу мавзу ўзбек, тожик, помир халқлари, афғон ва ҳиндларнинг XV-XIX асрлар тарихини изчилроқ, теранроқ ўрганишни тақозо этади, тарихий маълумотларни лисоний далиллар (номлар, исмлар, этнонимлар, апеллатив лексика) асосида муқоясалаб тадқиқ қилишни талаб этади. Тилшунослар ва тарихчиларнинг илмий ҳамкорлиги Бобур мероси мисолида ўзбек халқининг сўнгги беш асрлик кечмишини лисоний далилларга таянган ҳолда ўрганишнинг янги йўналишини белгиләб олиш ва иш бошлашга имкониёт туғдиради.

9. Ўзбек халқи тарихида кемаларга ном қўйиш одати булмаган. Бу ҳақда бирон манбада хабар битилмаган. Бобур кишиларга, ўзи яратган боғларга ном қўйганлиги маълум. 1528 йил воқеаларининг баён қилганда ҳиндистоннинг Ганг дарёси бўйлаб кемада юриш қилганини зикр этган. Кемалар кўп бўлган. Турт уз йигирма кема ҳақида маълумот берган. Баҳор вилояти чегарасида 4 та йирик кемага от қўйган: "Осойиш", "Оройиш", "Гунжойиш", "Фармойиш". Бирчаси форс тили замирида номланган Осо, оро, гунжо, фармо сўз (феъл) асосларига -(й)иш ҳаракат оти қўшилган. Бобур фақат биттасининг номланиш сабабини қайд этган: "Ушбу йил черик отланурдин бурунроқ Оройишхон бир кема ясатиб, пешкаш қилди. Бу кемага "Оройиш" от қўлди" (438). Киши исми кема номига айланган. Исм эса апеллатив лексикадан яралган. Сўнгги саҳифаларда шу номлардаги кемалар ҳаракати, уларда уз берган воқеа-ҳодисалар ҳақида маълумотлар ёзиб қолдирган. Номшунослик тарихи учун бу қайдлов муҳим аҳамиятга эга. Чунки ўзбек тилида номланиш тарихи тадқиқ этилмаган. Утмишда ўзбек халқи фақат кишиларга ва жойларгагина эмас, бошқа нарсаларга ҳам ном қўйган. Бу борада Бобур зикриёти алоҳида таҳсинга сазовор.

Telegram adress:

@turkiston_kutubxonasi

Р.Расулов,
(Анлижон ДУ)

БОБУР — УЗБЕК ТИЛИНИНГ СОЎЛИГИ УЧУН КУРАШУВЧИ

Бобур ўз асарларини жонли ўзбек тилида, уша вақтдаги тараққий қилган шевалардан бири бўлган Андижон шеvasида ёзди, уни уша вақтдаги ўзбек адабий тили учун асос қилиб олади ва улуг шеор Навоийнинг ҳам шу йўлдан боргачлигини уқдириб ўтади. Бобурнинг таърифича, Андижоннинг "эли турктур, шаҳри ва бозорисиди турки билмас кити йуктур. Элининг лафзи қалам бирла расттур. Ани учун-ким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти бовужудким, дирида наъву намо топиодур, бу тил билладур" /I, 13/

Бобур она тилининг соғлигини сақлашга, адабий тилни соддалаштиришга, уни жонли халқ тилига яқинлаштиришга интилади ва бу йўлда анча хизмат қилди. Адабий тилни амалий равишда халқ тилига яқинлаштириди, ўзбек классик адабиётида ҳар жиҳатдан мукамал насрий асар намунасини яратиб берди. Наср тили унғача ҳеч бир учрамаган босқичга кўтарилди.

Навоийнинг ўзбек тили бойлигини, унинг гузаллигини назарий жиҳатдан исботлаган тилига нисбатан ҳам Бобурнинг тили жуда содда ва ихчамлиги билан ажралиб туради. Бобур ўша даврдаги ҳукимон адабий услубнинг энг характерли хусусияти бўлган тақаллур, дабаабали иборалар, ортиқча безакларни ишлатишга қарши курашди, ўз асарларида равшанлик, аниқлик, соғлиқ, ихчамлик, соддалиқ принципларини тарғиб қилди. Ўзи ҳам купинча содда жумлалар билан қисқа ва ихчам қилиб ёзди.

Масалан, "Фарғонанинг етти пора қасабаси бор. Сайхун суяннинг жанубий тарафиди қасабалар бири Андижондурким, Фарғона вилоятининг пойтахтидур. Уч дарвозаси бор. Арки жануб тарафиди воқе бўлубтур. Тункуз тасвев сув кирар. Бу ажабдурким, бир ертин ҳам чиқмас" /I, 13/.

Бобур услуб ва ифоданинг содда бўлишини талаб этди. Устки йилтиройдикни, фикрий мушмалликни "чиройлик" гаплар билан ёпиб кетишни, маънонинг аниқлигига ҳадал берадиган ортиқча тасвирларга берилганини қоралади.

Бобурнинг нозикраҳм тилшўнос эканлигини, тилнинг, ёзувнинг энг майда қонун-қоидаларига эътибор берувчи олим эканлигини кўрсатувчи бир неча мисолларни келтираниз:

Бобур 1527 йили ўзининг ўғли думомига ёзган хатида уни ўғил кўрганлиги билан табриклайди:

"Шукр, бермиш сенга ҳақ фарзанде,
Сенга фарзанду, менга дилбанде".

Неварасининг исми ҳақида шундай дейди:

"Отини Алъамон куймишсен. Тангри муборак қилғай. Вале бобужудким ўзинг битибсен, мундин горил бўлубсенким, касрати истемол била эвом Алэмон дерлар, ё Эламон дерлар, ўзга мундоқ алиф-лом отга ким булур" /II,161/.

Яна шу хатда Ҳумоюннинг имло хатоларини, унинг хатидаги чалкаш иродаларни кўрсатиб, ундан қойийди ва ўз фикрларини содда ихчам, аниқ ёзишга ундайди: "Бу хатларингни битибсен ва ўқимабсен. Не учунким агар ўқур ҳаёл қилсанг эди, ўқий олмас эдинг. Ўқий олмагандан сўнг албатта тағйир берур эрдинг. Хатингни худ ташвиш била ўқуса бўладур, вале асру муғлақтур. Насри муаммо ҳеч эши кўрган эмас. Имлонг ёмон эмас. Агарчи хили рост эмас. "Йлтирот"ни "то" /итқи/ била битибсен, "қулунж"ни "ё" бида битибсен. Хатингни худ ҳар тавр қилиб ўқиса бўладур, вале бу муғлоқ алфозингдин мақсуд тамом мафҳум бўлмайдур. Ҳолибо, хат битирда кохиллигинг ҳам ушбу жиҳаттиндур. Такаллур қилай дейсен, ул жиҳатдин муғлақ бўладур. Бундин нари бетакаллур ва равшан ва пок алфоз била бити, ҳам сенга ташвиш озроқ бўлур ва ҳам ўқиғувчига /II,163/.

"Бобурнома"ни тарихчилар тарихий асар десалар, адабиётчилар бадий асар деб атайдилар. Тилшунослар эса бу асар ўзбек тили тарихини ёритишда, унинг грамматик қонунларини текширишда энг асосий манбалардан бири деб ҳисоблайдилар. Бу асарнинг кейинги қисмларини тўлиқ маънодаги тилшунослик асари деб аташимиз ҳам мумкин. Чунки бу китобнинг деярлик ҳар бир саҳифасида ҳинд ва урду тилларида учрайдиган сўзларнинг, терминларнинг маънолари изоҳли луғатлардагидек кенг, атрофлича тушунтирилади ва ўзбек тилидаги муқобиллари келтирилади. Масалан, ҳиндча ойларнинг, кунларнинг, узунлик, оғирлик, кенглик ўлчовларининг номларини, уларнинг ўзбекча қандай сўзларга тўғри келишини кўрсатиб ўтади:

Ойларнинг номи: читар-хут, бесок-ҳамал, жашт-савр, осор-жавзо, совун-саратон, бодун-асад, кувор-сунбула, котик-мезон, ақжан-ақраб, пус-қавс, моҳ-жадйи, покин-далв.

Кунларнинг номи: шанба-сочинар, ақшанба-итвар, душанба-сумвар, сешанба-ионкулвор, чаҳоршанба-будвор, панжшанба-бриспатвор, одина-сағирвор.

Бизда кеча ва кундузнинг 24 соатга ва ҳар бир соатнинг 60 дақиқага бўлинишини кўрсатиб, ҳиндларда эса бундай дейди: "Ҳинд

эли кеча-кундузни олтиш қилибтурлар, ҳар қайсисини бир гири дебтурлар, яна кечани тўрт ва кундузни тўрт қисмат қилибтурлар, ҳар қайсисини бир пахр дебтурларким, форсиси "пос" бўлғай. Ул вилоятларда "пос" ва "посбон" эшитилур эди, бу хусусият билан маълум эмас эди". /II, 91/

Оғирлик ўлчовини билдирувчи сўзларни - рати, мола, тўла, сер, мони, миносаларни кўрсатиб утгандан кейин ҳиндистондан қўлланадиган сонларни ҳам келтиради: "Яна ҳинд эли ақадни ҳам хўб тайин қилибтурлар - ўз мингни лак дерлар, ўз лакни курур дерлар, ўз курурни арб дерлар, ўз арбни карб дерлар, ўз карбни "нил, ўз нилни падам, ўз падамини сонг /18 хонали сон/. Бу ақадларнинг тайини ҳиндустон молининг кўплугининг далиликир" /II, 92/.

"Бобурнома"нинг оқоридагидек хусусиятларини ақс эттириш мақсадида чет элларда "ҳинди - ўзбекча" ва "Урду - ўзбекча" лугатлар нашр қилинган.

Биз Бобур асарларининг тили, унинг ўзбек тили тараққиёти учун олиб борган курашини ўрганар эканмиз, шубҳасиз, ўзбек тилининг ҳозирги аҳволи билан қиёс қилишга уринамиз. Ўзбек тилининг грамматик қурилиши Бобур даврида қандай бўлса, ҳозир ҳам тўла сақланганлигини, лекин унинг ўсганлигини, тараққий қилганлигини кўришимиз мумкин. Аммо ўзбек тилининг асосий элементларидан бири бўлган тилимизнинг лугат бойлиги эса жуда ҳам тараққий қилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Бобур ўзининг "Бобурнома" асарида тахминан 15 минг сўздан фойдаланган, бундан 1 мингдан ошироғи географик номлар ва 1300 дан кўпроқ киши номлари учрайди. Бу асарни ўқиганимизда жуда осонлик билан тушунамиз. Бизча тушунишни қийин, қўлланишдан чиқиб кетган арабча, форсча, эски ўзбекча, шунингдек ҳиндча ва урду тэрминларнинг ҳаммаси бир ярим минг сўз атрофидадир. Бу эса "Бобурнома"да қўлланган сўз составининг 10 фоиздан камроғини ташкил қилади. Демак, биз Бобур асарларидаги сўзларнинг 90 фоизини ҳеч қандай дуьатсиз тушуна оламиз.

XVI асрдан бери тилимизнинг сўз бойлиги тўхтовсиз равишда ўсиб, бир неча марта қўлайди. Айниқса кейинги даврда жамиятимизнинг ўсиши, фан ва техниканинг ривожланиши, маданиятимизнинг гуллаб-яшнаши билан бизга тилимиз ҳам тараққий қилди, ўсиб ва ривожланди.

Биз ўзимизнинг бой, гўзал, тараққий қилган миллий адабий тилимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

проф. Рустамбек хожи Шамсиддин Ули
(Анлижон ДУ)

БОБУР ИЗИДАН ҲИНДИСТОНГА

Сафар таассуротларидан айрим лавҳалар ҳикоя қилиб бериш лозим кўрилди.

Бобурийлар сулоласи Ҳиндистонда 332 йил, яъни 1526 йилдан 1858 йилга қадар ҳукиронлик қилди. Сулола асосчиси Бобур Мирзодан охириги шоҳ Баҳодиршоҳга қадар оралиқда 13 шоҳ утган.

Бобурийнинг невараси Акбаршоҳ ва унинг невараси Шоҳжаҳон даврида Ҳиндистон жуда ривожланган. Бу тарихга бобурийлар даврининг гуллаб-яшнаган даври бўлиб кирган. Шоҳжаҳон 1627-1658 йиллари идора қилган. Уни ҳинд халқи ҳозир ҳам чексиз ҳурматлайди. У халқ орасида "Ҳазрати Шоҳжаҳон", "Баҳодир Шоҳжаҳон", "Шоҳжаҳон-обод" ноилари билан машҳур экан. У асос солган машҳур Дил қалъа (Қизил форт) бир вақтлар бобурийлар саройи бўлган.

Бу ерда ҳаммаси ажойиб, кўҳна ва мафтункор. Меъморчилик обидалари, салобатли бинолар, кўркем сарой, масжидлар, археологик музей, баланд-баланд миноралар, ҳашаматли, нақшли гумбазлар, ёзги айвонлар, сайр учун ажратилган кўм-кўк гулзор боғлар, ораста майдончалар, ҳовузлар, гала-гала учиб юрган кабутарлар, ғаққиллаб парвоз қилаётган қарғалар — буларнинг бари кишини узига ром қилади. Шу Дил қалъадаги музейда Бобур ва унинг ворислари ҳақидаги хилма-хил рангли сурат, миниатюралар, этнографик анжомлар, ёзувлар ва бошқа ҳужжатлар билан танишдик.

"Бобурнома"да тилга олинган Ҳожа Кутбиддин қабристонининг минг йилдан бери сақлаб келинмоқда. Араблар истилосидан гувоҳлик берувчи тарихий обида Деҳлида ташкил бўлган биринчи мусулмон масжидидир. Баландлиги 88 метрлик миноранинг ҳар бир бўғинига Қуръони Карим, Ҳадиси шариф оятлари ёзилган. Бу зиёратгоҳ жойда Абу Райҳон Беруний, Амир Темур, Заҳириддин Бобур, машҳур тарихчи Хондамир ва бошқа сиймолар бўлганлар.

Меҳмонхонада жойлашган дуконлардан бирининг мудири Иззатуллохон асли кашмирлик, мусулмон. Дукондаги кўпдан-кўп қимматбаҳо матолар орасида диққатимизни тортгани девордаги Бобур ва унинг авлодлари ҳақидаги ажойиб миниатюра расмлар бўлди. Улар жуца нафис, дид билан деворга териб қуйилган. Иззатулло бобурийлар ҳақида билганини сузлаб берди. Ҳатто меҳмонхона дуконларида ҳам бобурийлар ҳақида маълумотлар борлигидан чексиз қувондик.

Китоб дуконидан эса Бобур ва бобурийлар тарихига оид куплаб асарлар харид қилдик. Бу ноёб асарлар орасида Валденор Хансоннинг 1986 йилда Деҳлида чоп этилган "Товус тоҳиси ёки муғуллар Ҳиндистони қисмати", Буёк Британияда 1939 йил напс қилинган "Қисқача Ҳиндистон тарихи", Рамила Зафарнинг "Ҳиндистон тарихи" (1-қисм), Перкивал Спирнинг "Ҳиндистон тарихи" (2-қисм), Д.Шарманинг "Деҳли ва унинг районлари" Ҳиндистон муғулларининг (бобурийларнинг Р-Ш) ёдгорликлари", "Қизил форт", Б.Н.Панденинг "Ҳиндистон ҳақида китоб", "Деҳли - Агра", Фатен-пур, Сикри", Замбер Гасконинг "Буёк муғуллар", "Муғуллар империясининг рассомлик санъати" каби турли йилларда Деҳли, Лондон, Нью-Йорк, Калькутта, Аллоҳобод ва Бомбейда чоп этилган китоблар бор, уларнинг ҳар бири бобурийшуносликни илмий таъқиқ этишда алоҳида қимматга эгадир.

Деҳлида 1987 йил чоп қилинган "Буёк муғуллар" номли асарда Бобурнинг саркардалиқ маҳорати, Ҳиндистонни забт этишдаги ҳасорати, тадбиркорлиги баён қилинган.

Бобур 1526 йилнинг февралда Панжоб атрофини ва Панжобни ишғол қилади. У жуда уткир саркарда бўлгани учун ўз аскарлари орасида кучли интизом урнатади.

1526 йилнинг апрель ойи ўрталағида Бобурнинг 25 минг қўлини билан Деҳли султони Иброҳим Лудининг 100 минг аскар ва 1000 фили Панипатада ўзна-ўз келиб жанг қилган. Бобур бу жангда бутун ҳарбий маҳоратларини ишга солиб, туркона жанг қилиш санъатини кўрсатиб қўяди ва Иброҳим Лудан марзубиятга учрайди. Бундан кейин Бобур ва унинг роҳиб кўзини Деҳлига жириб келади. Қума кун Бобур масжидда ўз номини хутбага қўшиб ўқитади ва ўзини Ҳиндистон императори деб эълон қилади".

Ҳиндистонда "Буёк муғуллар" (аслида бобурийлар - Р.Ш.) сулоласининг асосчиси Заҳридадин Муҳаммад Бобур мусулмон динининг сунъийлар мазҳабидан, ота томонидан Темур ва она томонидан Чингизхон наслидан эканлиги уқтириб ўтилади. Бобур ўша даврда жуда кучли исломий армияга эга бўлган, унинг аскарлари орасида турклар, араблар ва эронийлар бор эди. Бобур 1530 йилгача, яъни даътининг сўнги давларигача ўз даврининг энг кучли армиясига эга бўлган. У ўзидан кейинги авлодларига жуда қудратли, энгилмас куч қолдирди.

Бобур ва унинг ўғли Ҳумоюн теурийларнинг ҳокимлик тартибига ўзгарит киритадилар. Бобур 1507 йили Добулга ҳукмдор

булгандан кейин узини подшоҳ деб эълон қиледи. Бобургача эса теурийлар "Мирзо" унвони билан эритилган. Эхтимол Бобур бу билан Шоҳ Исмоил Саравий; Шайбонийхон ўзбекларига теурийлар салтанатининг шуҳрати ва даражесини намойиш қилмоқчи булгандир. Китобда инглизларнинг Ҳиндистонни забт этишда да идора қилишда Бобур, Ҳумоюн, Акбаршоҳ ҳарбий тактикасидан усталик билан фойдаланганликлари қайд этилади. Бобур Лоҳур, Деҳли ва Аградаги ерлик аҳоли билан жуда ҳам эҳтиёткорлик билан, уларга нисбатан ҳурият билан муносабатда булган. Бу жойларда фуқароларга солинадиган қишлоқ хужалиги солиқларини яхши тартибга келтирган ва унинг иккдорчини кескин қисқартирган.

Бобур ва унинг воеислари киска муқдат ичида деярли бутун Ҳиндистон қишлоқларига Амир Теуур империяси тартиботини, умуман, турклар услубини жорий этганлар. Бошқариш тизимида ҳам Бобур ва унинг воеислари ўз аждоди Теуур ва унинг давлатни бошқариш усулидан кенг фойдаланганлар. Китобда шу сабабдан бобурийларнинг Ҳиндистонда жуда тез шуҳрат қозониб, узок муқдат ўз мазқеини саклаб қолганликлари уқтириб утилади.

Аграни томоша қиларканмиз, гуё ўзимизни Бобур меҳмонидек, Бобур биз билан юриб, ўз замонасидаги буюк тарихий воқеаларни сўзлаб бераётгандек, Бобур ва унинг воеислари билан шаҳарни сайр қилаётгандек ҳис этдик.

Агранинг энг машҳур обидаси, бу - Тож Маҳал. Бобурийлар даври меъморчилик санъатининг гултожи булган бу муъжизакор қосонанинг ташқи қисмини, ёнидаги икки масжидни узокдан туриб тасвирга туширдик. Тож Маҳал ансамблидаги қабрлар, гумбазлар, мармар тош ва унинг ичкарасидаги хилма-хил рангли деворлар, Куръони карим ва ҳадиси шарифдан келтирилган арабча ёзувда санъат билан битилган сура, оятлар кишини лол қолдиради.

• Бобур дафн қилинган Ором боғига - Боғи Оромга, хиндлар талаффузидаги "Ром боғ"га томон йул олдик.

Ҳамна дарёсининг нариги бетидан бордик, йул давомида хилма-хил иншоотлар, кучалар гавжум, транспорт воситалари билан лиммо-лим тула, турли хил ёлгорликлар, уларнинг аксарият кўпчилиги Бобурийлар сулоласига даҳлдор. Ҳамна дарёси кўпригидан ўтмоқдамиз. Бу кўҳна даредан Бобур кўп маротаба утиб Оромбоғда ҳордик чиқарган. У вафот қилганида бутун Агра халқи шу кўприк орқали дафн маросимида келган, подшоҳ Бобур шу Оромбоғда дафн этилган. Боғ деярли тулалигича сакланиб қолган, катта дарахтлар, гумбазли очик айвонлар, боғнинг атрофлари, уша вақтда қизил

рангли деворлар билан уралган - ҳовуз - буларнинг ҳаммаси ўз урнида ва ўзича тургандай.

Дарё бўйида бир-бирига параллел ҳолда, чор тарафлари очик айвонли иккита бино сақланиб қолган. "Агра" номи инглиз тилидаги китобда бу боғ ҳақида шундай маълумот бора: "Ром Боғ ёки дам олиш, истироҳат боғи. Қадимий муғулларнинг Чинака Роувзадан 2 километр шимолда жойлашган боғи. У ерда Муғул империяси асосчиси Бобур қўйилган. Ҳамна дарёсининг чап қирғоғига жойлашган, 1528 йили асос солинган бу авлодлар ёдгорлиги инглиз мустақиллашчилар келганида хавф остида қолганди. Бу боғ Бобурнинг энг сеvimли хордиқ чиқарадиган маскани эди. Унинг набираси буёқ Нахонгир ва хотини ҳам ўша боғда истироҳат қилишга жуда ўрганган эди".

Динлар инглизлар тажовуздан бу боғни сақлаб қолиш мақсадида унинг асл номи яшириб, бу боғ Бобурийларники эмас, Оромбоғ эмас, балки Ром боғдир, деб айтишган. Шундан бери бу боғ Ром боғ деб аталаркан. Бобур дағи этилган жойни зибрат қилдик.

Самарқанда, Бухородаги атиқаларга ўхшаш каклик, кийик, оқкушлар рамзи тасвирланган иллий гўмбазлар узок ўтмишни эслатиб турибди. Ҳамна дарёси соҳилидаги бу баҳаво табарруқ масканда ўз замонида Бобур одамларни қабул қилган, элчилар билан суҳбат қурган, куй тинлаган, шеър ситган, "Бобурнома" сатрларини озган.

Дехлидаги Назоҳатларай Неру номи университетда ва унинг тарих қўлликетида Бобур ва бобурийлар тарихи қандай ўқитилиши, бу ердаги бобуршунос олимлар билан қизиқдик. Анвижон ва Гелли Боз университетининг ҳамкорлиги, Бобур ва бобурийлар даври тарихини иллий тадқиқ этиш, ўқитил ва шу соҳа бўйича мутахассис иллий ҳодимлар тайёрлаш мақсадида қизгин мусоҳаба қилдик.

Бобуршунос олимлардан И.К.Трипеци, Музаффар Аблам ва талабалар билан Бобур ва бобурийлар ҳақида суҳбатлашдик. Профессор Музаффар Аблам-мусулмон, форс тилини яхши биледи. У киши бизга 1986 йилда чоп қилинган 1707-1748 йиллар даврини ўз ичига олган "Ҳиндистон Шимолида муғуллар империясининг таназзули" номи асберини дастхат билан тўхта этди.

Профессор Расиндоран Барна Бобур ва унинг ворислари ҳиндистон диярида жуда ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олингани ҳақида гапирди: "Бобур бизда жуда ҳам қадрлидир, - деди у суҳбат давомида. - Чунки у биринчи бўлиб ерли ҳинд халқи ва ўзи билан келган туркий, муғуллар билан биргаликда кичик-кичик князликларни бириктириб бутун ҳиндистон бўйича марказлашган йарик давлат

ташкил қилди. Бу давлат ҳиндистоннинг урта асрлар тарихида энг кўп муддат яшаган салтанатдир. Ҳинд ўқитувчилари, талабалари Бобур тарихини жуда ҳам қизиқиш билан ўрганадилар. Унинг диёри-мизда биринчи бўлиб мустақил, марказлашган давлат тузилидаги, уни бошқаришдаги буюк хизматларини бениҳоя қадрлашди. Биз Бобур билан бирга Ҳиндистонга келган узбеклар тарихини текширишга кўп қизиқяпмиз. Унинг сафдошларининг деярли ҳаммаси узбеклар бўлган.

Бизда Турон деган номга ҳам қизиқиш ғоятда кучлидир. Ахир Бобур ва Сиз ҳам ушундай тарихий Турондансиэлар-да... 1992 йилнинг 2 октябрида Деҳлидан Тошкентга учдик. Самолётда тўсатдан Нажибур Раҳмон номи Ҳиндистоний билан танишиб қолдик. У асли деҳлилик, ҳозирда Харьков тиббиёт институтининг аспиранти, рус тилини яхши билади. У Бобур ва бобурийлар тарихини анча биларкан.

"Ҳиндистонда бобурийлар даврини акс эттирувчи қандай бадиий фильмлар ишланган?" деган саволимизга у киши ҳозирча тўртта: "Мугле-Аъзам", "Тож-маҳал", "Нуржаҳон", "Баҳу-Бегам" фильмлари яратилганини айтди. Ҳозиргача Бобур авлодидан вакил борлиги мавҳум эди. Аксарият ҳолларда унинг ҳеч бир авлоди қолмаган деб келинар эди. Чунки инглизлар Ҳиндистонни забт этганларида бобурийлар наслини қириб ўборганди. Бобурийлар сулоласининг энг сўнгги вакили Баҳодиршоҳ II қамоқхонада вафот қилган. У шоир ҳам эди. Урду, форс тилларида шеърлар битган, асарлари чоп қилинган. Бизнинг: "Бобурийларга мансуб кишилардан қолганми?" деб берган саволимизга Нажиб-ур Раҳмон шундай жавоб қилди:

- Деҳлида бир аёл яшайди. Унинг исми Покизабегим. Ёши 50-55 ларда. Ҳорижий мамлакатлар билан маданий алоқалар қилиш Ҳиндистон ташкилотларидаги катта кутубхонага директорлик қилади. Покизабегим эски Деҳлида яшайди. Ўзи бева, онаси бор. Покизабегим менинг холам билан дугона, борди-келдиси бор. Мен у билан бир неча бор кўришганман, суҳбатлашганман. У Бобур авлодидан эканини кўп айтган. Деҳлига яна бир келганингизда қариндошларим орқали Сизни бу аёл билан учраштираман. Ҳозирча мен уйга хат ёзиб, Покизабегимнинг суратини, Бобур авлодига мансублиги ҳақидаги маълумотларини олдириб, Андижонга ўборишга ҳарахат қиламан".

Бу биз учун қутилмаган янгилик бўлди. Буюк ўртдошимиз Бобур изидан бориб, у ва унинг ворислари тарихининг ҳалигача ёритилмаган саҳифаларини очиш, улардан халқимизни баҳраманда этиш борасида яна изланишни савом эттириш иштиёқи билан

сафардан қайтдик.

Ҳиндистонга яна бориш, бошланган ишни давом эттириш, Калькуттадаги Викториа музейгоҳидаги ҳужжатлар билан танишиш, Найпур, Дакнау шаҳарларида, Бангладешнинг Дакка шаҳри, унинг атрофларидаги Бобур ва унинг авлодлари яратган қўлдан-қўл тарихий обидаларни, Лондондаги музей материалларини ўрганиш келгусида қилинадиган вазифалардир.

Ғ.Сатимов.

(Андижон Давлат тиллар педагогика
институтини)

БОБУР АДАБИЙ – ТАРИХИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШЛА ДОРИЖИЙ ОЛИМЛАР ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ ЎРНИ

Мовароуннаҳр тарихида чуқур из қолдирган, Афғонистон ва Ҳиндистон тарихида эса асрларга татигулик улкан бурилиш ясаган шоир ва давлат арбоби, буюк саркарда ва моҳир меъмор, умуман олганда, баркамол инсон – Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳақида хорижий тилларда бир неча ўнлаб ҳар хил катта-кичик асарлар яратилган. Маълумки, XIX асрда инглизлар Ҳиндистонни босиб олганларидан кейин, жуда кўпчилик ҳоёт осори ақиқалар билан бир қаторда, ўзлаб илмий-тарихий асарларни ҳам Озаруно мамлакатларига олиб кетиб, ҳанузгача ўша элларда, кўнладан, Британия музейида сақланиб қолган. Ана шу манбалар асосида инглиз тарихчи, адабиётчи, иқтисодчи ва фойласуфлари томонидан Бобур ва бобурийлар ҳақида ҳам самарали изланишлар олиб бордилар ва жуда кўпчилик илмий-тарихий асарлар битилди. Уильям Эрскиннинг "Бобур ҳукмронлиги давридаги Ҳиндистон тарихи", (Қарачи, 1974, Оксфорд университети нашриёти, П.Ҳарди таҳрири остида), Б.Струссенинг "Ўғруллар империясининг шаклланиши" (Қарачи, 1991), Каромат Алихоннинг "Тоҳур манзаралари" (Қарачи, 1991) каби асарлари ана шундай ноёб тадқиқотлар натижаларидан ҳисобланади.

XVII асрнинг етух шарқшунос олимларидан бўлиши нотланишилик У.Эрскин (1773-1852) Темурийлар сулоласи тарихини синчиклаб ўрганган ва ўзининг улар ҳақидаги илмий асосланган хулосалари билан Бобур ва бобурийлар сулоласининг Ҳиндистон тарихи, унинг давлат тўзуми ҳамда Ҳиндистон ярим оралиғидаги маданий ҳаётининг шаклланишида тўтган ўрни ҳақида батафсил, ноёб,

оцилона хулосаларни баён қилган мутахассислардан биридир. 1/

Бу асар бир қанча фазилатлари билан ўқувчида жуда яхши таассурот қолдиради. У жўшқин шарқона руҳ билан жуда қизиқарли ва равои тилда ёзилган. Олим шарқ тарихнавислари йўлидан Борига ҳаракат қилган ва ўтмишда яратилган кўҳна китоблардан унумли фойдаланган. Муаллиф теурийлар ва уша давр ҳаётига оид жуда кўп Шарқ манбаларини тилга олади, кўчирмалар келтиради ва Гарбда шу мавзуда битилган асарлар билан таққослаб, улардан барқ қилувчи уринларга алоҳида тўхталади. Манбаларга ҳалоллик, холис-лик билан оқилона ёндашади, тарихий воқеалар, далиллар, ҳужжат-лар ва ривоятларни чуқур таҳлил қилиб умумлаштиради. Булар эса олимнинг кенг билими, зукколиги, меҳнатсеварлигидан далолат беради.

Асарда Мовароуннаҳрдан ҳиндистонгача бўлган эришда Бобурга учраган ва унга ҳамроҳ бўлган турли халқларга, уларнинг урф-одат-лари, удувлари, маросимлари ва анъаналарига ҳам кенг урин берил-ган. Шунинг учун бўлса керак, бу тадқиқот худди бадиий асардек мароқ билан ўқилади ва китобхоннинг эсида қолади.

Тарихий воқеаларни таҳлил этишда ва Бобур шахсининг аввал шахсода, кейинроқ пох, лашкарбоши, давлат арбоби, поир, табиатшунос ва, ниҳоят, баркамол инсон бўлиб шаклланишига у билан қадам-

1. У. Эрскин (1773-1852) ХУШ асрнинг етук шарқшунос олимларидан бўлиб, у шотландиялик катта ер эгасининг ўғли бўлган. Эдинбург университетиде таҳсил кўргач, 1803 йилда таниқли, зайласуф ва иқтисодчи Сэр Сеймс Макинтошнинг таклифиға биноан унга шахсий котиб сифатида Бомбейға келди ва 1823 йилгача ҳиндистонда яшади. қолган уири Шотландияда кечди. 1827-38 йилларда Авлиё Андоэ черковида роҳиблик қилди. Унинг оиласи жуда катта бўлиб, 14 болани асраб олган эди.

"Бобурнома"нинг 1809 йилда Жон Дейлен (1775-1811) боллаган таржумасини 1816 йилда тугатиб Бобурдан Аврангзебгача бўлган Теурийлар тарихини ярачигға киришди ва 1845 йилда Бобур ва Ҳумоюн даври тарихи яратилди. Бироқ, бу асар 1854 йилда муаллифнинг вафотидан сўнг наир этилди. Аввал бошда "Теурийлар алоидидан бўлиш Бобур ва Ҳумоюн давридаги ҳиндистон тарихи" деб аталган бу асар ўз моҳияти миҳатидан пуниси билан фарқ қиладики, унинг муаллифи У. Эрскин форс тилини мукамал билган ва бу асарни ярачигда "Табоқати Акбарий", "Тарихи Рашидий", "Хулосатул-Таворих", "Шажарат-ул-Ашрок", "Аулосат-ул-Акбар" каби кўплаб илмий-тарихий қўлёзмавазган кенг фойдалангани алоҳида таъкидланади. Унинг шахсий кутубхонасидаги 200 дан ортиқ ана шундай ноёб қўлёз-ма асарлар ҳозир Британия музейида сақланмоқда.

Telegram adress:

@turkiston_kutubxonasi

бақадам юриб, унинг макланигидаги воқеаларнинг роли ва таъсири, олинган хулосалар ҳақида тўғри ва одилона, бегараз ва холисона хулосалар чиқарилганлиги муаллиф ва унинг асарининг биз учун ниҳоятда бебаҳо эканидан далолат беради.

У.Эрскин тасвирида Бобур шарқ мамлакатлари тахтига ярашиб тушган ҳукмдорларнинг ёрқин намоёндаларидан бири сифатида гавдаланади. Унинг шахси олижаноб инсон ва улуғ шоҳга хос бўлган хусусиятлардан таркиб топган. У жасур, тадбиркор ва шижоатли саркарда бўлиб, кишиларни ўз ортидан эргаштира олиш қобилиятига эга бўлган ташкилотчи қўмондон ҳамдир. Қўнгли бегараз, ҳамда ишонувчан киши бўлиб, бутун умр бўйи уни ёллик ғайрати ва шижоати ҳеч қачон тарк этмади.

Унинг бағри кенг, қўнғилчан инсон бўлгани туфайли, уй ичидагиларга илиқ муомала қилар, қариндошлари ва дўстлари ҳақида доимо ғамхўрлик қилар, қайси ижтимоий табақага мансублигидан қатъи назар кишиларнинг ташвишларига ҳамдардлик билдиришга тайёр турар эди. Бу ердаги тавсифлардан Бобур саҳоватпеша инсон сифатида кўз олдимизда намоён бўлади. Бобур юксак эътиқод киши бўлгани учун улуғворлик ва гўзалликни ниҳоятда қадрлар ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга интилар эди. У буёқ қудрат ва улуғворлик тимсоли бўлиб, шон-шўҳратнинг ҳар қандай шўриниши унинг тасаввурини янада кенгайтирар, бировнинг шўҳратига шерик бўлишни асло истамас, ўз шўҳратига ўз меҳнати билан эришишни маъқул кўрар эди.

Бобур ҳали болалигидаёқ Фарғона давлатининг тахтига чиққанда атроф улкалар тахтида тахтбали ва маккор султон ва ҳокимлар ўлтирар эди. Уларнинг аксарияти куп ўтмай ўша даврга хос бўлган балога-саройдаги фитна ва ифвогарликка гирифтор бўлдилар. Шарқатсиз шамоллар Бобурни ҳам узок элларга элтиб ташлади. Лекин жисмидаги ғайрат, шижоат ва ирода кучи туфайли ҳаёт бўронларига бардош бериб, ундан устун келган темирий ана шу Бобур эди.

Ҳали йигирма ёшга етмай туриб у ҳаётнинг барча аччиқ-чучукларини, тақдирнинг иссиқ-совуғини бошдан кечирди. У гоҳ унчалик назарга тушмайдиган шахзода қиёрасида, гоҳ улкан салтанат эгаси бўлган ғолиб шоҳ қиёрасида кўз олдимизда намоён бўлади. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам унинг ҳаётдан умидворлиги, кескин ирода кучи уни тарк этмайди. Ота ортидан қувлиб, бир неча ҳамроҳлари билан мусофирликнинг энг оғир кунларини бошдан кечираётганда ҳам, унинг обрўси ва шўҳрати сўнмади ва минглаб

кишиларни уз ортидан эргаштира олди, уларнинг ёрдами туфайли чексиз салтанатни қўлга киритди. Бошга тушган оғир дамларда кишиларни бошқариш учун жасур саркарда бўлиш кераклигини Бобур яхши биларди. Шунинг учун ҳаётининг биринчи кунлариданоқ суворийлик унинг асосий машғулоти бўлган, Бирок унинг урушга бўлган иштиёқи тинчликни таъминлаш заруриятини ҳис қилишдан маҳрум этмаган эди. Ҳарбий ҳаракатлардан тин олган пайтларни у серташвиш ҳаётининг осуда кунлари деб ҳисоблар ва ором оларди. Бундай пайтларда у одати бўйича давлат ишлари билан банд булар, салтанатни мустаҳкамлаш ва давлат тизимини такомиллаштиришга ва қўл остидаги фўқаро ҳаётини яхшилаш чораларини куришга сарфларди. Унинг қонига гўзалликни ҳис қилиш, санъат асарларини қадрлаш сикиб кетган бўлиб, улар орасида меъморлик ва боғ яратиш санъати алоҳида ўрин эгаллайди. Қўл остидаги мамлакатларнинг кўпларида Бобур сарой ва қасрлар қурдирди ва боғлар яратди. У гулзорлар ва чиройли йўлкаларда ёриб ниҳоятда қувонарди. У яхшигина боғ-бон ва табиатшунос бўлиб, кўпгина мезали ва манзарали дарахтларни бир мамлакатдан иккинчисига олиб келиб, уларни ана шу иқлимга мослаштиради. Бу дарахтларнинг кўплари уша жойларда ҳали ҳам яшаб турибди. Бу соҳада эришган ютуқларидан Бобур жангда галабага эришган кишидай қувониб кетар эди. Шуниси ҳайратланарлики, бу ишларни у жангу-жадаллар ва тўстўполонлар орасида амалга оширади эди. Қандай дамлар орасида ишлари бир оз ёришиб қолган пайтлари қадрдон дўстларини куришни кўмсаб қоларди. Билимга чанқоқлиги туфайли билимга интилувчиларга ҳамisha оталарча гамхўрлик қиларди ва уларни уз атрофига тўплаб оларди. Умри жангу жадал ва уруш-ёришларда ўтган бўлса ҳам, зур иштиёқ билан уз даврининг илғор илмини эгаллашга интилиши унинг ақли-заковати жуда ўткир ва бетакрор эканидан далолат берарди. Ҳайдар Мирзонинг гувохлик берилишича, унинг ажойиб фазилатларидан энг муҳими унинг олижаноблиги ва инсонпарварлиги эди. "Бобурнома"да баъзан бошафқат қатл этиш манзаралари учраб туради, лекин бунинг сабабларини бир шахсининг фаолиятидан эмас, балки уша даврдаги тарихий муҳитдан қидириш зарур. Тарихчиларнинг айтишларича, унинг укалари ёки бек ва амирлари Бобурга қарши бош кўтарган ёки фитнага бош қўшган ҳолларда ҳам улар уз айбини тап олиб тавба қилишса, Эрон, Араб ёки ҳинд шоҳларидан тубдан фарқ қилиб, Бобур уларнинг гуноҳларини кечирган, кечирибгина қолмай, орада ҳеч қанақа гина сақламаган.

"Бобурнинг бувиеси Шоҳ Бегим ва холалари илтимосига кўра

Хон Мирза ва Муҳаммад Хусайн Мирзо ва уларга қўшилганларнинг гуноҳини кечирганини кўриб, сиз Бобур ҳақиқати йўқ, гурурсиз ёки иродасиз киши экан-да, деган хулосага келмаслигиниз керак, - деб ёзади У.Эркин. - Унинг меҳр-шарфатлилиги, айбини тан олган гуноҳкорни кечира билгани унинг кучли ирода эгаси эканидан, унинг назик қалбини тирнаган муртадлардан ақлдан ва ахлоқдан бир порона ҳқори турганидан далолат беради".

Бобур урта буйдан юқорироқ, бақувват киши бўлиб, жисмоний ҳаракат талаб қилмаган унингларни яхши кўрган. «Машқ натижашида у ўткир мерган ва моҳир қиличбоз бўлиб етишган. Муҳа куш ҳолларида Бобур уз маҳоратини яккама-якка жангда намойиш қилган. (Мугуллар Қобулда Абдураззоқни хон кўтариш учун кўзгелон қилганида ёлғиз ўзи 5 та мугул сарбозини қиличбозлик жангида ер тишлатгани бунинг мисолидир). Айтишларича, у шу даражада бақувват бўлганки, баъзан яккала қўлтиғига икки жангчини қисиб олиб қайта девори устига айланиб эрар ва шу тарафда йўлдаги тўсиқлардан ўтар эди.

Бобур яратган адабий асарлардан бўлиши "Бобурнома" шарқ тарихий манбаларининг энг ноёб намуналаридан бўлиб, унда улкан Осий ноҳадидан бирининг ҳаёти ҳақда бақавват ҳикоя қилиб берилгани У.Эркин томонидан таъкидлаб утилади. Бағорликлар шоҳнинг фикр ва кечинишлари ҳақ қандай яширилмасдан, бағорлик билан ҳолисона, очикчасига янҳилиб берилган. Бунда ҳикоя усулининг равои ва заҳабини экани шохидида диққатга сазовордир. Айрим ўринларда воқеалар шу қадар моҳирлик ва қушноклик билан таърифланганки, асарнинг йўналишидан, унинг суук ва ўта синчков кети томонидан ёзилгани сезилиб туради. Муаллиф уз замондорларга ва ҳақиқатларини шундай усталик билан таърифлаганки, уларнинг кўринишлари, ҳатти-ҳаракатлари, одат ва қилиқлари ойнада кўрингандек акс этиб туради. Шу нуқтаи назардан қараганда бу асар ўша даврдаги Осий тарихини тўғри ва ҳақиқоний акс эттирган ягона асар экани У.Эркин томонидан алоҳида қийб этилади. "-Одатлари сарой тарихчилари улғур шоҳларнинг қилиқлари ва маросимларини бақавват парвозлик билан таърифласалар-да, - ёзади У.Эркин, - уларнинг заҳсий ҳаёти ва одатларини қушнокчи тушириб қолқиривга қовил бўлидилар, қушнокчи таърифлар ҳаёти ҳақида эса лом-ним демайдилар. Бобур асариди эса бирор шахс устига суз яритилмаган бўлса, унинг қийиниши, диди, реъл-итвори ва одатлари қушнокчи ҳақиқоний ва бақавват таърифлаб берилдики, сиз худди улар орасида яшайтгандай бўламиз".

Бу асарнинг жозибадорлиги асар муаллифининг феъл-атворида-
дир. Узоқ умрнинг барча азоб-укубатларини кўрган дан кейин ҳам
яна сахий қалб эгаси ва саховатли инсон қиёфасини сақлаб қолиш,
юмшоқ кунгил ва сабр-қаноят билан ўз фаолиятини давом эттириш
ҳақида ҳам насиб булавермайдиган ноёб фазилатдир.

У. Эрскин Бобур Мирзо табиатидаги жанговарлик, буюклик,
улуғворлик, саховат, камтарлик, мағрурлик, одамийлик, яхшиликни
қадрлаш, узоқни кўра билиш, тадбиркорлик каби сифатларни ёритиш-
га эришган. Унинг инсоний фазилатлари кўплаб мисоллар билан
кўрсатилади.

Осиё тарихида ўтган улуғвор ва совуққон шохлар орасида
Бобур сингари кун буйи йиғлаб юргани ва бу йиғиси ҳақида бирга
уйнаб юрган уртоғига айтаётгандек бизга ҳикоя қилиб бераётган
подшоҳни учратиш бўлмаса керак. Бобур ўз опаси ва аёл қариндоқ-
лари (холалари, бувиси, опалари) ҳақида шунчалик қизиқарли, ҳикоя
қиладики, гўё уларнинг ёнидан ҳеч қачон нари кетмаган, деб
уйлаймиз. Дўстлари ва уларнинг феъл-атвори ҳақида эса, гўё ўзи
ҳақида гапирётгандек ҳикоя қилади, уларнинг айтган гапларини
қайтариб айтади, улар учраган воқеалар, саргузаштлар ёхуд касал-
ликлар ҳақида мароқ билан сўз юритади, ўрни келганда эса улар
устидан хазиломуз кулиб ҳам қўяди.

"-Агар Бобур ичкиликдан эртароқ воз кечганда эди", - деб
ёзади афсусланиб муаллиф, - яна ҳам улуғ иш бўлган буларди.
Чунки ҳаётининг қисқаришига сабаб бўлган нарса ана шу оғу бўлиши
ҳам мумкин". "Бобурнома"нинг кўп жойларида ичкилик манзараси
худди жанг манзараси ёки музокара тафсилоти каби тасвирлаб
берилади. Бу ўтиришларда даврадагилар уни шаҳзода сифатида
эмас, балки шу давранинг оддий бир аъзоси сифатида кўрар эди-
лар. Бундай ўтиришларга асосан, ям-яшил қирлар, салқин ўрмонлар
ёки дарё бўйлаб кема сайридан олинадиган яхши кайфият сабаб
булар эди ва бу базмларда шеърхонлик, туркий ва форсийда айти-
ладиган мушоара ҳамда хонанда ва созандалар мусобақаси ўткази-
ларди.

У. Эрскин асарида юқорида зикр этилган фикрлардан ташка-
ри, Бобурнинг фарзандлари - уғил ва қизлари ва уларнинг тақдир
ҳақида ҳамда унинг хотинлари ҳақида қимматли фикрлар билдирил-
ган. Бобур салтанатига қарашли бўлган улкалар ва юртлар геогра-
фияси, уларда ўрнатилган бошқарув тизими, адлия иллари тизими,
солиқлар йиғиш тартиби ва миқдори, хусусий мулкка ва ерга эга-
лик қилиш тартиби, мамлакатлар ўртасида ўрнатилган алоқа

(почта) хизмати ва, ниҳоят, муомалада қўлланилган пул бирликлари ҳақида ҳам жуда қизиқарли маълумотлар келтирилган.

Инглиз тарихчиси Э.Строусенинг "Муғуллар империясининг шаклланиши" асари эса, муаллифнинг докторлик диссертацияси асосида тайёрланган монографик тадқиқот бўлиб, унда Ҳиндистон ярим оролида Бобурийлар сулоласи ўрнатган давлат тизими, ҳокимиятни бошқариш услуби ҳамда мамлакат ичкарисида ўрнатилган тартиб-қоидалар ҳақида, айниқса, Акбаршоҳ ва унинг бу борадаги фаолияти ҳақида қимматли фикрлар баён этилади.

Покистонлик журналист Каромат Алихоннинг "Тоҳур манзаралари" китобида эса, Темурийлар сулоласи вакиллариининг Ҳиндистон ярим оролига келиб келиши ҳақидаги тарихий маълумотлар келтирилиб, асосий эътибор Бобур, Ҳумоюн ва Ҳалонгир Султонлар томонидан бу улкаларда қўрилган тарихий ёдгўрликлар, осори атиқалар, масжид ва мадрасалар, яратилган боғлар ва очилган ариқлар, ҳақида фикр ўритилади, уларнинг бунёд этилиши тарихи, аҳамияти ва бу улкадаги маданий ва иқтисодий ҳаётда бобурийларнинг эгаллаган мавқеи ҳақида жуда қизиқарли фикрлар баён қилинади.

Шунчиси комилки, ақорида номлари зикр этилган асарлар яқин орада ўзбек тилига таржима қилиниб, улуғ Бобур шоҳ ҳақидаги илмий, адабий ва тарихий маълумотлар билан бизнинг билими-мизни тулғазигга ёрдам беради, оз булсада, баъзан учраб турадиган, Бобур ҳақидаги иқобий фикрлар гўё унинг ватандошлари томонидан атайлаб бўрттириб кўрсатилади, деган ғаразли уйдирмаларнинг асоссиз эканини исботлашга хизмат қилади.

Ғ.Эшонов,

(Андижон давлат тиллар
педагогика институти)

"БОБУРНОМА"ДА КОМИЛ ИНСОН ТИМСОЛИ

Ўзбек халқининг умулбашарий анъаналарига хос миллий ғазилатлари, урф-одату удумлари коммунистик мафкура соясида қолиб кетган эди. Республикамиз истиқлол йулига киргач, халқимизнинг серқирра маънавий маданиятини қайта тиклаш учун кенг имкониётлар очилди. Ҳумладан, жаҳон халқлари маданий раванқига бебаҳо қисса қувган буюк алломаларимиз маънавий меросини ўрганиш кенг қулоқ ёймоқда.

Бунклигини бутун жаҳон тан олган Ғаробий, Беруний, Дон Сино, Алиқер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби ғоят ноёб истеъ-
доа соҳиблари миллий маданиятимиёз пойдевориغا таъал тошини
қуйган эдилар. Уларнинг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қаралларини
кенг урганиш катта аҳамиятга эгадир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" асари Ғанининг
тарих, жуғрофия, адабиёт, тилшунослик, руҳшунослик каби жуда кўп
соҳалари учун бобало манба бўлиб хизмат қилмоқда. Унда Бобур-
нинг борлиқда, таънаг ҳодисаларига, ижтимоий ҳаётга бўлган
муносабати жуда кенг миқёсда ақс этган бўлиб, унинг фалсафий
позициясини, дунёқарашини белгилашга ёрдам беради.

Комил инсон маъни Бобурнинг ғазал ва рубоиларида бўлгани-
дек, унинг БН сида ҳам асосий уринни эгаллайди. Шахснинг моҳияти,
жамиятда тутган ўрни, ахлоқий нормалар, яхши ва ёмон феъл-атвор
намуналари аниқ мисоллар орқали баён қилинган. БН ни ҳеч икки-
ланмай Марказий Осиёдаги Уйғонинг даври кишиларининг қомуси деб
аташ мумкин. Чунки унда подшоҳлардан тортиб, давлат арбоблари,
суворийлар, дин арбоблари, шоирлар, деҳқонлардан иборат 1550 га
яқин кишининг номи тилга олинган, уларнинг жуда кўпчилигининг
шахс сифатидеги фазилатлари, феъл-атвори, яхши ёки ёмон хусусият-
ларига уз муносабатини билдирган. Бу ҳақда Бобур шундай деб
ёзади: "Лоҳарам ота-орақди ҳар яхшилик ва ёмонликким шое эди,
таҳрир қилдим ва қариндош ва бегонадан ҳар айб ҳунарким баёни
воқе эди, таҳрир айладим" (1960, 264-6).

Бобурнинг фикрича, комил инсон умумбашарий қадриятлар -
эътиқодлилиқ, яхши ҳушқилиқ, меҳр-шафқатлилиқ, билимли, ҳунар эгаси
бўлиш, маърифатлилиқ, покизалиқ, софдиллиқ, ҳалоллик, қаралиқ,
ҳафсалалилиқ, меҳнатсеварлиқ, яхшилиқ, ҳамиятлилиқ каби сифат-
ларга эга бўлган кишидир. Албатта, Бобур тилга олган шахслар-
нинг ҳаммаси ҳам ана шундай сифатларга эга эмас. Шунинг учун
ҳам у ўзи ҳикоя қилаётган шахснинг ижобий хислатларини зўр
эҳтирос билан таърифлайди, камчилиқ томонларини ҳам назардан
қочирмайди.

Масалан, Умаршайхни "баланд ҳимматлик ва улуг доъалиқ
подшоҳ" деб атайди ва ёзади:

"Ахлоқ ва атвори. Ҳанафий маъзаблиқ, покиза эътиқодлик
киши эрди, беш вақт намозни тари қилмас эди, умрий қазоларини
тамом қилиб эди... Равон саводи бор эди. "Ҳамсатайн" ва масна-

вий китобларни ва тарихларни ўқиш эди. Аксар "Тоҳнома" уқур эди. Таъби назми бор эди, вале шеърға парво қилмас эди" (64-б)

Умаршайхнинг адолати юксак мартабада эканлигини таъкидлаб, Бобур шундай далил келтирди: "Ҳитой қорвони келадурғонда Андижоннинг шарқий тарафидаги тоғларнинг тубида минг ўйлуқ қорвонни андоқ қор бостикиш, икки киши бутулди. Хабар топиб мухассиллар йибориб, қорвоннинг жамий жихотини забт қилди. Ҳар чандиким вориси ҳозир йўқ эрди, бозуқуди эҳтиёт сақлаб, бир-икки йилдан сўнгра Самарқанда ва Хуросондин ворисларини тилаб келтуруб, молларини салим топшурди" (64-б).

Умаршайхнинг яна қуйидаги фазилатлари Бобур эътиборини тортган эди:

"Бисёр саховати бор эди. Ҳулқидаги саховатича бор эрди, хуш хулқ ва ҳарроф ва фасиҳ ва ширин забон киши эрди, шужоъ ва мардона киши эди" (64-б).

Бобур Умаршайхнинг қомил инсонга хос бўлмаган сиратларини ҳам санаб ўтади: "бурунлар кўп ичар эди, сўнгралар ҳартада бир-икки қатла суҳбат тутар эди, хушсуҳбат киши эди... Ҳамиша нарда ўйнар эди, гоҳи қимор ҳам қилур эди".

Алишер Навоий Бобур наздидаги қомил инсон эди. У Навоий фазилатларини самийки ҳурмат, ғъзоз билан тилга олади:

"Алишербек назирини йўқ киши эди... Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаддий маълум эмаским, ҳаргиз пайде бўлиши бўлмай... Мунча бинойи хайр ким, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлиши бўлмай" (233-б).

Бобур ўз ўғли Муҳаммад Ҳумон ҳақида фахрданиб ёзди: "Ва алҳок, суҳбатта бебадал эрди ва инсонни қомилким дерлар, ушал эрди" (458-б). Отасининг бу фикрини "Ҳумоннома" асарида Гулбаданбегим ҳам тасдиқлайди.

Бойсунгур Мирзо, адолатпеша ва одми ва хуш таъб ва фазилатлик подшоҳзода эди (126-б).

Ғлубек, Абдурахмон Қомий, назшош Гулом Шодий ва бошқалар ҳақида ҳам самийки фикрлар баён қилинган.

Шуни таъкидлаш жоизки, БН да қомил инсонга хос бўлмаган феъл-атворли кишилар ҳақида кўпроқ ёзилган. Улар фисқ-фужурли, ичи тор, ичгиликбоз, ярамас ахлоқли, фитначи, золим, бефаҳм, бераҳм, бахил, фосиқ, нунофиқ, беҳунар, бевафо, ҳаромнамак, фахшгўй, бадзабон, беҳақиятлиқ атворига эга бўлган шахслардир. Масалан, дасан пўдуббек "кичик кўнгуллуқ, яхши таъблиқ, мардона" бўлиши билан

бирга "ичи тор, кам ҳафсала ва ғитначи" киши эди, "зулм ва фисқа қа кўп машғул" эди. "Муттасил чоғир ичар эди". Бобоҳули Бобо Аднобек "бенамоз эди, рўза тутмас эди, золим ва қорирбаш киши эди", Али Дуст тағои "ярамас ахлоқ ва атворлиқ, бахил, ғитначи, мунофиқ, худписанд, созуқ мезлик ва ҳаттиқ сўзлик киши" бўлган.

Айрим шахсларнинг номақбул сифатлари бир неча жумлада ифода-ланади. Масалан, Султон Аҳмад Мирзо "нимарса ўқугон эмас эди, оми эди".

Абдул Али тархон - зобит ва золим ва фосиқ ва мудамме ки-ши". Ёки сотқин бир навқар ҳақида шундай дейди: "Ғоятан ул муно-фиқи намакҳаром мардакнинг номардлиги эди" (112-б.).

"Ғозихонни қўрғонда тасаввур қилур эдук, ул беҳамият номард ота, оға, инисини, ва она, эгачи-синглини Милватта ташлаб маъдули биза тоғ сари қочиётур". "Бундай беҳамиятни кўрма, - дейди Бобур ғорс тилида келтирган рубоисида, - у ҳеч қачон хушбахтлик эзини кўрмайди" (329-б.).

Инсондаги барча салбий сифатлар Ҳисравшоҳ тимсолида гавдалан-тирилган, десак, нуболага бўлмас. Бобур ёзади: "Яна бир буқим, ўзиким нечук золим ва фосиқ эди, бек ва бекча ва навқар ва сав-дари тамом золим ва фосиқ эдиларким, Ҳисор эли, алалхусусе Ҳисрав-шоҳга тааллуқ эл ҳамиша шурб ва зинога машғул эдилар" (79-б.). Бефаҳм ва бевафо ва харомнамак Ҳисравшоҳ ўз валинеъматзоасини кўр қилганлиги ва яна бирини ўлдирганлиги учун "тенгри қошида осий ва халқ олдида мардуд бўлубдур. Домани қиёматгача лазнат ва нафрин сазовори бўлди" (84-б.). Бобурнинг фикрига кўра, бундай шахс ҳуқирон бўлган салтанатнинг обрўси бўлмайди. "Ҳисравшоҳ бадбахт, қофири неъмат салтанат дардагаси билаким, салтанат андоғ нокас, беҳунарларга не етгай!.." (126-б.)

Боқи Чоғиёнийнинг кирдикорларидан нафратланган Бобур унинг қилмишларини баён этиб, шундай хулоса чиқаради: "...анвои беа-даблиқлар ва ёмонлиқлар андин воқеъ бўлди. Хасис ва замухт ва ҳасуд ва бад андарун ва нотаъон бин ва камлуқ киши эди... ҳеч ким била соф эмас эди, ҳеч кимни кўра олмас эди" (217-б.).

Бундай кишилар Бобурнинг фикрича лазнатга лойиқдир.

Нихоят, "дилбар шахс, мард, тадбиркор одам" (Жавоҳарляъл Неру), "олижанобликда қандай хосиятлар бор бўлса, уларнинг барчасини эгаллаган, манглайига оксак фазилат битиб қўйилган" (Эдуард Хол-ден) Бобурнинг ўзи инсони комил эди. "Дар кимки менинг сарвак-

Telegram adress:

тимга тушти, илигиндин келганча туққонлиқни ва яхшиликни баҳо келтурдим... Барчани ўз туққонларимдин яхшироқ кўриб, риоят ва шарқатлар қилибтурмен", - деб ёзади Бобур ўз асарида (263-б.).

Мусаввиди авроқ (варақларни кўчирувчи) "Бобурнома" сўнгида унинг подшоҳ ва инсон сифатидаги саккиз хосиятини алоҳида таъкидлайди: нажҳати баланд эрди, химмати аржуманд эрди, маъмур-диг, адолатлилик ва ҳоказо.

Хулоса қилиб айтганда, Бобурнинг фалсафий-ахлоқий қарашларининг таҳлили шуни курсатадики, у инсонлардаги энг яхши ҳазилатларни улуғлади, кишиларни ёмон хулқдан сақланишга чақирди, яхшилик билан ёмонликни фарқлашга ундади.

Зокиржон Маъраб ўғли

(Андижон, Бобур илмий экспедицияси
бошлиғи)

БОБУР - САИЁХ ВА ТАБИАТШУНОС ОЛИМ

Захириддин Муҳаммад Бобур, ўзбек классик адабиётининг йирик вакили, аҳойиб шоир, тарихнавис ва табиатшунос олимдир. Унинг қомусий асари "Бобурнома" яратилгандан буён жаҳон эиёли аҳлининг диққатини ўзига жалб этиб, қарийб 500 йилдан буён урганилиб келинмоқда.

Биз "Бобурнома"да мавжуд, лекин шу кунгача олимлар наваридан бир оз четда қолиб келаётган соҳа - Бобурнинг табиатшуносликка оид фикрлари тўғрисида ўз мулоҳазаларимизни билдиришмоқчимиз.

БН асари муаллифи табиатшунос ва саиёх олим сифатида ўз берган ҳодиса-жараёнларни қўнчалик синчковлик билан кузатган ва ёритганки, уларнинг қўнчилиги бугунги кун илим-фан хулосаларига тўла инос тутади. Бобур давлат аросол бўла туриб, табиатшуносликнинг геология соҳасига тегишли аҳойиб маълумотлар қўларгани илим аҳлини таажжубга солади. Олим ҳар бир соҳани аниқ билишга интилаган. У яшаран ва ҳукмронлик қилган шаҳарлар Андижон, Добул ва Агра, шунингдек, бошқа бир қатор жойлар табиати, аҳолиси таркиби, кўнрофий тўзилиши, маъмурий бўлиниши, тоғлари, суғлари, водийлари ва усимлик қўнеси ҳақида қўтилмаган маълумотлар беради. Булардан ташқари, қавилма бойлиқлари, зилзилашунослик-сейсмология банига шоир тўшли ҳодисалар ҳақида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадиган, олимнинг бу фикрларидан мөн ўзининг илмий қимматини

нуқотган эмас.

Бобурнинг Фарғона водийси, Афғонистон, Ҳиндистоннинг геологияси, сейсмологияси ва фойдали қазилма бойликлари ҳақида ёзиб қолдирган маълумот ва материалларини туплаш, илмий тартиб бериш ва аъализ қилиб тегишли хулосалар чиқариш учун бир неча йуналишдаги илмий экспедициялар фаолият кўрсатиши лозим. Бобур Фарғона водийси атрофидаги тоғларда айниқса, Ёттикентда сочма ҳолда феруза ва темир конлари бўлиши мумкинлигини ёзади. Ҳозир геологлар, водийнинг шимоли-ғарбида ҳақиқатан темир конлари борлигини аниқлашган. Буларга Чокадамбулоқ, Ғова конларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистонда Ферузанинг 30 га яқин кон сифат маъдани бор. Уларнинг кўпчилиги Қурама тоғ тизмасининг жанубий ёнбағрида ва марказий Қизилқумда жойлашган. БН да Ўш шаҳри атрофидаги Баракўх (Сулаймон) тоғида қизил ва оқ рангда жило бералиган ажойиб тош борлиги, ундан ўша замонда ҳам пичоққа даста, камарга тўқа ва бошқа буюмлар ясалганлиги ҳақида маълумот бор. Ҳозирги текширишлар шуни кўрсатадики, бу тошдаги жило берувчи томирлар Кальций номли деярли юмшоқ, оқ рангли минераллардан ташкил топган. Қизил томирлар эса темир оксидлари таъсиридан рангланади. Бизнинг замонамизда бу тошдан қимматли қурилиш материаллари сифатида фойдаланилмоқда. Бобур Ҳужанднинг шимолида Муту-Гил (ҳозирги Оқур) тоғида феруза ва бошқа маъдан конлари мавжуд деб таъкидлайди. Дарҳақиқат, ўша жойларда ферузадан бошқа яна кўрғошин, руҳ, кумуш, олтин, вольфрам каби маъданлар борлиги аниқланган. Улуғ ватандошимиз Афғонистон замини, унинг ер усти тузилиши ва ер ости бойликлари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар беради.

Чунончи БН нинг 193-бети (1960) да "Қобул вилоятида 14 туман бор. Гурбанд туманидаги тоғларда кумуш кони ва Ложувард кони бўлур", деб ёзади. Ҳозирги кунда Афғонистонда соф кумуш кони эмас, балки олтин конлари борлиги аниқланган. (Бадахшон ва Ғазна вилоятларида). Аммо, табиатда кумуш асосан олтин ва кўрғошин-руҳ маъдани таркибига ҳамроҳ элемент сифатида учрайди. "Ложувард" деб аталувчи кўк рангли қимматбаҳо тош Бадахшон (Помир) тоғларида маълум. (Масалан, Сирисанг кони) Ўзбек лексикасида қадимдан сақланган "Лаъли Бадахшон" ибораси ҳам шу жойга дахлдордир. Бу жойда Ложувард билан бир қатор кам миқдорда ёқут (лаъл) деб аталмиш нафис тош ҳам бор. Нуристонда эса

Зумрад кони очилган. У камёб элемент -- берилий хон ашёси сирати-да хизмат қилади. Бу борада БН нинг 350-бетида қуйидаги тафсилот бор: "Латофатеким, Ҳиндистонда бор, -- улуғ вилоятдир. Ба олтин ва ярмоғи (кунуш) қалин бўладир". Дарҳақиқат, бу мамлакат олтин конларига эга. Шулардан энг муҳимлари -- Қолар ва Хаттия конларидир (Майсур штати). Қоларда олтин маъдани 3100 метр чуқурликдаги шахтадан олинади. Нодир ва қимматбаҳо тошлар, шу қаторда олмос конлари ҳам мавжуд.

Ҳиндистондаги қатор фойдали қазилмалардан хусусан -- темир, күмир, боксит муҳим урин тутаси. Муаллиф асарида минерал хон ашё хусусида айтилган фикрлари 338-342-бетлардан урин олган бўлиб, "Аграда ҳиндулар уз ризолари билан қалин жавоҳир ва жаров Лумонга пешкаш қилур. Бу жумладан бир ашхар олмос эдиким, бир муқай-йим, шунинг қийматини тамом оламнинг икки ярим кунлик харжи деб-тур, голибо саккиз мисқолдур". Дарҳақиқат, бутун оламга машхур бўлган "Қухинур" деб аталмиш 787 карат оғирликдаги бриллиант Годовари ва Киришина дарёлари ҳавсаларидан топилган бўлиб, Бобурийларга совға қилинган, асрлар тавомида қулдан-қулга утиб, ниҳоят, 1849 йили Ост-Ҳиндия компанияси ихтиёрида қолган ва 1850 йили Англия кироличеси Викторияга совға қилинган бу бриллиант Англияда шу кунга қадар сақланиб келинмоқда.

Бобур табиат муъжизаларини урганар экан, тоғларнинг ташқи кўринишида бир-биридан фарқи борлигига эътибор беради. "Қобул вилоятининг шарқ тарафидаги тоғлари икки турлукдир, Андрооб, Хоса ва Бадохшанот тоғлари арчалик, қалин чатмалик ва эмшоқ тоғлардир. Нихран ва Памгонот-Батур, Савад тоғларида ути қалин, лекин тоғи баланд бўлмасе ҳам, йирик тошлик, от билан уриб бўлмас" (198-бет).

Биз Бобур қадамжойлари бўлиб сафарда бўлган вақтимизда, ёқорида таҳлил этилган геологик жараёнларни кўришга ва кузатишга муяссар бўлдик. Геология фани, қайси бир тоғ серчалма бўлса, бу ерда тектоник жараёнлар кўпроқ ривож топади деб ургатади. Маълумки, серчалма жойлар сердарахт бўлади. Тоғларнинг ларз кетиши оқибатида тошлар майдаланади, нураш юз бериб тоғ емирилади (Андрооб, Хоса, Бадохшанот тоғлари).

Тоғлар ўз ранги билан бир-биридан ажралиб туриши ҳам Бобур диққатини жалб қилади: "Урванинг (Мултон вилояти) уч тарафи тоғ зоқиъ бўлибтур. Тошнинг ранги Биёна тошларидек кизил эмастур, бир нима берангроктур". Сафар чоғида биз Мултон вилояти-да бўлиб, бу ердаги тоғларнинг табиий ранги турланиб туришига

туғри баҳо берилганига имонимиз комил бўлди.

Буюк сиймо ижодида характерли нарсалар шундан иборатки, у ҳарбий юришларда ўзи билан бирга замбараксозларни ҳам олиб ўрган. Улар зарур бўлган чоғда замбараклар кўйиб тайёр қилганлар. Лекин БН да қуролини кўйиб учун қарақли хом ашёнинг қаердан келтирилганлиги ҳақида хабар йўқ. Шубҳасиз, маҳаллий хом ашёдан фойдаланилгани аниқ. Чунки "огир юк"ни - хом ашёни сафарда олиб юриш амри маҳол.

Бобур ўз салтанатига қарашли ерлар жўғрофиясини яхши ўрганган сайёҳ табиатшунос олим сифатида БН да мингга яқин жўғрофий атамалар - мамлакатлар, шаҳарлар, қишлоқлар, қалъалар, тоғлар, довонлар, дарё-сойлар номларини келтиради. Бобур ўзи қурган зилзилалар ҳақида ёзар экан, зилзила оқибатини ҳам таърифлайди (216-бет). У ўзи қурган қандаҳор, Чандавал (жанубий Афғонистон) зилзилаларининг гувоҳи сифатида уларнинг оқибатини ўрганишга киришади ва худди мутахассис каби ёзади. Зилзила марказида бир парча ер узилиб бир ўқ отими масофага учиб бориб тушган ва узилган жойдан булоқ пайдо бўлиб, бир газ кентликда ер ёрилган. "Бир ёнбағирдан тошлар отилиб иккинчи ёнбағирга тушган. Кўп уйлар йиқилиб улганлар бисёр бўлди" деб таърифлайди Бобур. Бу табиий офатнинг кўпгина хусусиятларини ҳар томонлама ёритиб, Сейсмология фанининг макросейсмика соҳаси талабларига мос ахборотлар қолдирган. Бу маълумотларга қараганда, Бобур таърифлаган зилзила, Шарқий Оврупада қабул қилинган 12 балли зилзила жадалига кўра 9=10 баллга етган, деб тахмин қилиш мумкин.

Бобур номи Мовароуннаҳр, Афғонистон ва Ҳиндистон жўғрофиясини, табиий бойликларини, бу ердаги геология-сейсмологияга оид табиий жараёнларни ўзбек тилида илк бор ёзган улуғ табиатшунос олим сифатида ҳам тарихда қолади.

Қ.Жураев,

С.Раҳимов,

(Анджон Давлат тиллар педагогика институтининг профессорлари)

БОБУР ҲАЖАМИНИ РУС ТИЛИДА

Заҳриддин Муҳаммад Бобур шеъриятининг жаҳоншумул аҳамияти ҳақида гапирганда унинг рус тилига қилинган таржималари борасида индамай бўлмайди. Биз бу ерда икки хил: ҳам назарий, ҳам амалий тарафдан фикрлашни мақсадга мувофиқ деймиз.

Таржимон олдидида кўндаламг бўладиган энг кийин масалалардан бири - рус ва ўзбек классик шеърляти, улардеги вази бирлик-лари, шеърларнинг синтаксиси ва мисралар тузилишидаги ўзаро нисбат муамносидир. Маълумки, таржималарнинг тулақонли бўлиши ни таъминлаш учун давр рухини акс эттириш ҳам зарур. Бунинг учун классик шеърлятига муқобилликни қадимги рус шеърлятидан қидирамиз. Қадимги рус поэтик системасида шеър фақат В.К.Третьяковский давридаги ургули ва ургусиз деб номланган чўзиқ ва қисқа бўгинлардан иборат бўларди. Рус, Парк, хусусан, қадимги ўзбек наъмида шеърнинг вази бирлигини аниқлаш учун у замзама билан ўқилар ёки махсус белгилар билан туроқларга бўлинарди. Бу ерда вазнинг асосий мезони бўтинга бўлиш эмас, балки бўгиннинг узун-қисқалиги ҳисобланарди. Бу Европа ва Парк поэзиясида тарихан шартланган муштарак ҳодиса эди. Демак, шу мезон назарда тутилса, ўзбек классик шеърляти, жумладан, Заҳриддин Бобур наъминини рус тилига ўгириш учун маълум даражада қулай шароит йзага келади. Рус шеърлятида муаннасий қория /клаузула/ деб номланган - сўзда ургуунинг охиридан иккинчи хижога тушиши - бирданнига иккита қориядош сўзининг келиши жўда кам учрайди. Бунда кўп ҳолларда охириги хижога ва охиридан иккинчи хижога тушадиган ургули сўзлар алмашииб келади. Бу қонуният, айтайлик, "рубоний таржимасига мутлақо тўғри келмайди, чўнки рус лирик поэзиясида мисралар а-б-а-б типиде алмашииб, а-б-б-а тарзида боғланииб, а-а-б-б мақомиде муфтланииб келади. Қориянинг қўрсатилган турларидан бирортаси ҳам а-а-б-а ёки а-а-а-а формуласида анъанавий қорияланадиган рубоний мисралари тузилишини қоплай олмайди. Муфтланма /а-а-б-б/ ва боғланма /а-б-б-а/ қориялар ҳам бизга тўғри келмайди, зеро, иккада-рус ва Парк шеърлий асарининг синтактик структураси, мисралар тузилиши ва маъно доиралари бутунлай ўзгача бўлади. Демак, бу таржимон учун ноқулайлик яратади. Ўбу вазият масалани ижодий ҳал қилишни тақозо этади.

Бобур рубонийети рус тилига, асосан, Лев Пенъковский ва Наум Гребневлар тоҳонидан ағдарилган. Таржималарнинг аслият билан киёси шўни қўрсатадики, рубоний вазнини акс эттиришда ҳар икки шоир ўзича йул тутадилар: Наум Гребнев 4-5 туроқли ямб ва хорей билан, Лев Пенъковский эса аксар 7 туроқли ямб билан ўгиради. Бобур рубонийетининг салмоқдорлиги, тантанавор оҳанги ва мусикасини эътиборга олсак, Пенъковский усули анча тўғри ва махсуддорга ўқшайди, чўнки унинг таржимаси билан аслият муси-

қийлиги маълум даражада мутаносиб. Русча и с к а н д а р и я
ва парқона шеърларнинг бу ўзига ҳос "дурагайи" Бобур рубоийлари-
нинг ҳазажи аҳраб ва ҳазажи аҳрам бяхрига мос келади.

Қиёслаймиз:

Қунгли тилаган муроцига етса киши.
Ў барча муродларни тарк этса киши.
Бу икки иш муяссар ўлмаса оламда,
Бошини олиб бир сорига кетса киши.

Таржимаси:

Желанной цели должен ты добиться, человек.
Иль ничего пускай тебе не снится, человек.
А если этих двух задач не сможешь ты решить -
Уйди куда-нибудь, живи, как птица, человек.

Таржимада асл нусхадагидек, рубоий уч бор қайтарилаётган
киши - чөлөкк радири билан тугалланади. Ҳар бирида қория сақлан-
ган: аслида - етса, этса, кетса, таржимада - добитсья, не
снится, птица..

Бобур ўз рубоийларида охирги сўзнигина қорилламайди. Унинг
рубоийларида баъзан бутунлайича барча сўзлар қорияланиб келади.
Агар таржимон моҳир бўлса, уни ўгиришда асарнинг шу хусусияти-
ни сақлай олади. Акс ҳолда, тўртликнинг шакли ва мазмун бирлиги-
га шикаст етади. Тўғри, бундай хушбичимликни айнан бериш муш-
кул, лекин камолотга интилиш маҳоратнинг шартлабидан биридир.
Бобурда шундай рубоий бор:

Рафторию қаддига равоним садқа.
Бир боқишига икки жаҳоним садқа.
Оғзию белига буду набудим саро,
Кўзию лабига ҳисму жоним садқа.

Рубоийда садқа радиридан ташқари равоним, жаҳоним, набудим,
жоним; қаддига, боқишига, белига, лабига; рафторию, оғзию,
кўзию..., хуллас, ҳамма сўзлар оҳанглош ёҳуд маънодош. Д.Нень-
ковскийда "ей в жертву принести" қайтарилиб, "рад", "взгляд",
"стократ" ҳамда "душу", "лишь" ва яна бир "душу" сўзлари товуп-
лар нисбати эътиборила жаранглош. Таржимада унчалик ёппасига
қорияланиш йук:

За эту поступь душу рад ей в жертву принести.
Два мира за один лишь взгляд - ей в жертву принести.

Басе бытие с небытием — таким губам цена,
Я плоть и душу рад стократ ей в жертву принести.

Бу ерда: учинчи ва олтинчи турори пиррихийдан иборат етти туроқди ямб. Агар яна рус классик шеърини та мувожаат қилсак, Пеньковскийда, тахза метрдагидай, мисралар ҳар бири цезура билан аъратилган иккитадан синтактик муस्ताқил қисмга бўлинади ва ҳар бир булақда пиррихий кучли ургули туроқдан олдин келади. Шеърнинг цезура билан чегараланиши "ей в жертву принести" қайтариқ биткимасидан олдин ёки саккизинчи бўғиндан кейин келади. Рафторини қаддига, бир боқисига, оғзига белига, кўзига лабига қилинаётган сазда — қурбонлик "қиймати" ҳам асосан тўғри.

"Бисю коним" — "плоть и душу" деб жуда яхши ўғирилган.

Бироқ ҳамма ерда ҳам иш осон кўчавермайди. Масалан:

Ишванг билан гамзангнию нозингниму дей?

Завринг билда сўзингу гудозингниму дей?

Сўзунг, қилигинг, навозизингму этай.

Овсозу, усудингнию созингниму дей?

рубойсининг таржимасида Л. Пеньковский шеърдаги барча жис-туйғуларни, услубий самараларни, ҳар бир сўзининг салқорини тўлаллигича ойдинлаштириб бера олмаган. Асл нусхадаги 18 та сўздан бирдай қайтарилаётган бешта дей, билан сўзларидан ташқари, 12 та қорияланган ёки оҳангдош. Агар рубой сўзма-сўз таржима қилинса, шундайгича булади:

Сказать об игривости и кокетстве твоих?

Сказать о том, что мучаешь, заставляешь страдать?

Сказать ли о речи, проделках и ласках твоих?

Иль сказать о голосе, об игривости, о лире твоей?

Л. Пеньковский таржимаси:

О сердце ледяном, что жжет сильнее печей, сказать?

Иль об игривых огоньках твоих очей сказать?

О сладком пении твоем, иль об игре твоей,

Иль может быть, о сахаре твоих речей сказать?

Таржиманинг тағламаси билан қийси кўрсатилгани, асар мазмуни билан бўлишига қарамай, 18 та сўз рус тилига худди асл нусхадегилек қорилас қилиб ўтирилмаган. Албетта, рус таржимонидан классик асарнинг барча томонларини тенгма-тенг, аниқ қайтаришни ёлғиз талаб қилиш имсофдан эмас. Бунинг иложи ҳам йўқ. Бундан базилатда мукамал шеърини таржиманинг муҳим мезони сифатида

кориялар вобасталиги, маънонинг аниқлиги, рафилар мавжудлиги, шеър оҳангги ва лирик сазнинг сақланишини айтиш мумкин.

Худди шу рубоий Н.Гребнев таржимасида Л.Пеньковский таржимасига қараганда енгил, хушбичим кўринса ҳам, унда кўп нарса йўқотилган. Рубоийнинг мағзини ташкил қиладиган ишва, рамза, ноз, жавр, сўз, гудоз, қилик, навозиш, овоз, усул, саз сўзларидан фақат иккита – ишва ҳамда овоз сўзларигина сақланган.

Ҳисланг:

- О голосе твоём я людям не скажу.
- О взгляде дорогом я людям не скажу.
- Как ты мила, о том я людям не скажу.
- Что я горю огнем, я людям не скажу.

Аслиятни угириш зарур /!/булса, бунга яна нақ ун бир сатр керак.

Ҳамидулла Болтабоев

(Андижон Давлат тиллар
педагогика институти)

"БОБУРНОМА"НИНГ ТУРКЧА ТАРЖИМАСИ

Бурук жаҳонгавта асар "Бобурнома" ёзилганидан қарийб 400 йилча фурсат утгач, асар ёзилган тилга қариндош бўлган туркий тиллардан бири Туркия туркчаси /баъзилар усмонлича атайдилар, бироқ турк олимлари бу истилоҳни XX аср ҳозирги турк тилига нисбатан қўллашдан воз кечганлар/га таржима қилинди. Бу ишни йирик бобуршунос олим проф. ҳикмат Бойир даъвати билан турк-ўзбек мумтоз адабиётининг билимдонларидан проф. Рашид Раҳмати Орат жаноблари амалга оширди. Биз қисқа маълумот бермоқчи бўлганимиз бу нашрнинг лавҳаси шундай: "Ғози Заҳириддин Мухаммад Бобур – Вақоий, Бобурнинг хотироти. Шарқий туркчасидан проф. Р.Раҳмати Орат таржимаси. Сўз боши ва тарихий узет /справка/ муаллифи проф. ҳикмат Бойир. 2-нашри, Турк тарих қуруми босма уйи, Анқара, 1987."

А с а р м у н д а р и ж а с и. Ҳитоб икки милддан иборат бўлиб, унинг тартиби шундай: I милд, Сўз боши 01-021-саҳифалар, икки ҳисидан таркиб топган тарихий справка – 022-0133-саҳифалар /муаллифи д.Бойир/. Таржимон сўз бошиси – 0133-0143-саҳифалар. Вақоийъ. I бўлим – Варғона, I-I23-бетлар /асл матн алоҳида

саҳифаленган/. Илова - Темур Курагон ва Чингизхон сулоласининг схемаси. Ҳар икки сулолани Бобуршоҳ бирлаштиради.

II жилд. Бобурнинг Тупқоли саройи /Истанбул/ музейидаги миниатюраси. Асосий матн - II бўлим, Қобул, 129-284-бетлар. III бўлим. Диндистон, 285-432 бетлар. IV бўлим. Иловалар /Таржима Қозон босма напри асосида тўлдирилган/. Шах ва жой, номлари кўрсаткичи, Бобур қўллаган истилоҳ ва таъбирларнинг алифбо тартибидаги лугати /Нотлар/. Иқтибослар, яъни Бобур келтирган туркча, форсча ва арабча шеърини парчаларнинг мазмуни ва, ниҳоят, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари /Бобур бўлган жойлар/ харитаси келтирилган. Нашрнинг умумий ҳажми - 43 босма тобқдан муҳроқ.

Т а р ж и м а г а а с о с бў л г а н м а н б а л а р .
Таржимага Бобур даврига nisбатан яқин замонларда номалум котиб томонидан дайдарободда кўчирилган нусха асос қилиб олинган. Бу нусха факсимиле усулида 1905 йили Лондонда қайта нашр қилинган. Таржимоннинг фикрича, бу фотонусха бўлгани учун ҳам унда янглишлар nisбатан ҳам ва тил жиҳатдан эски /яъни Бобур даври тилига яқин/. Таржимон машҳур бобуршунос А.С.Беверидге /Беве-риж/ мана шу матн асосида 1922 йили асарни инглиз тилига таржи-ма қилганини айтади.

Ҳарчи бу даврга қадар "Бобурнома" бир неча хорижий тиллар-га /инглизчага 1826 йили, немисчага 1828 йили, сўнгра Қозон нусха асосида 1871 йили фарангчага/ таржима этилган бўлса-да, уларнинг ҳеч бири дайдаробод нусхасига таърич матн сифатида қарашмаган. Бу таржималар асосида Шоҳ Акбар даврида Абдурахмон томонидан форсчага ўтирилган нусха ўтади. Таржима жараёнида 1857 йили Н.Ильминский томонидан нашр қилинган, тарихга Қозон нусха номи билан кирган нашр билан солиштириб иш қурилгани таржимоннинг сўз бешисидан маълум.

Т а р ж и м а н и н г а ф з а л л и к л а р и .

Асар ҳозирги замон турк тили - Туркия туркчасининг Истан-бул лаҳжаси аталмиш ўрта турк тилига яқинроқ тилда таржима этилгани учун барча таркий ҳалллар /жуиладан, ўзбеклар/ учун ҳам тушунилиз енгиллашади. Тили содда, услуби текис ва раван. Масалан: "жанубий тарафидеги қасабалардан бири Андижондурким, васақта водеъ бўлубтур, Фарғона вилоятининг пойтахтидур" /"Бо-сурнома", Тошкент, 1960, 60-бет/ - Андижон, жануб тарафиндаки қасабалариндин бири улур, ўртададир ва Фарғона вилоятинин пай-тахтидир" /"Заврайъ, ... Бобурнинг хотироти, I-бет/. Таржимон

латто Бобур таъбирларига муқобил суз танлашда ҳам туркий тилларда кенг тарқалган сузлардан фойдаланиш. Асар, руҳини берил учун Бобур таъбирларининг аслини эъланганда эса, шу кун ушун нисбатан тушунмасиз бундай сузлар лугатини алифбо тартибиде илова қилдиш...

Таржима жараёнида асосан, икки нусха манабалар чоғиштирилиб, қавс ичиде дайдаробод нусхасининг саҳифалари рақамлар билан, қозон нусха саҳифалари эса, рақам ва харфлар билан /I а, I б, тарзда/ келтирилган. Таржимоннинг бу заҳмати ҳар икки матни қиёсий ўрганувчилар ишини енгилаштиради. "Бобурнома"нинг 1960 йилги ўзбекча нашрида Порсо Шамсиев ана шу йўлдан бориб, ҳар икки нусхани баробар қиёслаб, нашрга таяёрлаган.

Асарда келтирилдётган иқтибослар /шеърий парчалар/ кўрсаткичи куп нашрларда учрамайдиган ҳолдир. Таржимон форсча ва бошқа шеърий парчаларни араб ёзуви билан /яъни, аслида/ ўша саҳифа ичиде келтиради ва туркчага таржимасини ҳам беради ва буларни қиёсий ўрганиш, ҳатто таржимашунослар учун таржиманинг сифатини ўрганиш қулай бўлсин учун китоб охирида иқтибослар кўрсаткичи бериледи. Таржима матни "Вақоийъ"нинг асл матни билан, унинг бошқа таржималари билан солиштирилса, таржимашунослар учун ҳам, қариндош тиллар тадқиқотчилари учун ҳам, айниқса, Бобур ижодий мероси билан қизиқувчи олимлар учун тадқиқот материали бўлиши мумкин.

... н у қ с о н л а р и. Асарнинг дайдаробод нусхасида 936 /1529/ йил воқеалари тула эмас. Таржимон бу ўринда қозон босмадаги воқеалардан олиб таржима этган, бироқ бош тула эмас. Нашрдаги бу хатоликни П. Шамсиев сезган бўлса керакки, у "Бобурнома"нинг 1960 йилги нашрида бу бошни нисбатан тула беришга интиланган. Асарнинг форсий таржималари, айниқса, Абдурахмон томонидан утирилган, нисбатан, тулик нусха назардан қочилган бўлса керакки, форсча нашрдаги иловалардан таржимон деярли фойдаланмаган кўринади. Хусусан, ўзбекча нашрига илова қилинган "Бобур қул остига кирган жойлар даромадининг ҳисоби ва "Бобуршоҳ фармони" нашрга киритилмаган.

Айрим уринларда тил соддалигига интилиш натижасида матнга лутур етган. Дой номлари берилишида ва уқилишида /айниқса, динистонга тааллуқли/ янглишлар учрайдики, бундай камчилик ўзбекча нашрида ҳам бор. Дижрий-қамарий йил ҳисоби /кун ва ой ҳисоби-да/ни мелодий йилга кучиришда моаниқликлар ҳам маъжуд.

З а р у р л и г и . Бу таржима Туркияда нашр қилингунга қадар, "Бобурнома"нинг тўла матни ҳеч қайси туркий халқнинг қўлида оммавий нашрда йўқ эди. Қўлёзма, тош босма ва литография усулида тарқатилган нусхаларда хатоликлар жуда сероб бўлиб, улар асар ҳақида янглиш тасаввур бериши мумкин эди. Бобурнинг ўз тилидаги нашри ҳам унинг ватанида, бу нашрдан 5-6 йил кейин амалга оширилди. "Бобурнома"нинг ўзбекча нашрида куплаб форсий ва арабий ифодалар, эскирган сўзлар мавжуд бўлиб, буни барча туркий халқлар ҳам ҳозирча ўқиб тушуна оладиган даражада эмас эди, шунинг учун ҳам бу нашр турк дунёси учун катта амалий ёрдам бўлди.

Таржима жараёнида асарнинг барча таржималари тажрибаси умумлаштирилди, гарчи Бобурнинг ўз лаҳжасида бўлмаса ҳам, унга томирдош бўлган тилда биринчи марта танқидий матн яратилганга интилиш сезилди. Илмий жамоатчиликка асар ҳақида нисбатан тўла маълумот бериш мақсадида асосий матнга илова сифатида лўғат ва шарҳлар яратилди.

А ҳ а м и я т и . Ушбу нашр ва таржиманинг афзалликлари ўзбек матншунослари учун ҳам ўзига хос урнак саналади. Асарнинг тўла ўзбекча нашрлари /1948-49, 1960/ вужудга келишида турк олимлари тажрибасидан фойдаланилди. Бу нашрни изчиллик билан урганиш ва босқача нусхалар билан солиштириш Бобур ватанида, Бобур тилида унинг шоҳ асарининг танқидий матнини тайёрлашда асқотиши мумкин. Турк олимлари гарчи ибтидоий тарзда бўлса-да, бу нашрда "Бобурнома"га қирмай қолган йиллар воқеаларини тиклашга уринганлар.

Нашрдаги изоҳ ва сўзликлар кейинроқ ўзбек тилида "Бобур асарлари лўғати" /тузувчи Ҳ.Назарова/ вужудга келишида ҳам ёрдам берган.

Ансориқдин Иброҳимов
(Тошкент Давлат Шарҳшунослик
институтини)

"БОБУРНОМА"НИНГ ҚИСҚИЧА ТАРЖИМАСИ ҲАҚИДА

Заҳриқддиқ Муҳаммад Бобурнинг шоҳ асари бўлмиш "Бобурнома" 15-асрнинг охири, 16-асрнинг биринчи чорағида Мовароуннаҳр, Хуросон, Афғонистон, Ҳиндистоннинг ижтимоий-сиёсий аҳволи, иқтисоди, ҳуқуқдорияси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳақида муфассал маъ-

лумот берувчи ноёб асардир. Таъбир жоиз бўлса, бу комусий асар камида учта комусдан - Мовароуннахр, Афғонистон ва Ҳиндистон бўйича комуслардан иборат. Бу асарга қизиқишни унинг куплаб тилларга қилинган таржималари ва нашрларидан билса бўлади.

БН ни дунёга машҳур қилишда инглиз шарқшунослари бениҳок катта роль ўйнаган. Жон Лейден ва Виллям Эрскинлар 1826 йили Лондонда асарнинг инглиз тилидаги биринчи тўлиқ нашрини чоп эттиради. Шунини таъкидлаш лозимки, Англиянинг узидагина БН нинг 9 наشري чиққан. Лейден - Эрскиннинг наشري асосида 1845 йилда Р.Калдекотт қисқартирилган наشريни чоп эттиради. 1879 йилда Ф.Тэлбот эса Лейден-Эрскин нашининг иккинчи қисқартирилган вариантини нашр қилдиради. Бундан ташқари яна бир қатор нашрлар ҳам чиққан. 1921 йилда А.Бевериж хоним инглиз тилида иккинчи тўлиқ наشري чиқаради. Лейден-Эрскиннинг тўлиқ таржимаси форс тилидан қилинган бўлса, А.Беверижхоним уни асл нусхадан - туркийдан таржима қилган.

Лейден-Эрскин таржимаси биринчи тўлиқ таржима бўлгани учун баъзи бир камчиликлардан холи эмас. Бу табиий ҳол ва бу нарса ушбу нашрнинг аҳамиятини асло камайтирмайди. А.Бевериж хоним бу таржима ҳақида бундай деб ёзади: "Бу /таржима/ қарийб бир аср мобайнида инглиз китобхони учун Бобур ҳаёти билан танишадиган дастлабки ва яққал ягона манба бўлиб хизмат қилиб келди".¹

1909 йилда Лейден - Эрскин таржимаси асосида Ф.Тэлбот иккинчи қисқартирилган наشريни чоп эттиради. Ҳиндистон Адабиёт Академияси БН ни Ҳиндистон Конституциясида тан олинган барча тилларга таржима қилишга қарор қилган ва таржима учун худди шу Ф. Тэлбот наشري танлаб олинган. Бу асар маратхий, синдхий ва ҳиндий тилларига аллақачон ўгириб бўлинган. "Бобурнома"ни Ҳиндистоннинг давлат тили бўлмиш ҳиндий тилига таниқли таржимон Йугжит Навалпурий таржима қилган. Китоб 1974 йилда Янги

1. Шукуруллаева С.И. - "Воссоздание художественного своеобразия "Бабурнаме" в его английских переводах. /Дж. Лейдена-У.Эрскина и А.Беверидж/ Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. Ташкент - 1989, 38 с.

Telegram adress:

@turkiston_kutubxonasi

саклаш жонзмикин?!

Географик номларни берилда ҳам номувофиқликлар анчагина: "Тарозкент" урнига "Утрор", жуда кўп тарихий ваҳарлар русчада бузилиб берилган: Фанокат - Финакет ва. хоказо.

Айрим фактик хатоликлар ҳам учрайдики, бунинг натижасида бир уринда, масалан, Қутлут Нигор хонимнинг отаси Ёнусхон Чигачой тойхоннинг ўғли булиб чиқяпти. (19-бетга қаранг).

Бу каби номувофиқликлар таржимада анчагина булиб, у "академик" нашрнинг ҳуснини бузади, асарнинг тили ва мазмунини чучмаллаштиради. Бизнингча, кўп воқеа ва ҳодисалар кутлақ янгича талқин этилаётган бугунги кунда БН ҳам зарурат туғилса, русчага нисбатан илҳилроқ қилиб қайта таржима қилинишга муҳтож.

Исмоил Тулаков
(Андижон ДУ)

ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА БОБУР ОБРАЗИ

Тарихда шундай алломадар бўладики, уларнинг доно фикрлари барча замонларнинг барча халқлари учун баббаравар хизмат қилаверали. Уларнинг асрлар оша бахш этиб келаётган нурлари қалбимизга маънавий мадад бериб, бизни ўтмиш ва келажак билан боғдайди.

Аллома кишилар образларини яратиб адабиётда катта анъана тусини олган. Беруний, Абу Али ибн Сино, ал-Хоразмий, Улуғбек, Навоий, Нодира, Ғурқат, Муқимий ҳақидаги асарлар ўзбек адабиётининггина эмас, балки барча туркийзабон халқлар адабиётининг ҳам дурдоналарига айланди.

Шуролар замонида тарихга ва тарихий шахсларга баҳо беришда доим ҳам тўғри йўлдан борилмади. Тарих замон ва сиёсат манфаатларига бўйинсундирилиб, унинг арзон дастёрига айлантирилди. Тарихга оид китоблар бешафқат таҳрирлардан кейингина чоп этилдики, унда рост ҳақиқатдан кўра ёлғон тўқима ҳукмронлик қилди.

Айрим тарихий шахслар фаолияти бирга томонлама баҳоланиб, уларнинг нуқсонлари ҳаддан зиёд бўрттирилди, ытуқлари эса тилга олинмади. Ўтмишга бундай муносабат маъқуранинг бир қатор соҳаларида, чунончи, бадий адабиётда ҳам ўз илҳарини қолдирди. Темур ва темурийларга бағишланган асарларда Ёсқинчи, қонхўр деган тамғалар сезиларли ўрин тутди. Уларнинг ўзаро ички қон

тўқилларни олдини олиш мақсадида ободончилик, маърифат йулида олиб борган ишлари тан олинмади, натижада ҳозирги авлод улар ҳақидаги ҳақиқатни билишдан маълум вақт маҳрум бўлдилар. "Самарқанд осмонида олаузулар", "Синган қилич" каби асарларда тарихий ҳақиқатнинг бузиб кўрсатилганлиги эндиликда оддий китобхонга ҳам дён бўлиб қолди.

Тарих ҳолиселикни ёқтиради. Ортиқча танқид ҳам, мақтов ҳам ҳақиқатга зиддир. Шундай экан, баъдий асарларда тарихийлик ва замонавийлик қоидаларига қатъий амал қилиш ҳар бир санъаткорнинг бурчига айланмоғи керак. Афсуски, кўпгина ҳолларда бундай бўлмади. Ҳукмдорларга қора бўёқлар чаплаш; уларни замондош алломаларга қарама-қарши қўйиш, жоҳил сифатида тасвирлаш ҳоллари кучайди. Бу нарса, айниқса, "Алишер Навоий", "Мирзо Улуғбек" каби саҳна асарларида ҳам учрадики, буни давр билан боғлиқ нуқсон сифатида қараш тўғрироқ бўлур эди.

Айрим тарихий шахслар ҳақида илмий-баъдий асарлар яратиш расман бўлмаса-да тақиқланди. Яратилганлари ҳам узоқ вақт чоп этилмади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақидаги асарлар даврнинг ана шундай қийноқларини бошидан кечирди. Тазйиқ исканжасида яшаган ижодкор эса ҳақиқатни бутун борлиғича айтиш имкониятига эга эмас; қайсидир томонлари ҳақида оғиз очмасликни, қайсидир жиҳатларини бошқачароқ бўёқлар билан бежашни маъқул кўрадилар. Айтиш зарур бўлган узак ҳақиқатни эса рамалар воситасида ифода-лашни унғай деб билладилар.

Бу уринда ижодкорнинг раисий тимсоллардан фойдаланишига эътироз билдиришдек хато қарашдан тамоман йироқмиз. Ҳақиқатни айтиш ижодкорга барча замонларда ҳам осон бўлмаганлигини таъкидламоқчимиз, холос.

Бобур фаолияти жаҳон адабиёти намояндаларининг диққат марказида бўлган. У ҳақда ҳинд, афғон, инглиз, америка ижодкорлари баъдий салмоқ жиҳатидан турли савиядаги асарларни яратганлар. Бобур образини яратишга интилиш узбек адабиётида 30-йилларда бошланган бўлса-да, 70-80-йилларга келиб сезиларли тус олди. П.Қодировнинг "Олаузли тунлар" романи, Б.Бойқобиловнинг "Қун ва тун" шеърий қиссаси, А.Султоновнинг "Саодат соҳили" қиссаси эзгу мақсад йулидаги дастлабки қадамлардан бўлди. Дар учала асарда ҳам Бобур фаолияти умуман қамраб олишга, унинг саркардалик салоҳияти-шоирона истеъдодига асосий диққатни қаратишга ҳаракат қилинади.

Бобур ҳақида яратилган бошқа асарларга, чунки, драмаларга ҳам тааллуқли бўлган битта томон ҳақида ўйлаш ўринлидир. Маълумки, у ҳақидаги асосий маълумотни адиблар БН дан олганлар. Узининг ёсиб утган ҳаёт йули ҳақида мухтасар маълумотлар берувчи бу асарни ўқиган китобхон куз олдида муаллифининг ёрқин қиёфаси гаваҳланади. Бошқача айтганда, Бобур тирикчилигидек ўз образини яратиб қўйган. Адибларнинг баъзиёси эса уни реалистик образга айлантирил, уни бадиийлик бўёқлари билан жилволашгани. Гўш ана шу назик ишни қўнғилдагидек амалга оширишда. Демак, ижодкор бу уринда икки нарсага эътиёт бўлмоғи керак. Биринчиси, у яратган тарихий-бадиий образ БН даги тарихий шахснинг тақдори бўлиб қолмаслиги, иккинчиси эса, ижодкор томонидан фойдаланилган тўқималар, образ маънавиятини очувчи бадиий бўёқлар тарихий шахс қиёфасини аслига зид равишда ўзгартириб қўрмаслиги керак.

Масаллага мана шу нуқталардан қараб, "Ўлдузли тунлар", "Тун ва кун", "Саодат соҳили" асарларига ёндошадиган бўлсак, мақсад деярли амалга ошганлигининг гувоҳи бўламиз. Уларнинг қўлга киритган этуқларини эътироф этган қолда эйрим истақларни ҳам билдириб ўтишни бурч деб биламиз.

Аввало шунини айтиш керакки, Бобур сиймосига қизиқилишимизнинг боиси ундаги қомусий билим ва эътиқод, шoirлик ва элпарварликдир. Демак, бадиий асарларда унинг олимۇ фозиллик, шoirу донишмандлик ғазилатлари билан ҳукмдорлик томонлари тенг кўрсатилмоғи лозим, токи воқеалар билан танитиш асносида ўқувчи ундаги ижобий хислатларнинг устиворлигини хис қилсин ва улар барча замонлар учун ҳам ўлмас бўлиб қолаётганлигига ишонсин. Чунки ижодкорнинг нияти ҳукмдорнинг салтанатни эгаллаш йўлидаги ҳаракатларини эмас, эзгулик, илму урфон йўлидаги ғидойликларини кўрсатиш, бу билан бугунги авлод қалбида маънавият чироқларини ёқишдир.

"Ўлдузли тунлар", айниқса, "Тун ва кун" да бузук аллоمانинг фозиллик, ижодкорлик томонларига асосий урғу сустроқ берилгандек, саркардалиқ, ҳукмдорлик томонлари тасвирларига бағишланган уринлар эса кучлироқдек турлади. БН да ҳам шундай. Лекин бу тарихий-мемуар асар. Табиийки, унда воқеалар етафчиллик қилади. Бадиий асар эса воқеалар қайдига айланиб қолмаслиги керак. Унда руҳий кечинмалар тасвири етакчи уринда турмоғи

тизмга тула воқзаларни келачга олар эканлар, шoir лирик образ-
ни яратишни ниёт қилиб оладилар. Уларни, албатта, устозлари
қалбида кечган туйғулар, эрт соғинчи, дуст ағёрлиги оқибатида
кээ берган фожиалар изтиробга солади. Соғинч дардларининг
бадий ифодаси бўлмиш бу шеърларда Бобур руҳиятининг турли
иқлимлари ўз бадий инкишофини топган. Бу шеърларни бир-бирига
боғлаб турган нукта - шoir қалбидари изтироблардир. Бошқача
айтганда, улар Бобурнинг кўпроқ ўз даврининг фидойи фарзанди
сиратида тасвирлайдилар. Бир вужуддаги бир-бирига карама-қарши
бўлган икки руҳнинг, яъни шоҳ билан шoirнинг ички курашлари
улар шеъринининг асосий конфликтига айланган. Э.Боҳидов, А.Ори-
пов, Ҳ.Хуцойбердиева, Ҳ.Даврон, Ш.Раҳмон, М.Кенжабек, М.Карим,
Б.Аҳмаджонов, Қ.Кенжа, У.Шукурров қабиладарнинг Бобурга бағишлан-
ган шеърларида ани шу томонларни учратиш мумкин.

Бобур бир ўринда:

Ҳар вақтки кўргасен менинг сузимни,

Сўзумни ўқуб англагайсан ўзимни, -

дея ўз кечинмалари билан ёзганлари ўртасида мувофиқлик бор экан-
лигига ишора қилган эди. Ҳақиқатан ҳам у сўзида сиймосини қол-
дирган шoir. Ўнинг насру назмида шoirнинг беором қалби бутун
борлиги билан аксланиб туради. У тоғу тахт лаззати билан кўра,
шoirона изтироблар билан яшашни афзал куради. У ўзининг ҳар бир
нафаси, қадамни сарҳисоб қилади. Бошқача айтганда, шoir Бобур
доимо шоҳ Бобур ҳаётини тафтиш қилиб турди ўа ўз қатъий хулоса-
сини айтдики, бу жумард инсоннинг ўзига берган холисона баҳо-
си эди:

Толеъ йўқи жонимга балолиғ бўлди,

Ҳар ишники айладим, хатолиғ бўлди.

Ўз ерни қўйуб, Ҳинд сори юзландим,

Б раб, нетайин, не мз қаролиғ бўлди.

М.Кенжабек бу рубоийда олға сурилган фикрни ривожлантириб,
шоҳ ва дарвиш сузларидаги мантиқий тазодга асосий урғуни бера-
ди. Тасаввур шеъринининг анъанавий образларидан бўлмиш шоҳ ва
гадо /дарвиш/ бу ерда Бобур характерини очишда жуда қўл келган.
Ҳадакка /Аратганга/ хитоб тарзидаги бу шеърда қаҳрамоннинг
ички нидалари орқали ўз тақдирдан норозилиги ифодаланади:

Б ҳадак! Гаройиб бир иш қилмишсан,

Бошимга мангулик ташвиш қилмишсан;

Айт, менинг ўзимни шоҳ этиб нечун,

Нечун эрагимни дарьки хилмишсан?!

Бобурнинг уз орту элига кучеббаги Х.Даврон шеърига анча эхтиросли ифодаланган. У қаҳрамон руҳиятидаги ички зилзилалар тасвирини янада ишончлироқ ифодалаш мақсадида шеърда Самарқанд образини олиб киради. "Мудроқ йуллар"ни уйғотиб оораётган отлар тақасидан чиққан садолар ёғий қўлига ўтган шаҳар фарёдлари каси қалбларда эке-садо беради. Темур барпо этган шаҳарни ёғийга ташлаб чиқиб теурийзода учун қанчалар аламди экени ҳунидаги сатрларда ифодаланган. Бобур қўлоқларига урилган нидолар тирзида берилган бу фикрларда қаҳрамон руҳиятига хос нозик қирраларни ҳис қилиш мумкин:

"Заҳриддин, қайга борурсан,
Бобонг тахтин, эртингни ташлаб?!
Қора тақдир сени қўл қаби
Қабиларга кетмоқда боллаб?!

Заҳриддин, бу қандай садо,
Қора хижрат сари эз тутмоқ?
Эрагингни отар-ку адо...
Тирик туриб Батандан кетмоқ?

Муаллиф шоир Бобур руҳиятидан келиб чиқиб бу кетишни "қора хижрат" деб атайдн. Шеър руҳини очувчи образ сифатида ишлатилган бу ибора уз ўрнини топган.

Х.Худойбердиевнинг "Бобур" шеъри эрт соғинчи билан янаган қалб кечинмаларига бағишланганлиги билан Х.Даврон шеърининг мантикий давомидек туюлади. Ёрим жаҳонни босиб олган похнинг "машварату маишатлари" кўнгил армонларини қондира олмаганлигига, "уз орти деб уртанидган бирон они" бўлмаганлигига диққатни қаратган шоира "Ёрим кўнгил хатто ярим жаҳон билан тўлмади", дея ҳақиқатни дангад айтди. Шеърдаги ақлу тафаккури билан "ярим руйи жаҳонни" ёрита олган қалбнинг "уз қўлба-си чирогини" ёқиб армонида ўтганлигини таъкидловчи сатрлар узининг эхтиросли қудрати билан алоҳида амралиб туради.

"Недажакка мактуб"ни Бобур ҳақидаги тарихий маълумотлар асосида ёзилган ҳужжатли шеърини новелла дейиш мумкин. Э.Дождов шеърда "Кван Васильевич - даҳшатли подшоҳ" билан Бобур дунёқарашини ўртасидаги зиддиятларни қибсий тасвирларда беради.

Ўз фарзандининг қотилига айланган жохил ҳукмдор характеридаги киёру ҳавони ўз фарзанди дардини Оллоҳдан тилаб олган мард шохнинг бағрикенглигига қарама-қарши қуйишдан маҳсад шарқона жумардликни курсатилади. Бу шеърда кўпроқ Бобурнинг донишманд ҳукмдорлик томонлари билан буюк инсонпарварлик томонлари омухта этилади. Афсуски ундаги эзгу ораулар рус подшоҳи томонидан бефарқ қутиб олинди, натижада икки давлат бир-бирини билмади, улар ўртасида туғиламак дўстлик кўприklarининг Русь томонидаги қисми қурилмади. Бобур томонидан ёборилган хат бежавоб қолди:

Кўп кўрди бу замин орат ва қирси,
Тингламоқ чоғидир адолат сасин.
Эй, халқи бешумор, эртис беноён -
Буюк шох, боғлэйлик дўстлик ристасин.

Шқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, Бобур босқинчи сифатида эмас, балки адлу инсоф йўлини танлаган салтанат соҳиби сифатида талқин этиладиги, бу тарихий ҳақиқатга мувофиқдир. Уни Хинд тупресиға олиб келган куч сийму зар ёки салтанат иштиёқи эмас, тарихий заруриятдир. Тождорлик унинг қисматиға айланди. У бундан қочиб қутила олмади. Ўз даврининг фуқароси сифатида тахтға ҳам, тақдирға ҳам баҳо берди. Биргина мисол. Унинг рус ҳукмдорига ёзгани "олис келажакка жунатилган хат" эди. Шунинг учун ҳам улар бунинг моҳиятиға тушуниб етмадилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тарихий шахслар образини яратишдан муддао уларнинг ҳаёт йўлини кўрсатишдангина ёборат эмас, балки бугуннинг дарду ташвишларини ўтмиш мисолида ирсодлаш ҳамдир. Бугунги мураккаб замонда Бобур образига кўпроқ эътибор берилаётганлигининг сабабларини ҳам кенгроқ маънода тушунмоқ керак. Гарчи ўзбек адабиётида Бобур образини яратишнинг илк босқичлари бошланган бўлса-да, бунинг дуруст натижалар курсата олганлигини алоҳида таъкидламоқ керак.

Адабиёт ўзини сиёсатлаштириш занжирларидан халос этар экан, жуда кўп масалаларға қайтадан мурожаат қилади. Айниқса тарихий мавзудаги асарларнинг кўпи божқатдан ёзилади. Тарихни биз ўйлаганча эмас, қандай бўлса шундайлигича кўрсатиш анъаналари яна давом этиб, Навоий, Бобур, Машраб каби сийноларнинг ҳақиқий реалистик образлари яратилади. Маънавий ҳаётда тозариш ҳаракатлари бошланган экан, унинг адабиётдаги кўриниши ҳам яхши

натижалар беради, деган умиддамиз.

Шарифа Искандарова
(Фаргона давлат университети)

ЭСКИ ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ МУРОЖААТ ШАКЛЛАРИНИНГ "БОБУР" РОМАНИДА АКС ЭТИШИ

Илтимой мулоқотда тез-тез қайтарилиб турадиган, тез-тез қўлоққа чалинадиган тил бирликлари мавжуд. Бу тил бирликлари алоҳида олинганда, оддий ва аҳамиятсиздек туюлади, лекин биргаликда, йиғилиб ишлатилганда, маълум миллат вакиллари мулоқотининг асосий тазкия этади. Улар ҳар бир миллат кишисига болаликдан узлашиб, маълум миллат вакилларига хос бўлиб, турлича мулоқотларда, суҳбатларда, турли шaroитларда ёзага чиқади, коммуникацияни тиклаб, уни иезёрида ушлаб туриш учун асос бўлади.

Н у т қ и й о д а т дейилганда, жамият томонидан қабул қилинган ва қўлланилиши зарур бўлган ёки талаб этиладиган, суҳбатдошлар ўртасида алоқа ўрнатиш ва уни керакли оҳанг/тон/да олиб бориш учун ишлатиладиган турғун мулоқот формулаларининг махсус миллий кичик системалари тушунилади.

Барча миллат халқларида, хусусан, ўзбекларда муурожаат ҳамда суҳбат давомида қўлланиувчи "сен/сиз" шакллари мулоқотни зарур тарзда олиб бориш учун кўпинча асос бўлади. Муурожаат ўзининг маъноси билан адресатнинг қайси илтимой гуруҳга хослигини, қандай ролини бажараётганини кўрсатади. Муурожаатда шахснинг номинацияси кўринади, худди шунга кўра, нутқий одатда муурожаатга эътибор катта аҳамиятга эга. Шунингдек, муурожаат жумгалардан фарқланувчи ўз белгиларига эга: у оўзининг ўзида бўлмаган қўшимча характеристикаларни ўз ичига олади.

Маълумки, адресатнинг ёшига хос белгилари опа, ака, синглим, ука, ўғлим, жиян, тоға, амаки, хола, ая каби оўзлар билан оқилади. П.Қодировнинг "Бобур" романида муурожаат шакллари ўзига хос тарзда иродаланади. Романда буюк инсон - шоҳ ва шоир даврига хос муурожаат шакллари гоат табиий тарзда кўринади. "Бобурнома"да келтирилган фактлар ҳам бунинг қанчалик асосли эканини исботлайди.

Асарда берилган муурожаат шакллари Бобур даври учун хос бўлган нутқий одатлар тўғрисида ҳам бирмунча маълумот беради.

Бу мурожаат шаклларини қуйидаги икки гуруҳга айлантириш мумкин:

1. Ҳудудий халқ вакиллари ўртасида қўлланилувчи мурожаат шакллари.

2. Ўқори табақа вакиллари орасида қўлланилувчи мурожаат шакллари.

1. Ҳудудий халқ вакиллари орасида ишлатилувчи мурожаат шакллари баландпарвозликдан йироқлиги, ноерасмийлиги, қариндошлик номларининг кўпроқ тўғридан-тўғри ишлатилиши билан ўқори табақа вакиллари ўртасидаги мурожаат шаклларида фарқланади: "Тоҳир, жичи! - деб сўради. - Оч, мен тағоингмен!"

2. Ўқори табақа вакиллари орасидаги мурожаат шаклларида ўз ичиде шундай гуруҳлаймиз:

а) қариндошлик муносабатини бийдирувчи мурожаат шакллари: "Сўйинг, оға ойи, бу бегимда ҳам айб йўқ";

б) жинсини ифодаловчи мурожаат шакллари: "Мунча гамгиндиз, бегим?";

в) касбга алоқадор мурожаат шакллари: "Амёо шуни билдингми, жаноб меъмор, ҳазрати олийнинг ҳузурларига сиздан олдин баъзи бир гапларингиз етиб бориши мумкин!";

г) жамиятдаги мавқеини кўрсатувчи мурожаат шакллари: "Бек жаноблари, сезинчи беринг! - деди";

д) ёшни ифодаловчи мурожаат шакллари /фақат шоҳ оиласидагиларга нисбатан/: "Билагингизда куч кўп, амирзодам!";

е) эр-хотин ўртасидаги мурожаат шакллари: "Менинг эгачимдан яширадиган сирим йўқ, Мирзам!"

Бир вақтлар Бобурни улуглаб, "ҳазратим" дейдиган Ойиша бегим энди хонга ўхшаб баландроқдан келиб, "мирзам" дейиши ҳам галати эди".

Ўзбек халқи учун хос булган эркак адресатга қаратилган ҳаммабон мурожаат шаклларида "тақсир" сузи ўтмишда кишиларни ҳурматлаш учун ишлатилган: "Миннатдоримен, тақсир!" Ўқин-яқингача атеистик қарашлар кучайган даврда бу мурожаат маълум маънода киноявий мақсадларга қаратилар эди, миллий қадриятларимиз тикланиши муносабати билан мурожаатнинг бу кўриниши қайта шакллана бошлади.

Ўмуман, мурожаат шакллари ўтмишда ҳам, ҳозирги кунда ҳам ўзбек мутқ одатларининг бария вазиятларида мулоқотни яхши оҳангда бошлаш, уни зарур ҳолда давом эттириш учун хизмат қилади.

Д.Т.Сиддиқов,
И.С. Лўчқорва,
(Андижон ДУ)

БОБУРНИНГ БИОЛОГИК ҚАРАШДАРИ

Қадимда Туркистон халқларидан етишиб чиққан олимлар дунё фанларини эгаллашда етакчилик қилишгани ҳақидаги фикрлар кўп тарихий ва илмий асарларда ўз ифодасини топган. Аммо шуролар ҳокимияти даврида, айниқса табиий фанларни ўқитишда Оврупа олимларининг фикрлари асос қилиб олинди. Биз табиат оирларини ўрганишда ёруғлик жаҳонга танилган буёқ алломалар - Ғарғоний, Ғаробий, Беруний, Ибн Сино, Улўғбек ва Бобур фикрларини четлаб ўтишга мажбур бўлдик. Уларнинг илмий рисоаларига материалист кўз ойнаги орқали қараб, у нима кўрсатса, шунини ўқий олдик ҳозир.

Ҳозирги озкоралик, қайта қуриш ва қайта баҳолаш даврида табиатшуносликдаги айрим масалаларга ҳам янгича нуқтан назардан ёнлаш зарур деб ўйлаймиз. Ёш авлод боболаримиз меросидан лўда кам баҳраманд бўлишди. Илм даргоҳларида авлодларимизнинг ишлари ҳақида ҳеч қандай сабоқ олишмади. Натижада ўз тарихимиздан ажралиб қолди, ўзликимизни англай олмадик. Минг афсуслар бўлсинки, биз ҳозирча боболаримиз меросидан таржимонсиз фойдалана олмаймиз, лекин томошабин бўлиб қараб утиришимиз ҳам ҳозирги замонга тўғри келмайди. Шу боис биз Андижонда дунёга келган аждоҳимиз Бобурнинг "Бобурнома" асари бўйича биологик қарашларини ўрганишга маъзм этдик. Қуйида ул. буюк зотнинг ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳақида баён этган айрим фикрларининг ҳозирги замон табиатшунослик фанида қанчалик аҳамиятга эга эканлиги ҳақида баҳоли қудрат сўз вритмоқчимиз.

БН асарини зарақлар экансиз, Бобурнинг география, сўғорив ишлари, деҳқончилик, ҳайвонот дунёси, ўсимликлар ҳақида келтирган қимматли илмий фикрларини, оддий кишилар ҳам илғаб олишига имонингиз комил бўлади. Афсуски, Совет мактабларида биологика фанининг асосчилари қилиб XVIII-XIX асрларда яшаган Оврупа олимлари Линней, Ламарк, Дарвинлар кўрсатилади, аммо улардан 200 йил олдин яшаб ўсимликларнинг тарқалиши, ҳайвонлар систематикаси, қуриқхоналар ҳақида илмий нарсаларга эга бўлган Бобур ҳақида лок-ним дейилмайди. Биз Оврупа олимларининг фикрларини тинч қилмаган ҳолда Бобурнинг бу қомусий асарида келтирилган эътиборга лойиқ ва ўрганилиши керак бўлган биологик фикрларидан

бир нечасини келтирамиз.

Бобур ўзининг БН китобида Фарғона водийси, Арғонистон, Ҳиндистонда ўсимлик ва ҳайвонларнинг ландшафтлар бўйича тарқалиши, уларнинг турлари ва навлари ҳақида асосли фикрлар айтган. Масалан: "Бу доманада ранго-ранг ҳар навъ лола бўлур. Бир қатла санаттим, ўттуз икки-ўттуз уч навъ байри муқаррар лола чикти". Ҳозирги Ўзбекистон ўсимликлари аниқлиғичи китобида (А. Ҳамидов ва бошқалар. 1987 й.) фақат 5 хил лола навъи илова қилинади, ҳолос.

"Бобурнома"да бир ажойиб ҳайвон ҳақида фикр ыритилган. Бу хулаларни ўқиган ҳар бир зоолог чуқур ҳаёлга чумса керак: "Нижроз тоғларида рубаи паррон бўлур. Рубаи паррон бир жонивсрдур, мушукдан улутроқ, икки қўли била икки бутининг орасида пардадур. Дерларким йиғочдин-йиғочга нисебга бона бир газ отими учар".

Мен ҳайвонлар ҳаётини ўрганувчи бир мутахассис сифатида 7 томлик "Ҳайвонлар ҳаёти" ("Жизнь животных" Москва, 1987 г.) китобини хўздан кечириб бундай ҳайвон ҳақида ҳеч қандай фикр ўқий олмадим. Бу ҳозирча зоология фанидаги изоҳга муҳтож ҳайвон туридир.

Бобур Ҳиндистон ва Фарғона водийсининг ҳайвонларини жуда синчиклаб ўрганган, уларнинг табиатда тарқалишини экологик зароятларга боғлаган ҳолда изоҳлаб беради. Келтирилган фикрларга қараб зоогеографик харита тузилса, ҳозирги замон фанининг талабларига шак шубҳасиз мос келади. Бобур, биологлар тили билан айтганда, систематик олим ҳамдир. У XVI асрдаёқ Ҳиндистон ҳайвонларининг систематик рўйхатини тузади. Ўзи ўрганган ҳайвонларни 4 та типга бўлади: қуруқлик ҳайвонлари, паррандалар, сувда ва сув ёқаларида яшайдиган қушлар ҳамда сув ҳайвонлари. БН да юзга яқин ҳайвонларга батафсил таъриф берилади.

Бобур ўша даврдаёқ бизда эндигина ўз ривожини бошлаётган "Биотехнология" фани ҳақида фикр ыритгани қуйидаги мисолда ўз аксини топади. У Ҳиндистондаги "амалбед" номли мева ҳақида гапириб: "Игнани унинг ичига солсалар – эриб кетади, туришлигиданми экан, ё хосияти шундайми экан". Маълумки "туруш" ўзбек тилида кислота, хамиртуруш маъносида ишлатилади. Бу мисолга ҳозирги замон фани нуқтаи назаридан қарасак, баъзи бир металлларнинг ўсимлик меvasининг шарбатлари билан эритса бўлади, деган маънони беради.

БН да келтирилган биологик фикрларни жамлаганимизда 50 бетдан ортиқроқ қўлёзма қоғозга жой бўлди. Келтирилган фикрларни, чизилган ҳайвон расмларини урганиш биолог олимлардан кўп изланишларни талаб қилади.

Қиссадан хисса деганларидек, Бобур, агар буюк саркарда, тавлат арбоби, шоир бўлмаганида, биз уйлаймизки у албатта улкан табиатшунос элим бўлур эди.

Маълумки, Бобур илк сабоқларини уш шунинг эрдаси Андижонда олган, агар тарихчи олимларимиз Бобур давридаги Андижон илмий муҳити қай даражада бўлганлигини аниқлаб беришса, оқоридаги масалаларнинг ойдинлашувида бизга амалий ёрдам берган бўлур эдилар.

Т.К.Иминов,

Андижон иқтисодиёт ва бошқарув
институтини профессори.

А.Ш.Собиров,

Андижон Давлат тиллар педа-
гогика институтини.

"БОБИРНОМА"ДА ИҚТИСОДИЁТ БИЛАН БОРЛИҚ МАСАЛАЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Ўртимизнинг қадимий ва навқирон, бири биридан гўзал, афсонавий шаҳарларида ва қишлоқларида мустақиллик шабадаси эсиб ўрган ушбу қутлуғ кунларда ўзларининг буюк ишлари билан бутун дунёга донги кетган боболаримизнинг номларини хотирламоқ, уларнинг қилиб кетган эзгу ишларини эъзозламоқ хайрли ва сазобли ишдир.

Хусусан, она Туркистонимиз осмонда чарақлаган энг ёрқин юлдузлардан бири бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг покиза руҳи, туркона сазй-ҳаракатлари, мардлиги ва бетакрор суҳангўйлиги олдида ҳамизга ҳайратамиз. Унинг бебаҳо қомусий билимларни ўзининг қимматбаҳо сазйфаларига жо қилган "Бобирнома"дек дилбар бир асари, ушбу назмларини пурмаъно рубоийлари ҳамон бизга йулдош, ҳар биримизнинг хонадонимиз учун азиз ва муътабардир.

Бобир асарлари ичиндан "Бобирнома" асари ўзининг муқаммаллиги, содда ва равшан сатрларга бойлиги, турли соҳаларга оид фактлар ҳамда маълумотларга тўлиқ-тошганлиги билан орадан беш

асрдан кўпроқ вақт ўтганлигига қарамасдан ҳозирда ҳам ҳаммамнинг диққат-эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Ундан фақат адабиётшунос, мозийшунос, тилшунос олимларгина эмас, балки география, биология, зоология, таъбабат, математика, ҳарб иши ва бошқа катор соҳа закиллари ҳам олам-олам материаллар олиши мумкин. Ёмладан, бугунги иқтисодий беқарорлик ва шу билан биргаликда эртимизда янгича бир тожирлик муносабатлари қарор топиб бораётган ушбу лаҳзаларда БН дек улкан асардан иқтисодиёт, савдо-сотик, тижорат билан боғлиқ муносабатлар баён этилган саҳифаларни топиб, уларни таҳлил қилиш, ўрганиш ҳамда зарурий ўринларини ҳаётга татбиқ қилиш бизнинг - бугунги Бобур авлодларининг улўф бобоимиз олдидаги чинакам фарзандлик бурчимиздир.

БН ни варақлар эканмиз, кўзимизнинг олдида Буёқ ипак йули бўйлаб шарқдан-ғарбга, шимолдан жанубга томон турнақатор бўлиб тизилиб кетаётган савдо қарвонлари, ҳалол ва пок, диёнатли, савдо-талаб ишлари билан фақатгина ўз юртларидагина эмас, балки бошқа олис ўлкаларда ҳам маълуму машхур бўлган савдогарлар, тожирлар, аҳолининг тўқ ва фаровон турмуш кечирishi ушун муҳасиб ҳиссасини кўшган беҳисоб дўкондорлар намоён бўлади.

Бобур жойлар ва тарихий шахсларнинг қиёфаларини чизар экан, беихтиёр урта асрлар иқтисодиёти билан боғлиқ минзараларни ҳам эсга олиб ўтади. Бу беҳиз эмас, албатта, чунки уша даврларда савдогарлар, тожирлар ва дўкондорлар тинчдик ҳамда осойишталикнинг, фаровонликнинг элчилари саналган. Уруш пайтларида ҳам уларнинг мол-мулкига, қарвонига ҳеч ким қўл теккизмаган, борди-э, ўдарнинг қарвонига йўлларда бирон бир зиён-заҳмат еткүдек бўлса, уша мамлакат подшоҳи бунинг учун товоң тулаган. Бундан ташқари давлатлар ўртасидаги уруш-жанжалларнинг ҳаммаси савдо йўллари учун, дунёга чиқишда қўлай ймкониётларга эга бўлиш учун амалга оширилган.

Бобурнинг Андижон ҳақида гапираётиб, "...ошлиғи вофир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур. Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ расм эрмас"; Самарқанд ҳақидаги "Самарқанднинг яна бир матои-қиримзи матоиким, атроф ва қарвонига эотарлар"; Кандибодом туғрисидаги "Ўрмуз ва Ҳиндустонга тамом мунинг бодоми борур"; Бухоро таърифидаги "Бухоро олусидек ҳеч ерда бўлмас, терисини сўюб қуритиб, табарруклик била вилояттин вилоятга элтарлар"; Қобулга бағишланган: "Ҳиндустон ва Хуросонга восита бу вилоятдур. Бисер яхши савдохонадур.

Хуросон ва Хроқ ва Рум ва Чин матои Қобулда топилур... Ироққа ва Хуросонга Қобулдин бир матоиким борур, бу соч ўтағасидур. Ул эндоятта Аласой анори машурдир, мунинг анорлари тамом Хиндустонга борур. Гармсериий мевалар мисли нурунж, турунж ва амлум ва найшакар Камғаноттин, чилғузани Нижровдин келтирурлар" каби ўнлаб мисолларида уша давр иқтисодиётининг, савдо-сотиқ ишларининг қанчадан-қанча таҳлил талаб тарихий қатламлари ётибди.

"Бобурнома"да савдо отлари, оқ рахт (кийим-кечак), ақоқир, қант ва набот (нозвот), олма, қовун ва узум, анор, турунж (апельсин), нурунж (лимон), найшакар (шакарқамил) сингари нарсаларнинг, турли-туман материалларнинг бир жойдан иккинчи жойга элиб, уша жойдаги элнинг талаб ва эҳтиёжларини қондирган савдо амли ҳақида ниҳоятда қимматли маълумотлар учрайди.

Минг афсуски, биз шўролар замонида минг йиллар давомида тобланган, қиемига етган иқтисодий алоқаларга беписандлик билан қарадик, урни келганда кўшни давлатлар ўртасидаги бундай алоқалар йўлига банд солдик. Бу эса бизга ниҳоятда қимматга тушди. БИ ўша алоқаларни тиклашимиз, Буёқ ипак йўлини "тозалашимиз" учун бизга дастуруламал вазифасини уташга қодир булган асбоблардан биридир.

Бобур отаси ҳақида гапираётиб бир жойда шундай дейди:

"Адолати шу мартаба эдиким, литой карвони келатурғонда, Андижоннинг шарқий тарафидаги тоғлар тубида минг уйлик карвонни андоғ қор босдиким, икки киши қутулди. Хабар топиб, муҳассиллар эбориб, карвоннинг камий жиҳотини сабт қилди. Ҳар чандиким, вориси ҳозир йўқ эди, бовужули эҳтиёт сақлаб, бир-икки йилдан сунгра Самарқанд ва Хуросонани ворисларини тилаб келтуруб, молларини солим топшурди".

Худди шундай ҳолат Бобурнинг ўзи билан ҳам содир булган.

"Қолотга етканда, қалин Хиндустон савдогариким, Қолотга савдо қилгали келган, экандурлар, черик эли алар устига — ўқ етиб борди. Аксар бари булдиларким, шундоқ ёғийлик маҳалида ёғий вилоятга келатурғонларни таламоқ керак, мен рози бўлмадим, савдогарларнинг не гуноҳи бор...".

Ўқоридаги фикрлар бугунги ижтимоий ҳаётимизда юзга келаятган ишбилармонликда — бизнесда ҳалоллик, ворислик ҳуқуқини сақлаш, бизнеснинг маънавий томонларини шакллантиришда биз учун ибратлидир.

Қолаверса, бу фактлар теурийларнинг, шу жумладан, Бобур-

нинг ҳам, иқтисодийёт масалаларига, савдо-сотиқ ишларига ихтисос-
та диққат-эътибор билан, ўзгача бир ҳалоллик билан ёндашганлиги-
ни исботлаб турилади. Темур ва Бобир тузган империяларнинг иқти-
содий жиҳатдан гуллаб-яшнаганлигининг, бақувват бўлганлигининг
сири ҳам худди шунда.

БН яна шуниси билан ҳам диққатга сазоворки, биз ундаш
ошлиқ, солим, сонур, эл бозори, райри бозори, урду бозори, кето,
савдо, савдогар, савдохона, дукон, дукондор, раҳт, се чил (учдан
бири), даҳ чил (туртадан бири), молдустяхт (молпарастлик), баҳ-
раёб (фойда кўрувчи), пешкак каби кўлаб атамоларга, тил бирлик-
ларига дуч келамизки, уларнинг ҳаммаси ўрта асрлардаги халқимиз
нинг маданиятини, иқтисодий ва илтимсий турмуш тарзини оқиб
беришда муҳим роль ўйнаши турган гап.

БН да битилган "Нанжшаба кунин Икё Нуқоний бошлик Хиндус-
тон савдогарларига хилватлар (сарпо) киноят қилиб руҳсат этилади",
"... дукондорлар дуконларидаки боқиб дуо қилур эдилар ..." сўзлари
унлаб жойлар борки, улар Бобурнинг буёқ ва ҳимматли, марҳаматли
подшоҳ бўлганлигини эслатиб туради.

Хулоса қилиб айтганимизда, Бобир тузган давлат иқтисодий
жиҳатдан баркамол ва бақувват давлат эди, чунки ундаги муноса-
батларда ҳалоллик ва поклик, халқоналик, қора халқнинг талаб ва
эҳтиёжларини ҳисобга олиш биринчи ўринда турарди.

Республикаимизнинг иқтисодиёти тикланаётган, савдо-сотиқ
ишларидаги қаллобликларга, алдамчиликларга, ноўрин ишларга бар-
хам берилаётган, савдо аҳлига инсоф ва ийбат, саҳоват қайтиб
келаётган бугунги кунларда Бобур асарларини барақлаш фойдадан
холи эмас. Зеро, ўтмишсиз келажак йўқ.

А.Ш.Собиров,

(Андажон Давлат тиллар
пед.институтини)

"БОБИРНОМА"ДАГИ БЕКСИК ҚАТЛАМЛАРНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ МАҚИДА

Бизнинг она юртимиз ҳисобланган кўҳна Туркистон тупроғи-
Турон замини дунёга беҳисоб буёқ зотларни - олиму алломаларни
етказиб берганлиги билан бутун жаҳонга машҳурдир. Бизнинг аждод-
ларимиз томонидан яратилган бетакрор ва бебаҳо китобларнинг
йиллар давомида инсониятнинг маънавият хазинасини бойитиб, унинг

истиқболи булларини ёритиб турганлиги билан биз учун қадридир.

Ана шундай муътабар ва буюк асарлардан бири ҳамертимиз Заҳриддин Муҳаммад Бобирнинг "Бобирнома" асаридир. БН туркона содда услубга асосланган, халқнинг жонли сўзлашув тилидан сўз келган, минглаб тарихий фактларни ўз оёғига хо қилган кутлуг бир асардирким, уни том маънодаги қомусий хазина дейиш мумкин.

Адабиёт, тарих, география, зоология, ботаника, табиёт, гидро-техника, физика, математика, техникага оид сон-саноксиз материаллар асар саҳифаларига оқсак бир баҳийлик, санъаткорлик билан сингариб ёборилган.

БН ни шарақлар эканмиз, биринчи навбатда унинг латиф ва халқона содда тилига, сўзлар сатрларига қойил қоламиз. Кингвис-тик нуқтаи назардан ёндашганимизда, асар XV аср туркигуй халқлар тилининг ноёб ёлғорлиги саналади. Бу асарда ишлатилган лексик бирликлар, сўзлар ҳисобиға етил, уларнинг маъноларини англаб билиш осон бўлмаса керак деб ўйлаймиз.

Бобир ҳар бир сўзни ниҳоятда тоғиб, билиб туриб ишлатган. Сўзларнинг этимологиясидан тартиб то семантикасига қадар бўлган жиҳатлари унинг эътиборидан бирор лаҳза ҳам четда қолмаган. Шу маънода Бобир буюк тилшунос олим ҳамдир.

Масалан, у Ҳодарвеш, Такасекретгу, Лақлақа каби топонимларни, Қамбар Али саллоҳ, Олачахон, Қал қозуғ, Говонаи жомабор сингари антропонимларни, ўрта аср касб-кори билан боғлиқ бўлган юзлаб лексик бирликларни ифодалашда уларга ўта назиклик билан ёндашган.

Бобир ёзади: "Самарқанднинг қалъасининг ичида яна бир қадимий имораттур масжиди Лақлақа дерлар. Ул гунбазининг ўртасида ерга тепсалар лақ-лақ ун келур, гариб амердур, ҳеч ким мунинг сиррини билмас", ёки "Бир овда Маҳмуд отлик чўҳранинги отини (карк) шохи билан бир найза бўйи ташлади. Бу жиҳаттин Маҳмуд каркка мулаққаб бўлди".

Мазкур мисоллар халқимизнинг XV асраги туриш тарзини белгилашда муҳим аҳамият касб этиши турган гап.

Аққа (ҳаққа), болинжон (бодринг), жигда (жижда), миримжон (маймунжон), ношвоту (нашвати), лимӯ (лимон), қоз (қоз), будана (бедана), қорлугоч (қалдирғоч) каби сўзлар эса тилимиздаги фонетик жараёнларни, товуш ўзгаришларини белгилашда бебаҳо материаллар бўлиб хизмат қила олади.

Асардаги буронгор (қушининг унги қаноти), қувонгор (чап

қанот), дсол (сар), гул (марказ), чингдзовул (соқчи отряд), чарга (туда), чухра (хос соқчи), шанпар (гурзи), кежим (от ёпиғи), трон (парол), тубанг (қадимги милтик тури) сингари жербий ата-малар, арабий, форсий, туркий, муғулий, афғоний, хивазий, пашейи, лафғоний, баракий каби этнонимлар, нурунж, гайнолу, ханзак, балут, қорқанд, қайла ва шу каби фитонимлар, боғриқора, қарк, марал, сондувоч, шошак, нилагов, дуррож типдаги зоонимлар, қоғунчи, ўқлақчи, баковул, тавочи, мубашшир, муҳассил, қурбеги, муҳаддис, бобурчи каби касб-ҳунар билан боғлиқ ёзлаб лексик бирликлар биз учун жуда эътиборли тил материалларидир. Масалан, баковуллик билан бобурчилик бир нарсага ухшайди, лекин уларнинг ўртасида кескин фарқ бўлган. Бобур Синд сувидан ўтишдаги мард-лиги учун қул Боязид исмли хизматкорининг бобурчилиги (ошпазлик) мансабидан баковуллик (бош ошпазлик) мансабига кўтарганини ёзди.

Арабия улуми, нақлия улуми, ҳикмият, ақлийёт, маъжулот, улуми зоҳирия, ҳадис илми каби атамалар эса урта асрлардаги туркийзабон халқларнинг маънавий дунёси нақадар бой бўлганлигининг исботи саналади.

Мир Темурий (қовун тури), донаи калон (анор тури), субҳони (урик нави), себи Самарқанд (узум тури), олуғи Бухорий (қовун тури), мурғак қарши (қилқуйруқ - қул) сингари атамалар икки дараже ораллигидаги элатларнинг деҳқончилик илмидан хабар бериб турибди.

Боғот (боғ), кутал (довон), кулла (тепалик), гузар (кечки), уланг (жой), дасаба (шаҳар), паргат (тоғ), пәргана (водий), пушта (дала), жангал (чангалзор) типдаги сўзлар ҳам БН нинг лексик нуқтаи назардан эътиборли манбалардан бири эканлигини аниқлаб туради.

Бек-бекот, жангда-сангда, алойиқ ва авойиқ, уруғ-қаяши, уғлон-узлочи, навқар-савдари, чухра-чулпа, гума-ғунначи сингари жўрт ишлатилган лексик бирликларнинг таҳлили бизга жуда кўп нарсаларни бериши мумкин. Қуйидаги парчага диққат қилинг:

"...кент-кесакка бошсизлик қилгон муғулларни тутиб келтурдилар".
Тарихий таҳлилга мос мисол.

Хуллас, БН тилимизнинг тарихий ва ҳозирги лексик бисотини ўрганишда туганмас бир манбадир.

Telegram adress:

@turkiston_kutubxonasi

1. 1934.

2. 1935.

(Page 15)

STATEMENT OF THE DIRECTOR

The following is a statement of the Director of the Bureau of Education for the Blind, dated 1934, regarding the work of the Bureau during the year 1934.

The Bureau has been very busy during the year 1934, and has accomplished a great deal of work. The following is a list of the work done during the year:

1. The Bureau has been very busy during the year 1934, and has accomplished a great deal of work. The following is a list of the work done during the year:

2. The Bureau has been very busy during the year 1934, and has accomplished a great deal of work. The following is a list of the work done during the year:

3. The Bureau has been very busy during the year 1934, and has accomplished a great deal of work. The following is a list of the work done during the year:

4. The Bureau has been very busy during the year 1934, and has accomplished a great deal of work. The following is a list of the work done during the year:

5. The Bureau has been very busy during the year 1934, and has accomplished a great deal of work. The following is a list of the work done during the year:

6. The Bureau has been very busy during the year 1934, and has accomplished a great deal of work. The following is a list of the work done during the year:

7. The Bureau has been very busy during the year 1934, and has accomplished a great deal of work. The following is a list of the work done during the year:

8. The Bureau has been very busy during the year 1934, and has accomplished a great deal of work. The following is a list of the work done during the year:

9. The Bureau has been very busy during the year 1934, and has accomplished a great deal of work. The following is a list of the work done during the year:

10. The Bureau has been very busy during the year 1934, and has accomplished a great deal of work. The following is a list of the work done during the year:

деб. аталган, узбек (узбак) атамаси эса Шайбонийхон эришида Дашти Қипчоқдан келган, узбек тилида сузлашадиган туркий халқни аниқлатган.

4. Узбек уруу, қабилла номларининг маълум бир қисми киши исмлари таркибиде фамилиялик вазифасини бақарган: Худойберди Тугчи, Қосим қавчин, Абобакр дуғлат Қошғарий, Урда Буға тархон, Мир Риёс тағойи, Шоҳбек аргун, Шоҳ Маҳмуд углоқчи, Шерали углон, Шоки барлос, Али Сайид мугул, Аҳмад қунчи, Жонибек дўлдай, Номил қалма, Қон Қасан борин, Худойзод туркман. Этнонимлар исм-таариф таркибиде кишиларни фарқлаш, бир-биридан ажратиш мақсадида қўшилган, лақаб вазифасини ўтаган, уларнинг қайси уруу ё қабиллага мансублиги ижтимоий аҳамиятга эга булган. Бир хил исми шарифли кишиларни фарқлашда мансублик белгиси мезон қилиб олинган. Белги вазифасини ўтовчи суз қўшма исм яралиши учун хизмат қилган, исмнинг сунгги мучаси булиб ўринлашган. БН да бундай исми шарифлар тури ва миқдори куп, улар, асосан икки, уч, баъзан тўрт калимали.

5. Этнонимларнинг киши исмларига айланиши узбек тилининг кечмиши ва ҳозирига хос. БН да бундай исмлар кам зикрланган: "Ўз жонибидин ораси Аргунни бир поре йигитлар оила анда қўйди" (330-бет). Абу Ёсуф аргун (135-бет), Зуннуи аргун (92), Назидбек аргун (84), Муҳаммад Саид урус аргун (237), Муқин аргун (132), Пир Аҳмад аргун (133), Султон Муҳаммад аргун (123), Султон аргун (76), Турдон аргун (272), Шоҳбек аргун (225), Шоҳ Шужоъ аргун (101), Қулибек аргун (275), Қосим Катина аргун (165). Аргун - умумтуркий этноним. Узбек, қозоқ, қирғиз, татар, бошқирд, нўғай, озарбайжон, қорақалпоқлар таркибиде ҳам аргун этноними қайд этилган. Барча қадимий узбек насабномаларида бу этноним учраса ҳам, бу қавмнинг ўтроқлавиши анча узоқ асрларда аз берганки, замонавий узбек этнонимиясида бу калима учрамайди. Келиб чиқиши икки мучали: ар-гун(хун). Баъзилар қадимги хунлар номига дахидор деб қарашган. Қадимги туркий ва мугул тилларида хун, қум, кун сузи одам, киши маъносини аниқлатган. Аргун этноними - туркий ва мугул тилларининг энг қадимий асама сузи.

6. БН да нотуркий этнонимлар ҳам анчагина: мугул, сорт, форс, тожик, араб, ҳазора, афгон, хинд(хинду), қажар, банголий, балуж, лули. Лули қавми хўги, Мўлтоний (Мўлтон - шаҳар номи) калималари билан ҳам аталган. Ўрта Осиё халқи ҳам Хинд лулиларини

луди, жуғи, мулточи сўзлари билан атавади. Қизилбаш (423) атамаси форсларга - эронликларга nisбатан қулланган.

БН этнонимларини асарда қулланган урни ва маънолари асосида ва бошқа манбалардаги маълумотларга қиёсан тадқиқ қилиш халқимизнинг тарихий шаклланиш жараёнини урганишда, сўзсиз жуда катта урин тутайди.

Н.Бақоев,

(БухДУ)

О.Аблов,

(БухТИ)

БОБУРНИНГ АРУЗ РИСОЛАСИ ҲАҚИДА

"Бобурнома"да ва Зоҳиридан Муҳаммад Бобурнинг "Девони"да муаллифнинг, бошқа қатор масалалар сингари, аруз ҳақида ҳам рисола ёзгани таъкидланган. Афсуслар бўлсинки, мазкур рисола йуқолиб кетган, деб ҳисобланарди. Фақат 1923 йилда туркиялик олим М.Э.Кёпрелю Париж Миллий кутубхонасида Бобурнинг мазкур рисоласи қўлёзмасини учратиб қолади. Бироқ унда на авторнинг номи, на асарнинг сарлавҳаси бор эди.

Фаранг олими Э.Блосе тузган каталогда Бобур қаламига мансуб мазкур асар "Мухтасар фил-аруз" номи билан белгиланган. Ризо Нур аса асар номини шунчаки "мухтасар" эканлигини эътироф этади. 1924 йилга келиб М.Э.Кёпрелю Ризо Нурнинг хулосасини рад этиши ва "мухтасар" сўзи асли "мубайнан"га тегишли бўлиб, Бобур асари "Аруз ҳақида рисола" деб аталишини қайд этади.

Шуниси қизиқарлики, Бобурнинг ўзи на БН да ва на девонининг рағмур қўлёзмасида бу ҳақда аниқ бир маълумот қолдирмайдиган, балки бир сўз билан "Аруз" деб қўя қолади, ҳолос.

Ина бир диққатга сазовор факт: "Париж Миллий кутубхонасидан топилган қасимий қўлёзма Бобур дастхати эмас, балки уни хаттот Хужа Муҳаммад Самарқандий (1550 й.) ёзганлиги тўғрисида мазкур қўлёзманинг ўзида таъкид киритилган.

Рисолада Бобур ўз фикр ва мулоҳазаларини кўплаб далиллар асосида иродалайди. Бобур мазкур рисоласида турк ва форс муаллифлари /Рўдаки, Низомий, Ханжоний, Ақтор, Деҳлавий, Саъдий, Салмон Заваий, Қориз, Қамол, Қомий, Навоий, Лутфий, Сайид Хоразмий, Султони Хусайн ибнро, Сайри Бухорий, Хатирий ва б./ сингари назм шукрининг 60 дан зиёд йирик намоёндалари асарларидан парчалар ҳамда сула мазоллар келтиради. Айни пайтда у шу уринда арабча

Шеърлардан ҳам намуналар олган. Бу билан Бобур назмиётнинг узаро алоқаси ва узаро таъсирини кўрсатибгина қолмайди, балки айни пайтда, туркий забон халқлар шеъриятининг беқиёс ва бетакрор иккунингларини ҳам намойиш этади.

Аруз ҳақидаги рисоланинг диққатга сазовор яна бир томони шундаки, у орқали етук туркий забон шоирлардан бирининг шеърият назарияси ва шеърият тарихи соҳасида чуқур назарий билимга эга эканлиги, шу билан баробар ўз даврининг фарзанди, Темурийлар даври намояндаси - Зоҳирқадир Муҳаммад Бобурнинг билимчи қиёфаси барилла намойиш бўлиб туради.

Сафар Ёураев,

(Бухоро технология институти).

Ҳошим Қодиров,

(Ўзб. Маданият Ўнгиғармаси Бух.
вилоят бўлими).

"БОБУРНОМА" ХАТТИЛИ ТАҲҚИҚИЙ

ЎزГАНИШ - АСОСИ ВАЗИФА

Наҳон илм хазинасига бебаҳо жавохир бўлиб қўшилган, асл номи "Бобурия" эса-да, кейинчалик "Воқеанома", "Тузуки Бобурий", "Воқеоти Бобурий" деб аталган, шундан "Бобурнома" деб айтиб келинган умрбоқий асар ўз мазмунининг ранг-баранглиги, бир олам моддий ва маънавий маълумотни ўз бағрига жо этганлиги, тил ҳамда услубининг гузаллиги билан XVII асрдаёқ сўтун Тарқ олми олиму - ғузаллоларининг диққатини ўзига тортган эди.

Айни пайтда бизни, яъни Бобур зорисларини бир муҳим муаммо ҳар лаҳзада чуқур ўйга толдиради. Маълумки, ушбу асар дунёга келгандан буён орадан 450 йилдан ортиқ вақт ўтди. ҳам тарихий, ҳам жуғрофий, ҳам этнографик, ҳам геологик ва минерологик, ҳам зоологик, ҳам адабий ва лисоний аҳамиятга молик булган бу илмий хазинани халқимиз ижтимоий ва маънавий ҳаётига йўналтириш маъсадида нималар қилинди, қандай аниқ тадқиқотлар ўтказилди? Уларнинг самараси ҳақида нима дея оламиз?! БН да тилга олинган тарихий шахслар, тарихий ҳоёлар, наботот ва ҳайвонотга дахлдор номлар, асбоб ҳамда буюмлар, суз бирикмалари ва атамалар транскрипциясини аниқ ва мукаммал тузил вақти етиб келмадимикан?!

БН нинг тили масаласи - ўзи бир катта тадқиқотталаб омуш. Ўзининг назаримизда БН нинг махсус изоҳли лугатини тартибга

келтириш жуда муҳим. Бу дугат ушбу муъжизалар "қасри"га кириш учун сеҳрли қалит булур эми. Бундай дугатсиз БН ни тушуниш, ундан баҳраманц бўлиш мушкил. Мазкур масала тилшунос мутахассислар олдига сермашиқат таққиқотни вазифа қилиб қўядикин, бу иш мустақил Ўзбекистон республикаси учун, унинг фани тараққиёти ва истиқболи учун жуда қимматли натижалар бериши турган гап.

Табъир жонз булса, БН ни урганиш бўйича илмий-тадқиқот маркази ташкил этилмоғи жонзир. Меъмуар асарнинг пухта тайёрланган танқидий матни, тарихий номлар, суз ва атамалар изоҳи барпо этилмас экан, БН тилсимоти очилмай қолаверади, биз бу мухташам "қаср"нинг ичида эмас, сиртида краверамиз. БН биз учун олисдаги юлдуз, очилмаган кўриқ бўлиб келди, ҳозир ҳам шундайлигича қолмоқда. Уни ўзлаштириш биз, олимларнинг келажак авлод олдидаги муқаддас бурчимиздир.

Қ.Шоцмонов,
(БухТИ)

ИЛМИЙ ТЕРМИНОЛОГИК ЛЕКСИКА СЕМАТИКАСИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ ХУСУСИДА /БОБУР- НИНГ АРУЗ ҲАҚИДАГИ РИСОЛАСИ МИСОЛИДА/

Ған тарихчиси учун биринчи навбатда ған тараққиёти қонунлари муҳимдир. Шу билан бир қаторда тарихий ҳақиқатни тўғри шакллантириш, ған тараққиёти қараёнларининг ҳақиқий манзарасини яратишдек муҳим вазифа унинг эиммасида туради. Бунинг учун тарихий қонуният фактни инкор етмайди, бинобарин факт умумлаштириш материаллари бўлиб қолмасдан, айни пайтда мустақил қимматга эга булган сиратдир. Тарихий дунёқаравининг моҳияти ҳам ана шунда.

Назарий нуқтаи назардан талқин этиш механизми ған тараққиёти қонуниятларини очиб ва таҳлил этиш имкониятларини яратиб беради. Айни пайтда аруз ҳақиқати ған ҳам бундан мустасно эмас. Ған бир қадар маданият элементларининг акраямас нисми бўлиб, унинг тараққиёт қонуниятлари, тарихи ижтимоий-маданий контекстда фойдаланиши зарурдир. Бобурнинг аруз ҳақидаги рисоласи иқорида эиқр этилган изқсад ва вазифаларни ўз ичига олади.

Маълумки, аруз назарияси тарихи биринчи марта VII асрга араб поэзияси мисолида ҳолид ибн Аҳмад томонидан шакллантирилган. Кейинчалик бунга монанд қатор рисолалар дунёга келди, демак, араб поэзияси назарияси асосида форс поэзияси тавҳибаси

кенг илдиэ отган

Бобурнинг аруз ҳақидаги рисоласи Навоийнинг "Мезон ал-авзон" нидек араб-форс арузининг назарияси ҳақида фикр юритди. Бинобарин, иккала асар ҳам туркий забон халқлар поэзияси материаллари асосида ана шу назариянинг муҳим, ўзига хос томонларига дахлдор қимматли маълумотларни ўз ичига олади. Навоий ҳам, Бобур ҳам турк поэзияси мисоллари асосида аруз қоидаларини кўрсатади, шунингдек турк поэзияси шакллариининг /масалан, туюқ, қушиқ, туркий, тархоний ҳабила/ ўзига хос томонларини махсус таъкидлаб ўтади. Ҳар иккала рисола ҳам турк арузига - аруз назариясининг махсус янги соҳасига бағишланган дейишга ҳақлимиз. Бинобарин улар туркий арузининг-мутлақо янги туркий арузининг пайдо бўлишига асос солди.

Тарихий-қийёсий жиҳатдан турк арузини ўрганишни давом эттириш вазифалари шу билан чекланиб қолмайди, балки уни тадқиқотларнинг муҳим тўғрларидан бўлиши - лексик даража нуқтани назаридан таҳлил этиш зарур. Бу ўз навбатида араб-форс шеърлиги ўлчамлари асосида турк шеърлигига мослаштириш имкониятларини беради. Ҳозирги фан нуқтани назаридан олиб қараганда, мазкур асардаги таъкидларда яширинган маъноларни рўёбга чиқариш бизнинг келажак авлодлар олдидаги муҳим вазифамиздир.

Ҳ.Ҳаббиров,

Ш.Нафасов.

(Қарши ДУ)

"БОБУРНОМА"ДА СУҒОРИШ ЛЕКСИКАСИ

1. Бобур асарларида, айниқса "Бобурнома"да қўлланган сўзларнинг маълум қисмини суғоришга доир лексик birlikлар ташкил қилади. Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон иқлими, ери, табиати лалми ва суғорма деҳқончиликка мос. Суғорма деҳқончилик бу ўлкалар аҳолисининг қадимий ишлаб чиқариш тарзи ҳисобланади. Суғорма деҳқончилик бу минтақаларда тараққий этганлиги шу соҳага оид хилма-хил сўз ва бирикмаларининг яратилишига эҳтиёж тўғдирган. Халқ нутқи суғорма деҳқончилик ва суғориш жараёни, сузалоқ (суз оқар ўзан)ларга оид сўз, атама ва бирикмаларга бой. Бу хусусият ва фазилат ўзбек тилининг ўтмишига ҳам хос. Буни БН да қўлланган сўз ва бирикмалар тасдиқлайди.

2. БН да оқар сув ва қора сув бирикмалари қийёсланган. Қийёсий нисбатланиш "оқар" "қора" лексемалари орқали намоён

қилинган. Нисбатланишни ифодаловчи лексемалар туркуми турлича: оқар: (оқ-бел узаги, -ар -сифатдош ҳосил қилувчи қўшимча) - ҳаракат билдирувчи лексема, ҳаракат билан реаллашган белги ифодаси, қорэ-ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан ранг билдирувчи лексема. Лекин бу лексемалар сув лексемаси билан муносабатга кириши ва бирикма ташкил этиб гидрографик термин фаолиятига эга бўлганда, ўзларичинг апеллятив лексика маъмуидаги маъносидан бирмунча ўзгарашиб янгича маъно хоссасига эга бўлади: оқар сув - дарё, қора сув - булоқ суви, оқар сув - оқим тезлиги, ҳажми ва миқдорига эга бўлган сув, оқар сув - қор эришидан ҳосил бўлган сув, қора сув - тордан анча узоқдаги, қорли жойдан йироқдаги ер ости суви. БНнинг турли саҳифаларида, хусусан, Афғонистон ва Ҳиндистон табиати, замини, сув йўллари ҳақида фикр юритилганда бу атамалар фаол қўлланган. БН да эски ўзбек адабий тили ва халқ шеваларидаги, ўзбек ва афғон (пушти), ўзбек ва тожик, ўзбек ва ҳинд тилларига мансуб сугориш ифодалари - сўз ва бирикмалар нисбатланган, қиёсланган.

"БН" да зикр этилган сугориш ифодаларини маъно, ясалма, мансублик, қўлланиш каби турли мезон, меъёр ва йўналишлар жиҳатидан қиёслаб ўрганиш ўрта асрлар ўзбек тили сўз бойлигини, тиллар ҳамкорлигини, халқ тили ва нутқининг фазилатларини тўғри, илмий терең белгилас имконини беради. БН даги сугоришга оид лексемаларнинг маънавий ва мансублик хусусиятлари ҳақидаги дастлабки кузатишлар шу мулоҳазани таъкидлаш заруратини тўғайди:

Намуна: туркий қатлам: сув, суй, сугормоқ, сув қилиш, кечик, кечим, ариқ, миничка сув, келин сув, қора сув, қудуғ, уяғ сув, қилга, сой, тўғон, кўл, қўл, ариқ қазимоқ, сув чиқармоқ, чох суви, сув (муз), совуқ сув, ботмоқ, ботқоқлик, орол, болчилик.

Эроний қатлам: дарё, обкан, руд, зарвова, гўзар, банд, чарк, сох, шоҳай, хуй, ноб, чах, чох, даҳани, сох об, обгир, поноб, ком, сарбанд, ниноб, захбур, қориз, обдуб, чашма, убур, мушур. Араб тилига мансуб лексемалар кам учрайди: ҳаво.

Сугориш ва сув оқимига доир лексемаларни эроний ва туркий тилларнинг ўтмиши ва ҳозирги билан тадрижий қиёслаб таъкил этиш ҳар бир сўз ва бирикмачининг лексикий фазилатларини изчилроқ аниқлашга йўл очади. Ана шундай тадқиқ учун БН муҳим манба саналади.

Telegram adress:

Н. Хусанов,

Н. Эркаев.

"БОБУРНОМА" АСАРИДА АЙРИМ ОНОМАЛАРНИНГ

ИЗОҲЛАНИШИ

Бобурнинг "Бобурнома" асари тил жиҳатдан ғоятда баркамол-лиги, географик, тарихий, этнографик манбаларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бобур асарда ономалар тўғрисида ҳам қизиқарли маълумотлар беради. Бъъзан ономалар устида фикр юрттар экан, унинг этимологияси, қайси тилга мансублиги тўғрисида хабар беради. Лекин, БН асарда учрайдиган жой номлари, киши келлари мазкур ижтимоий даврни, унинг турли-туман чизмаларини узида мужассам этади. Худойберди Тугчи Мўғул, Иброҳим Бекчик, Семирқанд, Ҳоратегиш, Кутуқбегиш, Ҳорақўзбегиш каби ономаларнинг асарда ифода этилишида БН тилида эски туркий тилга хос кўрсаткичларнинг табиий равишда намоён бўлишини кўрамиз. Бунда, Иброҳим Бекчик ономасидаги -чик аффикси, ёки "тегиш", "кутуқ" каби арханк сўзларнинг онома таркибида келиши фикримизнинг далилидир. Аммо асардаги кўпгина ономалар, жумладан, Ҳорабулоқ, Қонигил, Бобоҳон, Қарши, Сугд қабилар қадимда қандай ифодаланган бўлса, ҳозирги ўзбек тилида ҳам худди шундай баён этилади. Бундай манбалар эса Бобур асарларининг тили халқ тилига яқинлиги, изчиллигини кўрсатади.

БН ни варақлар эканмиз, Бобур тоҳ жуғрофия илмларининг улкан намоёнчаси сифатида кўз олдимизга келади. Бобурдаги бу хусусият БН да айрим ономаларга берилган изоҳларда айниқса яққол кўринади.

І. ТОПОНИМЛАРГА берилган изоҳлардан:

Қарши: "яна Қарши зилоятидурким, Насаф ва Нахшаб ҳам дерлар. Қарши мўғулча оттур, гурхонани мўғул тили била қарши дерлар". (БН, 103-б).

Чинхона. "Ушбу борчада яна бир чордара солибтур, изораси тамом чиний, Чинхона дерлар" (БН, 106-б). Лақлақа. "Самарқанднинг қалъасининг ичида яна бир қадимий имораттур, масжиди Лақлақа дерлар. Ул гумбазнинг ўртасида ерга тепсалар, тамом гунбаздин лақ-лақ ун келур, ғариб амирадур, ҳеч ким мунинг сиррини билмас" (БН, 106-б). Бу парчаларда тилга олинган ономалар жойнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда изоҳ қилинади. Лақлақа ономасининг этимологияси бир қарашда афсонага ҳам ухшаб кетади. Лекин маса-

лага жиддий қараб изоҳни тилшунослик нуқтаи назаридан қабул қилсак, афсона ҳақиқатга айланади. "Дақ-лақ" табиатдаги товушга тақлид йули билан ҳосил қилинган сўз. Давр ўтиши билан, фонетик ўзгаришлар натижасида "лақ-лақ" "лақлақ" ҳолига келган, бўғинлар уйғунлашиб, сўз охирида "а" унлиси орттирилган.

Ҳодарвеш. "Дерларким, бир неча дарвеш бу болияда тунд елга йўлуқуб, бир-бирини тополмай, "Ҳо, дарвеш", "Ҳо, дарвеш" де-де ҳалок бўлубтурлар, андин бери бу болияни "Ҳодарвеш" дерлар". (БН, 62-б). Бунда "Ҳо, дарвеш" - Ҳо"дарвеш" шаклига кўчган. Фонетик ўзгариш г'з берган.

Бобур "Авғоншол" ономасидаги тил ҳодисаларини қуйидагича шарҳлайди: "Авғоншол элдур. Қобулда бу лафз войиъдур. Голибо авғон шориқдурким, Авоншол дерлар". Бунда Авғоншол сузининг Авоншол ҳолига кўчиш йули қайи эгилади. Таларфўзда "ғ" ундоши тушиб қолади. Ламгон. "Даррати Нух пайгамбарнинг отаси Меҳтар Ломнинг қабри Алишанг туманидадир. Баъзи тарихта Меҳтар Ломни Ламак Ламкон дебтурлар. Ул эяни хили мулоҳаза қилибтурким, баъзи маҳал "коф" урунига "гайи" таларфўз қилурлар, бу жиҳаттин голибо бу вилоятни Ламгон дебтурлар" (БН, 191-б). Така секретку: "...бу жиҳатдин ул мавзуъ бу номга мавсумдурким, ул ердин така секретандур, (БН, 65). Обираҳмат (Сийёҳоб) - Кониғил Сийёҳоб ёқасидадурким... Обираҳмат ҳам дерлар, Кониғилнинг ўртасидин оқар, етти-саккиз тегирион суйи бўлғой. (БН, 107).

2. АНТРОПОНИМЛАРГА берилган изоҳлардан:

"Бобурнома"даги Тенгриберди Сомончи, Қал Қонук, Худайберди Темуртош каби антропонимларни кўрганимизда ҳам ҳозирги замон ўзбек тилига нисбатан уларнинг бирмунча фонетик ўзгаришларга учраганлигини биламиз. Тенгриберди - Тангриберди: е - а: фонетик процесс. Темуртош - Темиртош; у - и. Алзамон - Душанба кунини рабиул - аввал ойининг унида Муҳаммад Хумордин қосқилар келиб, мулозаматлар қилдилар ва ариза ҳам келтурдиларким, анда битиб эрдиким, тенгри таоло бизга бир ўғул каромат қилди, анинг отини Алзамон қуйдук. Ушбу от бизга хуз ёнмади (БН, 420-б.)

ДИЗАБРУЛЛО - Зунун аргунининг лақаби.

Тафсили буюрким, Ҳирида мундоққим эътибор ва ихтиёр бўлди, бир неча шайх ва мулло анга келиб дерларким, Дутб-Окзининг билди ихтилот қилладур, санга "дизабрулло" лақаб бўлди, сен ўзбекни олғунгдур" (БН, 235-б.)

ДИНДОЛ - "...диндолнинг тундон хабарини ҳам келтурдилар.

ҳиндинг тасхири замонда бу хабар келгани учун, шугун тутуб,
диндол от куйдум" (БН, 293-б).

МИР ХУРТОЗ - лақаб.

Эна Мир ХУРТОЗ эди, ҳикамийет ва ишқулотни яхши билур эди,
анинг учун бу лақаб била мулаққаб бўлубтурким, бисёр рўза тутар
экандур". (БН, 240-б).

ОЛАЧАХОН - Султон Маҳмудхондин кичик Султон Аҳмадхон эди-
ким, Олачахонга машҳурдир. Олачанинг ваққи тасмилси муни дерлар-
ким, қалмоқ ва "мўғул тили била ултургучини "олачи" дерлар,
қалимоқни неча катга босиб, қалин кивисин қирғон учун Олачи де-де
касрати истемол била Олача бўлубтур" (БН, 69-б.)

"Бобурнома"да мзлаб уруғ ва уларнинг тиллари ҳақида ҳам
кенг изоҳлар берилгани, бу бунга бобомизнинг улкан тилшунос
олим ва сўз санъаткори эканлигидан далолат беради.

Ушунан "Бобурнома"да онамалар ниҳоятда кўп ва ранг-баранг.
Уларни таъқиқ қилиш тилшунос олимларнинг олаида турган муҳим
вазифалардан биридир.

Валижон Қодиров:

(Андижон Дашлат тиллар
педагогика институти)

БОБУР ЛИРИКАСИНИ ЎРГАНИШДАГИ АЙРИМ

МАСАЛАЛАР ХУСУСИДА

Давримизнинг адабиётшунослигимиз олдига қуйган долзарб
вазираларидан бири ҳар бир адиб ижодини у яшаган давр, ижтимоий
воқелик ва муҳит, уша даврдаги ҳукмрон мафкура ва фалсафий
қарашлар, шунингдек, ижодкорнинг шахсий дунёқараши ва тақдир
билан боғлиқлигида ўрганиш ва таъқиқ этишдан иборат. Бундай
кенг қамровда таъқиқот олиб боришнинг мақсадга мувофиқлиги ўз-
бек адабиётшунослигида Н.Комилов, Иброҳим Ҳаққул каби олимлари-
миз изланишларида¹; классик туркий шеърият намоёндалари, асар-
лари устида илмий ишлар олиб борган Е.Э.Бертельс, С.В.Иванов,

1. Нажиддин Комилов, Бобурурду Эралиев, Ишқ отагининг саман-
лари. "Шарк алдузи" журнали, 1991 йил II-сон; Алишер Навоий.
Ҳазаллар, шарҳлар. Мақолалар туплами. Т., "Дамалак" 1991 й.
Иброҳим Ҳаққул. Тасаввуф ва шеърият. Т., Ғ.Ғулом нашр.,
1991 йил.

Telegram adress:

И.Э.Стеблева каби рус адабиётшуносларининг мақола ва китоблари-
да¹ уз аксини топгандир. Худди шу нуқтаи назардан қараганда
ҳозирги замон бобуршунослиги олдида ечимини қутаётган анчагина
муаммолар борки, улардан энг муҳимлари, бизнинг назаримизда,
қуйидагилардир.

Бобур ижодини, унинг фардлари, китъаларидан тортиб газал,
маснавийлари то БН гача - барча асарларини бир бутунликда,
узaro алоқадорликда, яхлит бир тизим /система/ сифатида ўрга-
нилиши зарур. Чунки ҳар бир асар шоир дунёқараши, бадиий ва
эстетик оламнинг ўзига хос такрорланмас қирраси бўлиб, улар
бир-бирини тўлдиради, изоҳлайди. Ҳозиргача шоирнинг ана шу
тизимга кирган бир бутун ижоди унсур /элемент/лар буйича, тур
ва жанрлар буйича алоҳида-алоҳида ўрганиб келинди. Кимдир
Бобур шеърятини ўрганган бўлса, кимдир "Бобурнома"ни, яна
бироз унинг илмий асарларини тадқиқ этган. Албатта, бу тадқи-
қотларнинг дастлабки босқичи учун тўғри ва табиий ҳолдир.
Тизимни ўрганишдан аввал унинг унсур /элемент/ларини, уларга
хос бўлган хусусиятларни билмоқ керак. Лекин улардан бирорта-
сининг тадқиқига алоҳида ҳолда киришиллар экан, уни бошқаларидан
бутунлай ажратмаган ҳолда, бошқаларини назардан соқит қилмай
иш тутид мақсадга мувофиқ булур эди. Бобур ижоди тизими унсур-
лари ўрганилиб бўлгач, уларни умумлаштириб йирик тадқиқотларни
амалга о.риш ва пировард натижада шоир ижодига хос бўлган
ички ва ташқи қонуниятларни кашф қилиш имкониятига эга бўлина-
ди.

Ҳозирги кунда классикларимизнинг ижоди ҳақида гапирилган-
да уларнинг полифоник хусусиятга эга эканлиги таъкидланмоқда.
"Полифония" - кўп оҳангли, кўп маъноли дегани... Полифоник ибодат-
лар шеърдаги маълум бир образ ёки белги таъсирида кўплас ҳаё-
тий ҳолисалар ҳақида фикрлашга йўл кўрсатади. Полифоник услуб-
даги тасвир ва полифоник муносабат ҳозир биринчи ўринга қўйил-
моқда. Бунда тафаккур ялқовлиги ва фикрсиқаликка муровоийлик,
қандайдир аёвсиз қаршилиқ сезилади. Шеърхон айтмаган сўздан
айтилмаган сўзларга ҳақиқат кўплигини аяс этиб, уша ҳақиқатлар
мушоҳадасига берилади" - деб ёзади адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул²!

1. Бертельс Е.Э. Суфизм ва суфийская лит-ра. М. 1966; Иванова С.Э.
Пять веков узбекской газели: - В красе натленной предстаит.
М. 1977. Стеблева И.Э. Семантика газелей Бабурра, М., "Наука",
1982 г.

2. Иброҳим Ҳаққуллов. Шеърят - рухий муносабат. Т., Ф. Ғулум
нашр., 1989. 19-20 бетлар.

Маълумки, полифония назариясини рус адабиётшуноси Бахтин улут рус ёзувчиси Достоевский асарларида кашф қилган эди. Унингча, асардаги асосий бир неча образларнинг бир-бирларига ўзаро муносабати, баҳоси ва уларнинг ҳар бирининг ўзларини ички таҳлил этишлари бу назарияга асос бўлган. Демак асарни тизим сифатида таҳлил қилиш ички унсурларни ўзаро алоқадорликда, ўзаро муносабатда таҳлил этишдир. Лекин шеъриятда насрдаги каби бир неча образнинг ўзаро муносабати, баҳоси /яъни овози/ тарзида эмас, балки, олимимиз айтгандай, фақат "маълум бир образ ёки белги"нинг муносабати устун туради. Албатта, ҳар бир шоир, жумладан, Бобур шеъриятининг образларини ўзаро алоқадорликда ва таъсирда, яхлит тизим сифатида урганиш зарур. Лекин унда бир образнинг — лирик қаҳрамон /айтайлик ошиқ/нинг муносабати /свози/ асосий урин эгаллаб, бошқаларининг муносабати, ички уй-фикрлари мавжумроқ қолади ёки берилмайди, берилган тақдирда ҳам яна лирик қаҳрамонга қайтадан ва унинг ички туйғуларида "қайта ишланиб" баён қилинади. Шунинг учун Бахтин назариясини шеъриятимизга тўғридан тўғри татбиқ этиш тўғри эмас. Олимнинг "айтилган" ва "айтилмаган сўзлар" ҳақидаги фикрларига келсак, бу тушунчалар классикларимизда ўзига хос шакллар ва воситалар билан ифода қилинган. Навоий "Маҳбуб-ул-қулуб"да "ҳақиқат асрорини мажоз тариқи" билан баён этиш дейди. Мажоз — шеърнинг айтилган сўзлари, ҳақиқат — айтилмагани. Мажоз — шеърнинг зоҳирий, ҳақиқат — ботиний томони. Лекин улар ҳар бир шоирда ўзига хос тарздадир. Бобур ижодидаги ана шу зоҳирий ва ботиний ўзига хосликни урганмоқ зарур.

Бобурнинг шахс ва шоир сифатида тасаввуф фалсафасига муносабати ҳам қизиқарли мавзудир. Унинг ҳаётда ҳам, ижодда ҳам сўфий бўлмагани аён. Лекин ўз даврининг фарзанди сифатида у мазкур буёқ фалсафа таъсиридан холи бўлмаган, албатта. Бу ҳақда Иброҳим Ҳаққул "Бобур ва тасаввуф шеърияти" номли мақоласини¹ эълон қилди. Муаллиф унда ўзининг нозик кузатишларини баён қилади, "Бобурнома"ни, шоирнинг турли жанрдаги шеърларини чоғиштириб, қиёслаб, боғлаб унинг дунёқарашини очиб беради. Лекин мақолада, муаллифнинг ўзи айтганидай, "шоир шеъриятининг тасаввуфга алоқадор айрим жиҳатлари талқин" қилинган. Бобур шеъриятидаги руҳий таъқиқ-нуқталари унинг дину тасаввуфга муносабати БН нинг Бобур ҳаёти билан боғлиқ тасвирларида, шайху уламолар, шоиру олимларга муносабатида ҳам у ёки бу даражада намоён бўла боради.

¹ - Иброҳим Ҳаққул. Тасаввуф ва шеърият. 162-172-б.

Шоир шеърятини, тўғрироғи, газалларини арунинг назарий аспекти асосида чуқур ўрганиб чиқиш лозим. Айниқса, қофия муаммоси ўз ечимини кутмоқда. Қофия илми бўйича газал қандай қофия тури билан бошланса, охиригача шу турдаги қофия давом этиши керак. Бобур эса баъзи ҳолларда бу қоидага бузади. Масалан, "Соқий, эрур илрат чоғи афсурда булма дай била" мисраси билан бошланувчи газалда "май", "дай", "най" сўзларига "ой" қофияланади. Ана илми қофияга кўра қўшимча орқали ҳосил қилинган қофия айбли қофия ҳисобланган /Навоийнинг "Ул санамки..." деб бошланувчи Атоий байти "қофиясида айбгинаси бор" деганини эсланг/. Шоирнинг "Ул парийнинг тийғидин қурқутма мени, эй рақиб" мисраси билан бошланувчи газалининг қофия катори – рақиб, насиб, ғариб, ёсаниб, табиб. Қофияни ҳосил қилувчи асосий унсур-равий –"б" товуши ("ёсаниб" сўзида) равишдан қўшимчаси таркибидан келган.

Не чаманда сарв бор ул қомати раъно киби,

Не гулистон ичра гул бор гул рули зебо киби.

натлали газалидан кўриниб турибдики, қофия равийси – сўз охиридаги "о" товуши. Газал қуйидаги мисра билан тугайди:

Мени кўйдурмакка еладур маркаб, ўтдур роқиб.

Шуниси қизиқки, бу ерда қофия ва рақиб бир сўзда берилган, равий эса сўз ўртасида. Ўзбеки қараганда Бобурни илми қофияни билмасликда ёки унга риоя қилмасликда айблан мумкин. Аммо аруз вази ҳақида илмий асар ёзган олимнинг қофия илминини ҳам мукаммал билгани шубҳасиз. Қофиядаги чекинишларнинг сабабини биринчидан, туркий-ўзбек тилининг аглаэтинатив табиатиан, унинг фонетик хусусиятларидан ахтариб керак, қолаверса, бу ҳолат Бобур газаллари қофиясининг ўзига хослиги билан ҳам изоҳланади.

Биз юқорида Бобур ижодини ўрганишдаги адабиётшунослик олдидан турган айрим вазифалар тўғрисида тўхтадик. Бобур мероси тилшунослик, тарих, этнография, жўроғия, ноботот ва бошқа соҳа кишилари учун ҳам ўрганиш объектидир. Бу соҳаларнинг илм аҳла-ри аввало ўзлари учун қимматли илмий хулосалар олдидан, қолаверса, улўф бобокалонимизнинг ўзбек миллати ва қатор ёшиқ халқлари тарихи, илм-фани, маданиятидаги ўрнини белгилашда ўз хиссаларини қўшадилар.

Telegram adress:

@turkiston_kutubxonasi

Муяссар Ҳасанова,
(Гулистон ДУ)

"БОБУРНОМА"ДА КИШИ НОМЛАРИНИНГ ИРОДАЛАНИШИ

Бадириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" асари номшунослик учун муава кимматли маълумотлар берувчи манба ҳисобланади. Ҳунончи, китобда тузилиши, келиб чиқиши билан фарқланувчи, турли тил материалли бўлган қатор киши ном-ларифлари учрайди.

Уна шуниси эътиборлики, Бобур узи тилга олган кишиларнинг тахаллус ва лақабларини ҳам қайд қилган. Бу нарса ўда одам ҳақида тулиқ тасаввур ҳосил қилибгина қолмай, номшуносликни ҳам бойитади.

Мутолаа жараёнида маълум бўлдики, топиб қуйилган, уринли берилган лақаблар киши номларининг ажралмас қисмига айланиб кетган.

Асардаги бундай номларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Ажал-мартабани аниқлашувчи номлар: Боҳ Махмуд парвоначи, Саид ҳосин эшик оға, Абдулазиз Мирохур, Вали хизоначи, Муҳаммад Али баҳши, Муҳиб Али Қурчи, Гарвеш Муҳаммад сарбон, Муҳиб Али Ҳалифа, Ҳотам қурбеги ва бошқалар.

2. Касб-ҳунарни билдирувчи номлар: Абдулло бақовул, Абдулло китобдор, Бехзод мусаввир, Саид Ҳасан ўғлоқчи, Шохқулий ғижжакий, Мерқули қоровул, Камол шарбатчи, Мустафо тўпчи, Абдулло маснавийғуй, Максуд сувчи, Муҳаммад шариф мунажжим, Ҳусайн Удий, Мир Намолиддин муҳаддис, Абул Муҳаммад найзабоз ва бошқалар.

3. Уруғ ва қабила билан боғлиқ бўлган номлар: Рустам туркман, Ҳасан Али халойир, Иброҳим Чигатой, Ислим Барлос ва бошқалар.

4. Дойга нисбатан берилган номлар: Гадоё Билол Хирий ва бошқалар.

5. Ҳайвон номларига нисбат бериш билан қўйилган номлар: Поянда Муҳаммад қоплон ва бошқалар.

6. Зоди-зурёдини билдирувчи номлар: Шайх Низом авлиё, Шаҳрибону бегим, Бадиуззамон Мирзо, Сухроб Мирзо, Ҳамза Султон ва бошқалар.

7. реъл-атвор, хусусият муҳассамланган номлар: Шаҳбоз қаландар ва бошқалар.

Ҳиз улбу ишда БН хазинасидаги узимизнинг эътиборимизни тортган бир дур ҳақида таъриф қилдик, ҳолос. Бу хазина ичига

далил ва чуқурроқ кириб бориб маънавиятимиз сандигини саноқсиз дуру жавоҳирлар билан бойитиши шубҳасиз.

Г.Расулова,
(Андижон ДУ)

БОБУР АСАРЛАРИДА "КЕНТ" ТАРКИБЛИ ТОПОНИМЛАР ВА УЛАРНИНГ ВАРИАНТЛАРИ.

Ҳар қандай суз шакли морфемик жиҳатдан маъноли қисмларга бўлинади. Маъноли қисмлар тил ёки нутқ сатҳининг бирлиги эканлигига кўра инвариант ва вариантларга ажралади. Ҳар қандай инвариант вариантларнинг умумлашмаси, вариантлар эса инвариантнинг нутқдаги конкрет кўринишлари саналади. Ҳар қандай инвариант умумлашма тил бирлиги сифатида нутқда вариантлар орқали намоён бўлади. Уз навбатида инвариант бир қанча вариантларнинг умумлашмасидир. Инвариант-вариант муносабати умумийлик ва хусусийлик диалектикасини намоён қилади. Бундай муносабатларни БН топонимлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Ушбу мақолада биз БН да учрайдиган "кент" таркибли топонимлар ва уларнинг вариантлари ҳақида тўхталмоқчимиз.

Андижон топоними "Бобурнома" да алоҳида узига хос ифода билан тилга олинади. Яъни: Андижон- "Фарғона вилоятининг пойтахтидур, эли туркидур. Шаҳр ва бозорисинда туркий билмас киши йўқтур." (БН, 60-с).

Биз ёқорида фикр эритмоқчи бўлган "-кент" аффикси бу номда "-жон" варианты билан ифодаланган. "жон" варианты "-кон, -гон, -кент" вариантларида ҳам учрайди.

Андикент - биринчи қисми этноним, яъни анди - азгиш (уруғ номи) кент - жой номи, шаҳар маъносини берувчи аффикс.

Ҳайхун суйининг шимоли тарафидаги қасабалар: бир Ахсидур. Китобларда Ахсикат битирлар. Нечукким, Асириқдин шоирни Асириқдин Ахсикатий дерлар" (БН, 62).

Ахсикат - ҳозирги Аҳси (Наманган вилояти). Бу ерда кент варианты - кат шаклида қўллангани кўриниб турибди.

"-кент" аффикси ўзгаришсиз айни шу вариант билан Ўтроркент топонимида учрайди. Яъни: "Шарқи-Қошғар, ғарби- Самарқанд, жануби - Бадахшоннинг сарҳади тоғлар, шимолида, агарчи бурун шаҳрлар бир экандур, мисли: Олмалиқ ва Олмоту ва Ўнги ким, кутубларда Ўтроркент битирлар, мўғул ва ўзбек жиҳатдин бузулубтур"... (БН. 60 с.)

- кент вариантнинг яна айнан шу тилдаги кўриниши Этти-кент номида ҳам учрайди. "Бир гиёҳ эшитилдиким, Эттикентнинг тоғларида бўлур, ул эл "айиқ ути" дерлар". (БН, 63-с.) Тошкент топоними БН да "Тошканд" деб қайд этилган. "Отаси Барғона вилоятини бериб эди, неча маҳал Тешканд ва Сайрам ҳам мирзонинг тасарруфида эдиким, отаси Султон Аҳмад мирзо бериб эди".

Бошқа бир мисол: Самарқанд -қанд варианты билан учрайди.

"Хужанддин Самарқанд ҳам йигирма беш йигоч йўлдур, қадим шаҳарлардандур" (БН, 62-с.)

"-кент" аффиксининг ёқоридаги номларга бирикузини морфологик жиҳатдан мушоада қиладиган бўлсак, Эттикент топонимида "-кент"нинг сон туркумига қушилгани маълум бўлади.

Тошкент номида эса - қанд варианты Топ - этнонимига ("Чоч" варианты ҳам бор, лекин бу вариант БН да қўлланмаган) - отга қушилган.

Ёқоридаги фикрларга хулоса ясаб, шунини айтиш мумкинки, "кент" инварианти БН да:

- жон (-гон, -кон);
- кент(-кат, -канд);
- канд;
- он вариантлари билан тилга олинган.

Боғуржон Қамбаров,
(Андижон ДУ)

"БОБУРНОМА"ДА БАҲО МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Кейинги йилларда тилшуносликда тилни логик-семантик йўналишда таҳлил этишга катта эътибор берилмоқда. Ўзбек тилшунослигида ҳам тилни прагматик йўналишда урганиш бўйича қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда..

Маълумки, баҳо ва унинг муносабатлари, турлари, хусусиятлари қадимдан фалсафий, мантиқий нуқтаи назардан урганилган. Ҳар қандай объектив борлиқдаги нарса, белги, ҳаракат ёки ҳолат баҳо-си тилда уз ифодасини топади. "Суз нафақат грамматик, лексик маънонигина билдиради, шу билан бир қаторда, объектга субъектнинг баҳосини ҳам намоён этади".

1. В. В. Виноградов. О категории модальности и модальных словах в русском языке. История советского языкознания, М., 1961. 310-бет.

Ушбу мақолада Заҳриддин Муҳаммад Бобур асари бўйича баҳо, баҳони қийсий йуналишда аниқлаш, баҳо меъёрлари, уни шакллантирувчи лисоний ва нолисоний воситалари тўғрисида фикр uringиз.

Лексик маънонинг баҳо севалери ижобий ва салбий бўлиб, икки ўзаро қарима-қарши қутбий баҳо муносабатларини ифодалайди.

"Баҳо қийслашдан ажралмасдир"¹⁾ Чунки ҳар қандай ижобий ёки салбий баҳо уни бошқа нарсага қийслашга кура аниқланади.

Новароуннаҳрда Бухоро қовунича кўп ва кўп қовун бўлмаc. Агарчи фарғона вилоятидин Аҳсининг бир навъ қовуникии, "мир темурий" дерлар, мунинг қовунидин чучукроқ ва нозукроқ булур.²⁾ Ушбу мисолда Бобур Бухоро қовунининг таъририни келтириш баробарида унинг баҳо муносабатларини (маза-таъмини, шакл-шамойилини) таққослаш орқали очиб бериоқда. Бу уринда морфологик категория-даражи орқали баҳо ифодаланмоқда.

Ҳар қандай ижобий (+) ва салбий (-) баҳо қийслаш асосида очиб берилар экан, бу таққослаш ноль баҳога (нейтрал баҳога) нисбатан олинадик ва қўйидаги кўринишга эга булади:

$\frac{+}{-} \quad 0 \quad -$

Ноль баҳо ҳам маъно ифодалайди ва меъёр, тузук, урта, ўртача каби сўзларни ноль баҳо деб олсак, яхши, ёмон сўзлари семантик жиҳатдан ижобий ҳамда салбий баҳо маъноларини беради:

яхши +

Санарқанд шаҳри ажиб тузук (0) шаҳредур (45-бет)

ёмон -

Баҳо муносабатлари маълум сўзларни келтириш асосида ҳосил қилинганда сифатий муносабат келтирилмаган сўз ноль баҳога тенг келади:

қаттиқ-қаттиқ (-)

... бир пора (0) сўз айтдим, (234-6)

ширин-ширин (+)

"Бобурнома"да жуда кўп шахслар, жойлар, ҳайвонлар, ўсимликлар ва бошқа объектлар таърифи ҳамда тарсиби берилгани учун унда баҳо муносабатлари кўп.

Масалан, Ўрмас ахлоқ ва аъволик кили эрди. Бахил ва фит-

1. Н. Л. Артюнова. Сравнительная оценка ситуации. Серия языки и литературы. том. 42. 3 4. 1988. 330-бет.

2. Э. М. Бобур. Бобурнома. Т., Ўлдузча. 1989, 47-6.

Telegram adress:

на зумухт ва мунофиқ ва худписанд ва қаттиқ сўзлук ва совуқ
эзлук киши эрди. (17-6)

Иккороқ хейли латиф ва хуш ҳаво муносиб ерлардур. (240-6)

Баҳолашда субъектнинг баҳоланувчи объектга муносабати
катта аҳамият касб этади. Бир объект икки субъект томонидан
икки хил қутбий муносабатда бўлиши мумкин. Бунда нисбий баҳо
объектив борлиқдаги нарса, белги, ҳаракат субъектга таъсирига
нисбатан олинади ва шу асосда баҳоланади:

Бу тарихдаким, Мен ҳиндустонни фатҳ қилдим, беш мусулмон
подшоҳ ва икки қофир ҳиндустонда салтанат қилурлар эрди. (248-6)

БН да баҳо муносабати фонетик, лексик-семантик, морфологик,
синтактик каби усуллар билан ифодаланган бўлиб, улар ичида лек-
сик-семантик усул етакчи ҳисобланади.

Зиёвуддин Қодиров,
(Анцижон ДУ)

БОБУР АСАРЛАРИДА КЕЛИШКИЛАРНИНГ СЕМАНТИК ДИСТРИБУЦИЯСИ

XX асрга келиб қатор фанларда - математика, физика, химия,
биология, психология тилшунослик каби фанларда туб бурилиш ясал-
ди, яъни назкур фанларда структура (тузилиш)ни урганиш бошлан-
ди. Бу бурилишга Чарли Дарвиннинг органик дунёнинг эволюцион
назарияси, яъни органик дунё ўзаро боғланган систематик гуруҳ-
лардан тузилган бир бутун деб кўрсатиши, Д.И. Менделеевнинг
химиявий элементларнинг даврий системасини тузиши сабаб бўлди.

Структура ўзаро боғланган ва ўзаро муносабатга киришадиган
элементлар мажмуасидир. Тилшуносликдаги бу йуналиш структур
тилшунослик номини олди. Бу йуналиш жаҳондаги қатор мамлакатлар-
да ўзининг истеъдодли вакиллари етиштирди. Швецарияда - Ферди-
нанд де Соссюр, Чехословакияда - рус олими Н.С.Трубецкой, Копен-
гагенда - Л.Ельмслов, Англида - Э.Сепир, Л.Блумфильд, С.Харрис ва
бошқалар.

Америка структурализми жаҳонга ўзининг дескриптив лингвист-
тикаси билан машҳур бўлди. Дескриптив метод тилнинг барча сатҳ-
ларига татбиқ қилина бошланди. Дескриптив методнинг асоси дистри-
буция ҳисобланади. Хусусан, фонологияда фонемалар, морфологияда
морфемалар дистрибуцияси, лексикологияда лексемалар дистрибуция-
си ва бошқалар.

Бу йуналиш асосчилари Франс Боас, Эдуард Сепир, Леонара

Блумрильд ҳисобланади.

Элементлар дистрибуцияси деганда, нутқ айтида ўчровчи бир ном остидаги элементлар қиммати тушунилади.

Ҳозирги кунда жаҳон тилшунослигида дистрибуция уч типга ажратилади: 1) икки элементнинг умумий дистрибуцияси чағиштирилганда ҳар икки элемент бир қимматга эга бўлган контекст бўлмаса, қўшимча дистрибуция ҳисобланади; 2) элементлар муайян контекста умумий бир қимматга эга, лекин ички фарқ мавжуд бўлса, контраст дистрибуция ҳисобланади; 3) элементлар муайян қуршолда қиммат жиҳатдан фарқланмаса, эркин дистрибуция ҳисобланади.

Структур методга асосан, ҳар қандай тил, бирлиги тил макросистемасига нисбатан микросистемадир ва ўз навбатида, муайян элементлар мажмуасидан ташкил топган системадир.

Биз қуйида Бобур асарлари келишиklarининг семантикасини дистрибуция типларида таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас.

Маъкур гапта ўрин келишиги бош келишик билан семантик эркин (эквивалент) дистрибуция ҳисобланади.

Қовун маҳалида ... расм эмас.

Қовун маҳали ... расм эмас.

Бобур, бўлубтурур икки кўзум йулида турт.

Маъкур гаптаги ўрин келишиги жўналиш келишиги билан эркин дистрибуция ҳисобланади, яъни ўрин келишиги ушбу позицияда кучсиз позиция эгаллаган. Шунинг учун ҳам жўналиш келишиги билан функционал - семантик нейтраллашади.

...Йулида турт

...Йулига турт

-дан

Эгма қаддим айб қилма қоши ёлар ишқида

Маъкур гаптаги ўрин келишининг семантик шакли чиқиб келишининг семантик шакли билан функционал-семантик нейтраллаша олади, агар дистрибуцияга тўширсан, қисман (контраст) дистрибуция ҳисобланади.

...қоши ёлар ишқида.

...қоши ёлар ишқидан.

Хуринисо Усмонова,
(Андижон ДУ)

"БОБИРНОМА"ДА МУРАККАБ НОМЛАРИНИНГ /ДЕСКРИПЦИЯНИНГ/
ГАПДАГИ ВА СЎЗ ШАКЛЛАРИНИНГ МУРАККАБ НОМ ТАРКИБИДАГИ
У Р И Н Л А Р И

Гап таркибидаги сўз шакллари ўзаро грамматик ва мазмуний жиҳатдан синтагматик муносабатда бўлади. Сўз шакллариининг гап синтактик тузилишидаги қиммати унинг позициясига боғлиқ.

Маълум сўз шаклининг бошқа сўз шаклига нисбатан ҳолати шу сўзнинг позицияси ҳисобланади.

Нутқ занжирида ўзаро муносабатда бўлган сўз шаклларида бирининг позицияси доимо аниқ, бошқа сўзники эса ноаниқ бўлади. Масалан, жумла ўзаро муносабатда бўлган а, б, с, д сўз шаклларида ташкил топган бўлсин. Агар а позицияси б га нисбатан белгиланса, б нинг позицияси бу ҳалқада номаълум бўлади. Унинг позицияси б – с муносабатда с га нисбатан белгиланади. Шундай қилиб, гапда сўз шакллариининг позициялар занжири вужудга келади. Маълум бир позицияни бир сўз ва бирдан ортиқ сўз бир бутун ҳолда эгаллаши мумкин. Масалан, Сешанба кун рамазон ойининг бешида бу хабар Андижонга келди. (БН, 72-б). Ёқоридаги гап беш позицияли гап бўлиб, икки позицияда биттадан сўз шакллари /Андижонга ва келди сўз шакллари/, учта қозицияда эса бирдан ортиқ сўз – мураккаб номлар келяпти.

Ҳар қандай гапнинг қурилиш ва мазмуний маркази предикативлик шаклидаги кесим саналар экан, гапнинг синтактик ва мазмуний тузилиш бирликлари ҳам кесим асосида изоҳланиши лозим бўлади.

Синтактик позиция тушунчаси гапнинг шаклий тузилиш бирликлари учун қўлланилади. Гапнинг мазмуний тузилиши эса предикат ва унинг аргументлари муносабатида ташкил топган система сиратида қаралади.

Ҳар икки тузилиш бирликларини аниқлаш учун таянч нуқта предикативлик шаклидаги предикат саналади. Мазмуний бирликлар кесим позициясидаги предикатнинг бўш уринларини тўлдириб келса, шаклий бирликлар кесим позициясидаги сўз шаклига нисбатан муайян позицияни эгаллайдилар. Хусусан, ёқоридаги мисолда Андижонга

1. Ломтев Т.П. Структура предложения в современном русском языке. М., 1979, с.110.

сўз шакли мазмуний жиҳатдан келди предикатининг ўрин валентлигини тўлдириб, шаклий жиҳатдан кесимга нисбатан ҳол позициясида, бу хабар мазмуний жиҳатдан предикатнинг ҳам агенса, ҳам пациенс валентлигини тўлдириб, эга позициясида, сешанба кuni рамазон ойининг бешида мураккаб номлари предикатнинг пайт валентлигини тўлдириб, ҳол позициясида желяпти. Лекин гапнинг шаклий бўлиши бу билан тугамайди. Маълум бир позицияни эгаллаган мураккаб номлар ўз ичида яна қисмларга бўлинади. Лекин бу бўлиши гапнинг шаклий тўзилишига эмас, балки мураккаб номнинг ўз ичидаги шаклий тўзилишига оид бўлади. Хусусан эга позициясидаги бу хабар мураккаб номи ўз ичида икки узвга ажратилади: бу хабар; шунингдек, ҳол позициясидаги сешанба кuni ва рамазон ойининг бешида мураккаб номлари ҳам ўз ичида қуйидаги узвларга бўлинади: сешанба, кuni, рамазон ойининг, бешида. Мураккаб номнинг бир узви сифатида қатнашган birlik, ўз навбатида, яна ички узвлардан ташкил топган мураккаб ном бўлиши мумкин. Масалан, рамазон ойи мураккаб номларнинг бирикми даражаси бир хил эмас. Айрим мураккаб номларнинг узвлари ўта зич, айримлариники эса унга нисбатан "буш"роқ боғланган. Қумладан, бу хабар, сешанба кuni, рамазон ойи мураккаб номлари узвлари ўта зич, рамазон ойининг беши мураккаб номининг рамазон ойининг узви билан беши узви "буш"роқ боғланган.

Қуллас, гап таркибидаги узвларнинг шаклий ва мазмуний боғланиши даражаларини кўрсатиш ва уларнинг позицияларини белгилаш гапнинг шаклий ва мазмуний birlikлари ўртасидаги муносабатни очиқ берилга қулай имкон яратиб беради.

Олимжон Тоқиев,
(Андижон ДУ)

"БОБУРНОМА" АСАРИДА ОТ АСОСЛИ ГАПЛАР ВА УЗЛАРГА ЎТГАН ЗАМОН МАЪНОСИНИ ИФОДАЛОВЧИ ВОСИТАЛАР

Тилшуносликда феъл асосли гаплардан замон маъносининг аниқлашлилиги аллақачон эътироф этилган, бироқ, от асосли гапларда замон маъносининг ифодаланиши ҳақида тортишувлар бор. От асосли гапларда замон маъносини аниқлаш ҳақиқатан ҳам осон эмас.

От асосли гапларда от предикатнинг мазмуни лексик элементлар орқали яширин равишда ифодаланади.

Нурмонов А., Махмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжасова С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент, 1982, 71-бет.

От асосли гапларда ҳам баъзан замон, шахс категорияларини ифодаловчи махсус морфологик кўрсаткичлар иштирок этиши мумкин. Ғеълнинг тулиқсиз шакллари ана шундай кўрсаткичлар вазифасини ўтайди.

Тулиқсиз ғеълнинг эди, экан, эмиш шакллари ҳаракат маъноси-га эга эмас. Улар турли маъноларни ифодалаш учун турли грамматик вазифаларда қўлланади. Тулиқсиз ғеъллар отлар билан ҳам /отлар кенг маънода/, ғеъллар билан ҳам қўлланади.¹

Ишмизда БН асаридagi от асосли гаплар ва уларда замон маъносини ифодаловчи воситалар ҳақида тўхталмоқчимиз. Асарда замон маъносини англатувчи от асосли гаплар эди, эриш, эмиш, экан, экандур каби тулиқсиз ғеъл шакллари воситасида ифодаланади.

БН да ёқорида кўрсатилган тулиқсиз ғеъл шакллари от билан биргаликда қўлланиб, замон, шахс, урин, тегишлилик, хусусият, миқдор, ҳолат маъноларини ифодалашга хизмат қилади. Биз буни қуйидагича гуруҳларга ажратдик:

а/ замон, шахс, урин: Шайбақхон Хожа Гийдор ва Алибобц назвоҳиснда эди. /Узоқ утган замон, III шахс, бирликда, -да кўрсаткичи урин билдирапти/;

б/ замон, шахс, тегишлилик, хусусият: Умароси: Конибек дўлдой эди, Султон Малик Қошғарийнинг икиси эди. /Узоқ утган замон, III шахс бирликда, қариндошлик маъноснда/;

Ёми: Чун Умарийх Мирзо баланд қимматлик ва улур доиллик поццоҳ эрди. /Узоқ утган замон, III шахс, бирликда, хусусият, амал-мансаб/;

в/ замон, шахс, предмет номи, хусусият: Анда тажриба бўлди-ким, бони дўроқлардин тут яброғи за қаро йиғоч пўроғи отқа созворрек эмиш. /Утган замон купликда, III шахс, предмет номи, -рок морфологик кўрсаткич/;

г/ замон, шахс, миқдор, урин: У маҳалда бу Худойберди Темур-теш йиғинида беш ёшда эди. /Узоқ утган замон, III шахс, бирликда, миқдор/;

Ёки: Қири:-оллик кўн уя қишлоқда эдик. /Узоқ утган замон, II шахс, куплик, миқдор, урин/;

д/ замон, шахс, хусусият, ҳолат: Сулҳқа оштимод қилиб, булар-шини бу мақо ва гадридин беҳабар ва гофил эдик. /Узоқ утган

¹ Узбек тили грамматикаси. I том. Тошкент, 1975, 413-бет.

замон, I шахс, кўплик, хусусият, ҳолат/;

е/ замон, шахс, ўрин, миқдор, ҳолат: Ёдгор . Муҳаммад Мирзониинг
ешигида уч киши экандур, алар ҳам маст. /Утган замон III шахс кўп-
лик, ўрин, миқдор, ҳолат/ каби.

БН асарида от асосли гапларнинг замон ифодаловчи шакли
ҳар хил кўринишда учрайди, бироқ биз замон маъносини ифодалов-
чи айрим воситалар ҳақидагина тўхталдик ҳолос. Асардаги от асос-
ли гапларни тадқиқот объекти сифатида чуқурроқ ўрганиш тилимиз-
нинг ифода имкониятларини атрофлича тасаввур қилишга ёрдам
беради.

У.Раҳимов,
(Андижон ДУ)

БОБУР АСАРЛАРИДАГИ СОДДА ГАПЛАРНИНГ

МАЗМУНИЙ МУРАККАБЛАШУВИ

Улуғ адиб ва ҳассос шоир Бобур асарларининг бадиий қиммати
ва лисоний таҳлили ҳақидаги асарлар талайгина. Бу асарларда
шоирнинг қисқаликка интилиши, сиқик жумлаларда мураккаб фикр-
лар ифодалаш маҳорати, бу асарлар тилининг грамматик – синтак-
тик хусусиятлари тадқиқ этилади. Лекин мазмуний синтаксис йуна-
лиги асосида текширилганда, шоирнинг бадиий истеъдоди, лисоний
маҳорати яна ҳам кўзга ташланади. Чунки Бобур ўзининг газалла-
рида, прозаик ҳамда илмий асарларида прагматик жиҳатдан кучли
бўлган, матни мазмуний жиҳатдан бир-бирига жипслаштирувчи
ёрдамчи сўзлардан усталик билан фойдаланиб, мазмунан бой сатр-
лар яратган. Масалан: Ҳилватларда маҳрам ва ичкилардан ҳам
оёғини ёпар экандур. /БН, Т., 1989, 20-бет/ гапида "ҳам" аклама-
си қўлланган бўлиб, гапга таъкид ва кучайтирув маъносини икла-
пти ва мазмуний жиҳатдан "бошқа кишилардан ҳам оёғини ёпади"
деган пресуппозицияга ишора қилмоқда. Шунинг учун бир вақтнинг
ўзида битта содда гап орқали икки пропозиция аниқлашилмоқда.

Шу жиҳатдан БН да пресуппозицияга ишора қилувчи лингвистик
воситалардан жуда кенг фойдаланилган ва асар тилини содда,
сиқик ҳам тирақ қилишга эришилган.

Сочини савдоси тушди боғима бошдин Яна,

Тийра бўлди рўзгорим ул қаро қолдин Яна.

Бу сатрларда ҳам содда гаплар орқали мураккаб фикрлар ифодалан-
ган. 1-содда гап орқали "Соч савдоси аввал ҳам боғимга тушган-
лиги айтилса, 2-содда гап орқали "рўзгори аввал ҳам тийра бўл-

ганлигини билдиради. Билдириш очик ифодаланмай, йна икламасининг пресуппозицияси орқали яширин ифодаланadi. Шу сабабли синтактик бирликлар орқали битта фикр баён қилинса, икламаларнинг прагматик маънолари асосидаги пресуппозицияси орқали иккинчи фикр англашилadi. Шунинг учун ҳам Бобур асарларининг тили содда, сиқик, равон бўлса ҳам, мазмунан мураккаб ҳисобланади.

Икламалар иштирок этган гапларда ҳамиша бирдан ортиқ пропозиция англашилиб, мазмунан мураккаб бўлади. Мазмуний мураккаблик актуал тузилишга ҳам таъсир этиб, уни узгартиради. Ҳамиша иклама боғланган бўлак мантиқий урғу олиб, актуаллашади. Қўпинча, актуал бўлак асосида пресуппозиция англашилиб, маъжуд булаклар орқали ифодаланган пропозицияга қўшимча тарзда иккинчи пропозициячи вазга келтиради. Шунинг учун пресуппозиция англашилган гапларнинг мазмуний тузилиши мураккаб бўлади.

Шу жиҳатдан Бобур асарларида теран ва муқтазам кузатувчанлик, турра олам ҳодисотларини зийраклик билан қўра олиш ҳисси йўғрилган қўшма жумлалар тузулганки, уларнинг барчасини ҳозирги амалий тилшунослик ютуқлари асосида таҳлила этиш мураккаб вазифа ҳисобланади ва ҳозирги тилшунослик учун қўша қўп маълумотлар бера олади.

Н.Г.Солжбоев,
(Андижон ДУ)

"БОБУРНОМА"ДА АРАБЧА СИНТАКТИК БИРЛИКЛАРНИНГ ҚУРИЛИШЛАРИ

"Бобурнома" асарини ўрганиш жараёнида асар муеллифининг серқирра икко соҳиби эканлиги намойён бўлади. Хусусан, асарнинг "Воевести Бобурий" деб номланиши, ундаги ҳамма сарлавҳаларнинг араб тилида берилиши фикримизнинг далилидир. Биргина "вақоеи санаи икко ва тисъамиа" (1901-йил декадари)-сўзлар бирикмасида бир нечта синтактик адоқа ва мунсабатлар ифодаланганлиги кўринади. Бу ислода арабий изофа бирикмаси ва мослашган аниқловчилар маъжуддир.

Арабий изофа бирикмаси-иккита исмининг араб тилида, от, сифат, сон, олмон исмлар ҳисобланади) бир-бири билан боғланиб, бир-бирини бошқариб келиши. Унда, биринчи исм гапдаги вазифасига қўра учала келишидан бирида, иккинчи исм эса қаратқич келишигида келади. Изобий бирикма шундай манолит бирикмаки, улар орасига бошқа бирор сўз кириши мумкин эмас.

"Вақоеи сана" (яил воқеалари)-изофий бирикма. Ҳзбек тилидан фаркли улароқ, арабий изора бирикмасида аввал аниқланмиш, ундан кейин аниқловчи келади.

"вақоеи" - аниқланмиш,

"сана" -аниқловчи: Бу бирикмалар мослашмаган аниқловчи деб ҳам вригилади.

Иқоридаги нисолдан "вақоеи"қолдирилиб", санои ихдо ва тисъа миш" бирикмаси олинганда "ихдо ва тисъа миш" сўзлари "сана" сўзига мослашиб, синтактик муносабатни ифодалайди. Бу бирикма мослашган аниқловчиди бирикма дейилади, чунки аниқланмиш аниқловчи билан тўрт грамматик (жисм, келишик, ҳолат) категорияда мослашиши керак.

Санои (аниқланмиш)

Ихдо ва тисъа миш (аниқловчи)

исм

+

!

исм

+

!

исм

1. Муаннас жинсида,
2. бирлик сонда,
3. қараткич келишигида,
4. ноаниқ ҳолатда,

1. Муаннас жинсида,
2. бирлик сонда
3. қараткич келишигида,
4. ноаниқ ҳолатда.

БН асари билан танишиш шундай ҳулосага олиб келадики, барқ халқлари ва уларнинг мутафаккир ва олимлари кўллаб тилларни билганлар, гоBUR эса уларнинг анъаналарини давом эттириб, ижодий ривожлантирган. БН асарининг тил хусусиятлари таҳлил қилинса, унинг араб, форо-тошки, жинд тилларини мукамал билганлиги аққол кўзга кўринади. Ҳозирги ёш авлодни ҳам, ақлодларимиз анъаналарини давом эттириб, кўп тилларни билишга ва шу асосда янги-янги нашриятлар, илмий назариялар яратилга чорлайди.

О.Т.Бегимов,
(Қарши IУ)

"БОБУРНОМА"ДА АЎҒОНИСТОНДАГИ ЁЙ НОМЛАРИНИНГ ЭИҚРИ

"Бобурнома"да АЎғонистоннинг шаҳар, вилоят, кишлок, ваҳа, гузар, овул, тоғ, дарё, дара, дала, дашт, кўтал, майдон, булок, чашма ва бошқа ер вази тузилиши, сувлоқлари, аҳоли масканлари ҳақида кўпгина янги-янги ва муҳим маълумотлар зикр этилган. Бобур АЎғонистон улмасига катта кизиқини билан қараган. Ҳзи кўрган, бўлган ва олитган жойлар ҳақида маълумот ёзар экан, энг биринчи ва бошда, шу жой-

нинг номини қайд этган, шу номнинг сийсий, ижтимоий, тарихий, жуғрофий ва лисоний қимматини тушуниб этган. Боқеа-ҳодисаларни маълум бир маконда тасаввур этиб, макон билан боғлиқ лисоний бирликлар дуғозий маъносини изоҳлашга интиланган, номланиш сабабни тушунтиришга ҳаракат қилган.

БН да Афғонистон топонимиясига тегишли уздан зиёд номлар мавжуд. Уларни лисоний фазилатларига, қайси тур жой номи эканлигига кўра қуйидаги типларга ажратиш мумкин.

1. Ойконимлар: Қобул, Ламғонот, Пуршовад, Гулкина, Сунан, Чармагарон, Парандий, Парвон. Булар - шаҳар, вилоят, қишлоқ, даҳа, оғул, гузар номларидир.

2. Оронимлар: Шоҳи Қобул тоғи, Уқобайин тоғи, Липчок тоғи, Қўли Сафид, Хост тоғи.

3. Гидронимлар: Қизил сув, Обдара, Тақоб, Нилоб, Куруксой, Сурх руд, Борон дарёси.

Ҳар бир тур номлар лексик таркибига, ясалиш ва тузилиш омилларига кўра бир-биридан фарқ қилади. Айримлари узбекча жой номларидан бир қанча хусусиятларига кўра тафовутланади. Бобур Афғонистондаги ҳаёти ҳақида, бир қанча афғоний жой номларининг яралиши, уларнинг асоси ва қўшимчалари, маъноси, базиғаси, номларга айланиш тарихи ҳақида қайдловлар ёзиб қолдирган: "Ул тоғнинг қулласида Шоҳи Қобул иморат қилгани учун бу тоғни Шоҳи Қобул дерлар". Ёки бўлмаса Тул тоғи тўғрисида гапириб, шундай изоҳ қолдирган: "Бу уч куталдан яхшироғи Тулдир. Вале йули бир нима узунроқдир. Ҳолибо бу жиҳатдин Тул дерлар". Тул сўзи форс-тожик тилида узун, чўзиқ каби маъноларни беради.

БН да зикрланган Афғонистон жой номларини тузилишига кўра қуйидаги группаларга ажратиш мумкин.

Соғда топонимлар: Тул, Синд, Гур, Сунок, Кома, Кунир. Бу каби топонимлар нисбатан оз.

Қўшма топонимлар: Ҳафтбача, Обдара, Нилоб, Нингнаҳор, Одинапур, Куруксой.

Изоби кўрсаткичли топонимлар: Қўли Сафид, Боғи Баро, Дараи Нур, Боғи Калон, Дараи Зиндон, Дараи Суф.

БНдаги Афғонистон жой номлари этимологик жиҳатдан қуйидаги тилларга мансуб:

Арабча сўزلардан ясалган топонимлар: Ламғонот, Уқобайин, Валиён.

Форс-тожикча топонимлар: Ҳафтбача, Обдара, Нилоб, Андароб.

Чармгарон.

Афгон(пушту) тилига тегишли топонимлар: Хашангар, Санжид, Турунж, Банну, Анжон.

Турк (узбек) тилига оид топонимлар: Дизиля сув, Куруқсой, Қоратун, Дипчок.

БНда қайд этилган Афғонистон жой номларининг тарихий, илмий ва амалий қиммати шундаки, XVI ва XX аср Афғонистон жой номларини ғиёсий-тарихий йўсинда ўрганиш учун, умуман, эроний ва туркий тилларнинг номзунослик соҳасидаги ўзаро таъсирини таъдиқ этиш учун, тиллар ҳамкорлиги ва муносабатини кенг қамров билан текшириш учун муҳим манба саналади. Хусусан, XI-XIX асрларда Афғонистонда туркий халқларнинг маъқеи ва нуғузини белгилашда жой номлари аниқ далиллардир. Бундай далилларнинг БНда кўплиги, турлитуманлиги ўзбек халқи тарихининг мураккаблигини кўрсатади.

Ш.Валиев,
(Андижон ДУ)

МАДАНИЯТШУНОСЛИК МАНБАИ

Заҳририддин Муҳаммад Бобур Ҷрта аср Шарқ маданиятининг қомусий билимдони эканлиги тарих фанида аллақачонлар тан олинган. Инглиз шаръшуноси У.Эрскин "Биз Осиёдаги ҳукмдорлар ичида Бобур сингари гениал ва талантли кишиларни камдан-кам учратаемиз, ...Бобурга тенг келадиган биронта подшоҳ тополмаймиз" (Заҳририддин Муҳаммад Бобур, Бобурнома. 1960 й., 51-бет).

Бобурнинг, Бобурдек подшоҳнинг ўз халқи ва ўзга халқлар маданияти, санъатини беҳад севиши ва улар билан фаол шуғулланиши, айниқса, исбли кам учраган ҳодисадир. Унинг "Бобурнома" асаринисон тафаккурини юқори даражага кўтарадиган, миллий онг ва надриятни шакллантиришга хизмат қиладиган бебаҳо илмий-тарихий манбадир. Чунки бу асарда ўзбек, форс, афғон, тожик, ҳинд ва бошқа халқларнинг маданияти тарихига доир гоёт қимматли маълумотлар бор, лекин улар бобуршуносликда ҳали маълум таъдиқ этилганича йўқ. Бундай таъдиқотлар маданиятшунослик, диншунослик, фалсафа, тарих фанлари нуқтаи назаридан айниқса, муҳимдир.

БН да XV асрнинг 2-ярми ва XVI аср бошларида Мовароунназар, Хуросон, Афғонистон ва Ғиёсий Афғонистон маданият ҳаёти кенг ва ишонarli таъдиқ қилинади. Муаллиф бу масалани кўзатиш, таъдиқотлар, тарихий-ғиёсий услубда таъдиқотлардан намунасини берди.

Бобур Мирзо Самарқанд маданияти ҳақида кенг маълумотлар эсади. У шаҳарнинг меридиани, пайдо бўлиш вақти, исломнинг қабул қилиниши тарихини баён қилади. Бунда у илоҳиёт ва илмий манабалар асосида иш куради. Самарқанднинг илм аҳли, архитектураси, меъморий обидалари, боғдорчилик санъати, ҳатто ҳунармандчилик ва савдо маданияти ҳақида БН да берилган маълумотлар жиқдий илмий аҳамиятга эгадир.

Бобур Мирзо Амир Темур ва Мирзо Улуғбеклар яратган улкан қурилишларни батафсил тавсифлайди. "Улуғбек Мирзонинг иморатларидан Самарқанд қалъасининг ичида мадраса ва хонақоҳдур, деб хабар беради Бобур Мирзо. - Хонақоҳнинг гумбази бисёр улуг гумбаздир, оламда онча улуг гумбаз йук деб нишон берурлар" (193-бет). Бобур Мирзонинг тасдиқлашича, Мирзо Улуғбек бобоси изидан босиб, Самарқандда ноёб тарихий обидалар қурдирди, уларни гўзал нақшлар, чинилар билан безатди, улар мустаҳкамлиги билан ажралиб турарди.

БН да Самарқанднинг гавжум бозорлари, сифатли қорғазлари, хилма-хил поилари-ю, лаззатли таомлари ва мевалари ҳақида хабар берилади. Дискиси, БН да XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрнинг биринчи чорагидаги Самарқанднинг қиёфаси барча жиҳатлари билан гавдаланади. Бу жиҳатдан уни узига хос илмий маълумотнома дейиш мумкин.

Ҳинд олими М.Рандхава таърифлаганидек, "маърифатли шоҳ Султон Ҳусайн ғамхўрлиги турайли Хирот XV асрда йирик маданият марказига айланди" (М.Рандхава. "Асрлар оша боғлар", 1933й, 3-бет)

Бобур Мирзо ана шу "Йирик маданият маркази"ни шахсан кузатиш орқали урганди, унга катта меҳр қўйди. у БН да Хирот маданий ҳаётини ҳар тарафлама кенг ва аниқ ёритди. Бобур Мирзо тарихий далиллар ва машҳур шахслар таъқинида Султон Ҳусайн ва Алишер Навоий ран, санъат, маданият ва дин ҳомийлари бўлганлигини тасдиқлайди. Агар Улуғбек даврида илодий зиёлилар Самарқанддан паноҳ топган бўлсалар, Султон Ҳусайн даврида Хиротдан паноҳ топдилар. Самарқанд, Бухоро, Шох, Андижон, Балх, Машҳад ва бошқа шаҳарлардан Хиротга машҳур зиёлилар, дин арбоблари наҳот излаб келдилар, Султон Ҳусайн, айниқса Алишер Навоий уларнинг турмуши ва илоди учун қулай имконият яратиб бердилар. Бунинг натижасида Хиротда улкан қурилишлар амалга оширилди, ноҳир ва ноёб бадий, илмий-тарихий, диний-фалсафий ва тасвирий санъат дурдоналари яратилди. Хуллас, XV аср Хирот маданий ҳаёти нафақат турк наза-

нияги, балки жаҳон маданияти хазинасига улкан бойлик берди. Бу бойлик халқимизнинг улмас қадрияти ва фахридир. Унинг тафсилотлари ҳақида маълумотнома қолдирган Бобур мирзо биз учун, Ған учун янада қадридир. Фикримизча, Ғирот маданияти ҳақида Бобур мирзо берган илмий-тарихий маълумотлардан халқимиз, айниқса, ёшларимиз етарли хабардор эмас. Давил учун бир мисол келтирайлик. Бир гуруҳ узбек талабаларидаи "Ғамолиддин Бехзоднинг қандай асарларини биласиз?" деб сўралганида уларнинг бирортаси бу булк санъаткор асарлари номини айтиб беролмадилар. Ёшларимизнинг бу борада хабарсизлиги уларнинг айби эмас. Аксинча, бу кенглик Бехзоднинг ҳаёти ва ноёб ижоди ҳақида мактабларда таълим берилмаслигининг натижасидир. Бинобарин, ўзининг хилма-хил мавзуларда жозибадор тасвирий санъат мактаби билан танилган, Алишер Навоийнинг содиқ шогирди, "Шарқ Рағзаели" - Бехзод ҳақида ёшларга чуқур таълим бериш тақозо қилинади. Бу ишда БН дан қимматли манба сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. "Бобурнома"да Ғиротда яшаб ижов қилган ислом уламолари тўғрисида берилган хабарлар ҳам диққатга сазовордир. У даврда уламолар ва руҳонийлар халқнинг зиёлилар тоифасини ташкил қилар эди. Улар мадраса ва мактабларда, масжид ва хонақоҳларда диний зиё билан бирга дунёвий ишларни ҳам тарғиб қилар эди. Бу тарихий ҳақиқат Бобур мирзо томонидан кенг шарҳланади. Ғирот уламолари орасида Шайхул Ислои Садриддин Аҳмад, Мавлоно Шайх Лусайн, Муллазодаи Мулла Усмои, Мир Муитоз, Мулло Маъсуд Первоний, Мир Ғамолиддин Мир Атоулло Маъхадий, Ғози Ихтиёр, Мир Муҳаммад Ёсуф энг муътабар илоҳиётчилар сирасида машҳур эдилар. Бобурнинг хабар беришича, улар калом ғалсафаси, шариат, мантиқ, риёзиет ва ботқа ғанлардан таълим берганлар; тақводор мусулмон бўлиши билан бирга Шатранх /шахмат/, қушиқ, мусиқа, рақс, аскиачилик билан шуғулланганлар, ҳатто уларнинг баъзилари подшо сийёсатиға ижобий таъсир ўтказганлар. Шуниси диққатга сазоворки, уламолар орасида исломнинг тили ғуналишларига ва назмларига мансуб кишилар бўлган. Бирок, улар ўртасида адиллик ва аўстлик барқарор эди. Бобур мирзонинг бу ҳақдаги хабарлари бугунги ислом адли учун ҳам ибратликдир.

ҒН ни ҳақли равишда Берунийнинг "Ғиндистон" китобидан қолдирган ўрнида турувчи узбек ғиндустонлик манбаи дейиш мумкин. Унда Бобур мирзо ғинд халқининг турмуши, диний эътиқодлари, ўрғ-олатлари, тили, ахлоқ-одоби ва бошқалар хусусида кенг маълумот

беради, уларни танқидий таҳлил қилади. Бобур мирзо хинд халқини ислом ва турк маданияти билан янада яқиндан таништиради. У хинд халқи турмушига туркларнинг миллий таомлари /пиллов, қовурма, кичири қазни/, мусиқа асбоблари /карнай, сурнай, нағора, гижжак, доира/, боздорчилик санъатини, сабзанот-мевачилик маданиятини олиб кирди. Шунинг учун ҳам машҳур хинд давлат арбоби Ҳавоҳар-дал Неру бобуриблар ҳиндлар диёрида, санъат, меъморчилик ва маданиятнинг бошқа соҳаларига сарфлик, ҳаёт бағишлади... деган таърифига қўшилмаслик мумкин эмас. Айниқса Агра, Деҳли, Гуваҳёр, Секри ва бошқа шаҳарларда Бобур мирзо ва унинг авлодлари томонидан қурарилган бинолар, машҳур бозлар турк ва хинд халқлари маданиятларининг уйғунлашишига ёрқин далилдир. Шу сабабли бўлса керак, хинд халқи Бобур мирзонинг номини атамай "жаннатмакон" деб тилга оладилар.

Англашиладики, БИ шарқ маданиятшунослигининг подир нанбаидир. Уни шу жиҳатдан кенг ва чуқур таққид қилиш, улар натижасини халқ орасида кенг ёйиш жиддий масаладир. Бундай ишлар халқимизнинг миллий қадриятини тиклаш ва миллий оғини тезроқ шакллантиришга хизмат қилади.

Саид Хужаев,
(БухҒИ)

УЙҒОНИШ ДАВРИНИНГ ЙИРИК МАДАНИЯТ АРБОБИ

Қадриятларимиз қарор топиб ўзлигимизни англаётган бир даврда Баҳриддин Муҳаммад Бобур сингари ашломаларимизнинг муборак номларини ардоқлашимиз мустақиллигимиз шарафатидандир. Бобур ҳақиқатан ҳам урта аср Уйғониш даврининг йирик маърифат ва маданият арбоби, миллатимизнинг баҳри, халқимизнинг ардоғли ва азиз фарзандидир.

Бобур ҳам Алишер Навоий сингари буюк Шарқ ренессанси вакиллари каби кунларгад кетсездод эси, кенг салоҳият соҳибидир. Бобурнинг маданий мероси билан танишарканмиз, унинг беناзир инсон эканлигига ҳайта-ҳайта ишонч ҳосил қиламиз. Бобур улкан ақлоб бўлиш билан бирга ҳақиқатпараст муаррих, маърифатпарвар инсон, зукко мусиқашунос ва навозанда, нозиктаъб шинаванча, беناзир тилшунос олим, дунё қурган сайёҳ ва ҳисор саркардани. Бобур или-фаннинг турли соҳаларида асарлар тратди. У агуз қилар-рхаси бўйича рисола, ҳанда мусиқа соҳасида "илии мусиқия" асарини

яратли ва "чоргоҳ" савтларидан бирини ижод қилди. Тақрибали ва ҳисур ҳарбий саркарда сифатида "дарб иши" номли асар ёзди. Бирок, унинг мусиқа ва ҳарбий ишга оид асарлари, афсуски, бизга етиб келмади. У ислом дини ва шариатни қадрлаб диний асарлар ҳам яратди. Унинг асарлари урта асрлар уйғониш даври маданияти хазинасига қўшилган беобаҳо хазиналардир.

Бобурнинг газал, рубоий, мусаддас ва тўяқлари қуйма бадиий шакл ва шарқона донишмандлик назмуни билан сугорилган асарлардир. У ҳаёт, меҳр-оқибат, севги ва садоқат, ватанга меҳр, дўстларга мурувват, қувонч ва подликни қуйлади, инсон қадрини, муҳаббат ва нафси аъзолади, инсоний илм-маърифатга, яхши хулқ-аъвоқли бўлишга даъват этди:

Бори элга яхшилик қилғилки, мундин яхши йук.

Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилик.

Истеъдодли саркарда Бобур 300 аскар билан Афғонистонни эгаллади. 1526 йилнинг апрелида Деҳли шимолидаги Панипат ёнидаги ғолиб чиқиб ҳинд мулкини ўзига қаратди. Шундай қилиб, фарғоналик давзода у ерда йирик бир давлат тузиб Намна (Амуна) дарёси бўйидаги Агра шаҳрини пойтахт қилди. Бобурнинг Афғонистон ва Һиндистонни обод қилиш, халқни маърифатли этиш соҳасидаги хизматлари каттадир. Һиндистоннинг собиқ бosh базири Ҳавоҳарлашл Һару Бобурнинг бу баолиятига юксак баҳо берди. Унинг фикрини Афғонистон подшоҳи иштирокида 1957 йилнинг 30 июлида Кремлда ўтказилган митингга атоқли шарқшунос олим С.П.Толстов ҳам таъкидлаб ўтди.

Ўзбек насрининг дилбар ва ноқир намунаси сифатида БН нинг инглиз фаранг, немис, форс, ҳинд, ўрис ва бошқа қўллаб тилларга таржима қилингани Бобур меросининг баланд қадр-қимматини намойён қилиб туради. БН ни инглиз тилига таржима қилган ҳиндистонлик Саид Һиззатулло деган кишининг Бобур тилга олган табаррук жойлар изидан саёҳат қилиб чиққанлиги маълум.

Заҳириддин Бобурга қадимий Бухорои Шариф ҳам азиз ва таниш бўлган. Бухоро хонлиги даврида БН ни "чигатой тили"дан форсчегга таржима қилингани ҳам диққатга лойик иш бўлган. Бу ишни Тоғай Мурод дарлуқ Латлоний Балқувоний бажарганлар. Шунингдек, Санкт-Петербург кутубхонасида БН нинг 1702 йилда Бухоро шаҳрида Мулло Абдулваҳоб Охунд Рихқувоний томонидан ўзбек тилида чиройли қилиб кучирилган қўлёмаси ҳам сақланмоқда. Уни Бухоролик савдогар Назарбой Туркистоний 1824 йилда

Бухородан Санкт-Петербургга олиб бориб О.И.Сенковский деган одамга берганлиги қайд қилингандир. Акбаршоҳ саройида тўпланган моҳир рассом ва ҳаттотлар орасида бухоролик усталар ҳам бўлган. Бобур Андижондан келтирилган шакарқамишни қобул атрофида ўстириб, кучатларидан Бухорои Шарифга юборган. Хуллас, буюк ва беназир алломамиз андижонлик Бобур мирзо бухороликлар учун ҳам ниҳоятда азиз ва эъзозлидир, унинг қутлуғ тўйи барчамизнинг тўйимиздир.

М.Абдурахмонов,
(Андижон ЁУ)

БОБУРНИНГ УСТОЗИ

Бобур даври тасаввуфи
рукидан

Заҳридин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллик санасини нишонлар эканмиз, уни ниҳоятда кенг мушоадали, чуқур билим эгаси ва улуг инсон бўлганига ишонч ҳосил қиламиз. Ажойиб завқли, зукко шeir ва синчков тадқиқотчи сифатида Бобур бизларга, бебаҳо мерос қолдириб кетди.

Бобур яшган давр ўзининг суронли воқеалари, теурий шахзодаларнинг тоху тахт учун жону-жаҳдлари билан олиб борган курашлари ҳар қандай ижодкорни ҳам ўз маромидан четга чиқариб юборар эди.

Ёш Бобур мирзо шундай нотинч бир пайтда Фарғона вилояти ҳохими бўлиб сиёсий майдонга кириб келди. Унинг муҳолифлари Бобур мирзодан бир неча ёш улуг бўлган ва теурийлар хонадонидеги барча воқеалардан хабардор, чларнинг ҳарбий имкониятларини яхши биладиган, тажрибали Муҳаммад Шайбонийхон томонига ўтиб кетган эди. Аммо Бобур ҳам яккаланиб қолмади. Унинг атрофида отасига содиқ бўлган йирик ҳарбийлар, сипоҳийлар, беклар, амирлар келиб Мирзога садоқат билан хизмат қилдилар. Бобур ҳам отасининг дустларини қийин ҳолатларда ҳам эсидан чиқармай йўқлаб турди. Уларга катта инъом-эҳсонлар берди ва шу йул билан уларни ўзига яқинлаштирди. Ўзи эса қунт билан улардан билим урганиб, олган билимларини ҳаётга татбиқ қилишга киришди.

Ёш Бобур мирзо ўз замонасининг машҳур кишилари билан яқин илоқлада бўлишга интилди. У Андижон, Аҳси, Қосон, Хужанд шаҳарларидаги йирик уламоларни бир жойга йиғиб улар билан суҳбатлар

турар, уларга катта зиёфатлар қилиб бериб кўнглини оларди. Кўп ҳолларда бундай суҳбатларга ўзи кириб борарди ва турли мавзулардаги баҳсларга, мароқли суҳбатларга доимо қатнашиб келарди. Бобур мирзонинг илмда баркамоллигини кўрган ўз замонасининг машҳур кишилари мирзо билан суҳбатлашгани уларига шараф деб билардилар. Булардан ташқари ёш Мирзо кўп олимлар билан мактублар ёзишиб турарди.

Бобур мирзо, гарчи Андижонда яшаб турса ҳам, отасининг олисдаги пири самарқандлик Убайдулло хожа Аҳрор (1404-1490) - дан мактублар олиб турарди. 1496 йил машҳур Хожа Аҳрор ҳазратлари ёш Мирзога атаб "Рисолаи волидия" /"Оталарча насиҳатлар рисоласи"/ни ёзиб, унга насиҳатлар қилади. Бу рисолада улуғ Хожа Аҳрор Қуръони каримнинг маълум сураларини сўриёна талқин этадилар, ўзга теурий шахзодалар билан ҳарб майдонида қилич ялонғочлаб эмас, балки дўстлик дастурхони устиде учрашиб иш қуришни тавсия қилади. Улуғ Хожа икки мусулмон киши бир-бирининг қонини тўкиши сира ҳам кечирилмас гуноҳ эканини уқдиради ва у ҳар иккисини ҳам кофир ҳисоблайди. Бундай гуноҳдан сақланиш керак деб қайта-қайта уқтиради.

Бу сузлар Бобур мирзога қаттиқ таъсир қилади ва бир неча кун ўзига келмаюлмай пради. Орадан бирмунча вақт ўтганидан сўнг Бобур шу яқин орадаги - қосонлик машҳур тасаввуф олими хожа Аҳмад Саид Қалобиддин Қосоний (1461-1542)нинг Тошкентдан ўз шаҳарига қайтиб келгани ҳақида хабар эшитади ва ул зотнинг олдига ҳараб йўл олади. Хожа Аҳмад Қосоний ёш Бобур мирзога олдинлари ҳам кўп марта лаб насиҳатлар қилган, бир-бирларини яқин билдирган устози эди. Кейинги икки йил ичида ул зот Тошкентга бериб яшаб турган эди. Мана ул зот яна ўз ертига қайтиб келибди экан, бу айни муддао бўлди. Бобур мирзо улуғ Хожа Аҳрорнинг мактубини ўзи билан олиб устози Хожа Аҳмад Қосоний ёнига йўл олди. Наҳот тилаб мурожаат қилган Мирзо қалбига Хожа тасалли беринга киридилар. Ул зот ёш ҳужумдорга шонилмасдан, гадбиркорлик билан иш тутигига маслаҳат берди. Бобур мирзо олиб бораётган бу курашлар мамлакатни бирлаштириш ва эл-орт осойишталиги учун олиб борибса, бундай кураш шариатнинг тўрт мазабида ҳам ўзини оқлайди деб жавоб қилдилар. Бу жавоб ёш Бобурни тинчлантиради ва уни янги куч билан ўз муҳолифларига қарши курашга отлантиради.

